



МУНДАРИЖА

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 2/2025 йил (24-сон)

Музаффар ЭГАМОВ,

ТЕРГОВ ВА СУД АМАЛИЁТИДА
ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ҲАМДА ТЕРГОВ СИФАТИНИ
ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН
ИДОРАЛАРАРО ЎҚУВ-СЕМИНАР

2

Ражабов БЕКЗОД,

ПРОКУРОР-КРИМИНАЛИСТ
ИНСТИТУТИНИНГ ЮРИДИК
ТАБИАТИ

56

Акрамжон АХЛИМИРЗАЕВ,

БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИ
ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДИ.

6

Анжелика ИБАДОВА,

«ТАН ЖАРОҲАТЛАРИ ЕТКАЗИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ»

66

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИШ
АСОСЛАРИ ВА ҚОНУНИЙЛИГИ
УСТИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

12

**Munira BOBOUMAROVA,
A.A.BOBONONOV,**

SURISHTIRUV ORGANLARI
TUSHUNCHASI VA ULARNING BOSHQA
INSTITUTLARIDAN FARQLI JIHATLARI

75

Хуршид АТАНАЗАРОВ,

“ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ)
ЗЎРАВОНЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-
ПСИХОЛОГИК ТАБИАТИ

22

Асроржон ЭРАЛИЕВ,

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ

82

**Азамат АМАНОВ,
Бахтиёржон МУРОДОВ,,**

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА
ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА
АЙБЛАНУВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
МАҚОМИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ

30

Alisher G'AYBULLAYEV,

OMONAT SAQLASH SHARTNOMASI
BO'YICHA YECHIMINI KUTAYOTGAN
AYRIM MASALALAR

88

Достон ЭШҚУЛОВ,

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ
ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

41

**Фаррух БОЗОРБОЕВ,
Акрамхон БОБОХОНОВ,**

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ПРОЦЕССУАЛ
ҲАРАКАТЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИШ
ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ

98

ФИРДАВС НАСРУЛЛАЕВ,

ШАҲСНИ ЖИНОИЙ
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ЁКИ
ҲУКМНИ ИЖРО ЭТИШ УЧУН
УШЛАБ БЕРИШ — ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИКНИНГ ТУРЛАРИДАН
БИРИ СИФАТИДА

46

Фарход БОБОМУРОДОВ,

ТЕЗҚОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ
ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ
ТАҲЛИЛИ

106

Sardorbek XUSANBOEV,

ICHKI ISHLAR ORGANLARINING
EKSTREMISTIK GURUHLAR
FAOLIYATIGA QARSHI
KURASHISHNING SAMARALI
YO'LLARI: ILMIY-NAZARIY VA
AMALIY YONDASHUVLAR

116



Музаффар ЭГАМОВ,
Тергов департаменти
бўлим бошлиғи

ТЕРГОВ ВА СУД

АМАЛИЁТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ТЕРГОВ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИДОРАЛАРАРО ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг касб-маҳоратини мунтазам ошириб бориш ҳамда тергов сифатини янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу жараён, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунийликка қатъий риоя этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, суд амалиётида аниқланаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.





Мазкур ишлар мантикий давоми сифатида Бош прокуратурада ўқув-семинар машғулоти ташкил этилди. Семинар Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Валиев раҳбарлигида ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари – Жиноий судлов хайъати раиси А.Усманов ҳамда Ички ишлар вазири ўринбосари – Тергов департаменти бошлиғи Р.Ашропов иштирок этди.





Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, прокуратура органларининг прокурор-тергов ходимлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ҳамда Ички ишлар вазирлигининг барча суриштирувчи ва терговчилари иштирок этди. Бу эса тадбирнинг идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ягона ёндашув ва амалиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади. Семинар доирасида жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида судлар томонидан чиқарилган оқлов ҳукмлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 416–417-моддалари тартибида қабул қилинган ажримлар чуқур таҳлил қилинди. Ушбу таҳлиллار асосида суриштирув ва тергов жараёнларида йўл қўйилган асосий хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, уларнинг сабаблари ҳамда оқибатлари атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, келгусида бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида барча тергов ва суриштирув ходимларига аниқ ва тушунарли тавсиялар берилди.



Муҳокамалар давомида тергов ва суд фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган Конституциявий нормаларга оғишмай амал қилиш тергов органлари ва судлар олдида турган умумий ва устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, айбсизлик презумпцияси, шахсий дахлсизлик, қонуний далиллардан фойдаланиш ҳамда процессуал муддатларга риоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.





Семинар якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, суриштирув ва тергов фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг амалий кўникмаларини ошириш ҳамда суд амалиётида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур ўқув-семинар тергов органилари ва судлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қонунийлик ва адолат тамойилларини амалда таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Семинарда иштирок этган ходимлар фаоллик кўрсатиб, маърузачилар томонидан тақдим этилган маълумотлар юзасидан қизғин муҳокамалар олиб бордилар. Берилган саволларга атрофлича ва ҳуқуқий асосланган жавоблар тақдим этилди, шунингдек, тергов сифатини янада яхшилаш, суд-тергов амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш бўйича қатор амалий таклифлар илгари сурилди.



Бундан ташқари, Республиканинг барча ҳудудларида Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Валиев ва Ички ишлар вазири ўринбосари – Тергов департаменти бошлиғи Р.Ашропов иштирок ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида тергов сифатини ошириш ва янги босқичга олиб чиқиш юзасидан ўқув машғулотлари ўтказилди.





БОЖХОНА

ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ
БУЗИШ ЖИНОЯТИ ВА УНИНГ
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДИ



THE CRIME OF VIOLATING CUSTOMS
LEGISLATION AND ITS THREAT TO THE
ECONOMIC SECURITY OF THE STATE

**Акрамжон
АХЛИМИРЗАЕВ,**
*Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги ҳузуридаги
Божхона қўмитасининг
Суриштирув в маъмурий
амалиёт
бошқармаси бошлиғи,
полковник*

АННОТАЦИЯ. Мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг ҳуқуқий ва амалий асослари таҳлил қилинган. Жиноятнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсири, божхона тўловлари билан боғлиқ оқибатлар мисоллар билан ёритилган. Хулосалар орқали бу жиноят турига қарши самарали кураш чоралари таклиф этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: божхона, ҳуқуқбузарлик, жиноят, иқтисодий хавфсизлик, ташқи иқтисодий фаолият, божхона тўловлари, ҳуқуқий жавобгарлик, ҳавфсизликка таҳдид.

ANNOTATION. The article analyzes the legal and practical foundations of the crime of violating customs legislation. The impact of the crime on the country's economic security and the consequences associated with customs payments are illustrated with examples. The conclusions propose effective measures to combat this type of crime.

KEY WORDS: customs, offense, crime, economic security, foreign economic activity, customs fees, legal liability, security threat.

**Akramjon
AKHLIMIRZAEV,**
*Head of the Department for
Inquiry and Administrative
Proceedings of the State
Customs Committee under
the Ministry of Economy and
Finance of the Republic of
Uzbekistan, Colonel*



Бугунги глобллашув жараёнларида ҳар бир давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим стратегик вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Иқтисодий хавфсизлик — мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари, ресурслари ва бозор муҳитини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишини англатади. Ушбу хавфсизликни таъминлашда божхона органларининг ўрни бекиёс бўлиб, улар давлат чегаралари орқали товарлар оқимини назорат қилиш орқали иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилади.

Шу нуқтаи назардан, божхона қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар нафақат давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади, балки мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XII бобида иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб,

182-моддасида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Унга кўра, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда

ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш назарда тутилади [1].

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва бошқа қонунчилик, шунингдек халқаро шартномалар билан қатъий белгиланган.

Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради [5].

Жиноятнинг бевосита объекти давлат, юридик шахс ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминловчи товар ва бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чеграси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ҳисобланади.

ҚУЙИДАГИЛАР ЖКНИНГ 182-МОДДАСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖИНОЯТНИНГ ПРЕДМЕТИ ҲИСОБЛАНДИ:

- ◆ божхона чегарасидан ўтказилаётган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари;
- ◆ электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари;
- ◆ Божхона кодексининг 13-моддасида товар деб тан олинadиган транспорт воситалари;
- ◆ интеллектуал мулк объектлари;
- ◆ маданий бойликлар;
- ◆ ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари [6].



Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти бевосита ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар – Жиноят кодексининг тегишли бобларида жавобгарлик назарда тутилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига тажовуз қилувчи трансчегаравий характердаги махсус усулларни қўллаган ҳолда ғаразли мақсадларда қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир [8].

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилиши назорат қилиб бўлмайдиган товарлар муомаласини ёки улардан айримларининг республика ҳудудида тақчиллиги ҳолатини келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда Жиноят кодексида кўрсатилган бошқа жиноятларнинг содир этилишига асос яратиб беради.

Шу билан бирга ушбу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш иқтисодий барқарорликни издан чиқаради, инфляция даражаси ошишига реал хавф туғдиради, бу эса жамиятнинг иқтисодий асосларига путур етказиб, бозор иқтисодиётига ўтишни қийинлаштиради [4].

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган юқоридаги статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги беш йил давомида ушбу тоифадаги жиноятлар ошганлигини кўриш мумкин.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатларни кўриб чиқадиган бўлсак, жиноятни содир этилиши мамлакат иқтисодий хавфсизлигига қуйидаги тахдидларни келтириб чиқаради:

1 БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ОЛИБ ЎТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРДАН УНДИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КЕЛИБ ТУШМАСЛИГИ.

Товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- ◆ божхона божи;
- ◆ қўшилган қиймат солиғи;
- ◆ акциз солиғи;
- ◆ божхона йиғимлари [2]

Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати - товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулларида бири орқали аниқланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни декларация ва кузатув хужжатларида кўрсатмаслик ёки бошқа ном билан кўрсатиш, товарларнинг ТИФ ТН кодини нотўғри кўрсатиш, сохта хужжатлар асосида божхона қийматини камайтириб кўрсатиш каби усуллар орқали содир этилиши мумкин.

Биргина божхона органлари томонидан 2024 йил ва жорий йилда қўзғатилган жиноят ишлар бўйича жами 71,8 млрд. сўмлик қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.





2 СИФАТСИЗ ВА ТЕГИШЛИ СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИГАН, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ СОЛУВЧИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШИ.

Маълумки, айрим турдаги товарларни божхона расмийлаштируви учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар ва сертификатлар талаб этилади. Масалан, мувофиклик сертификати, экология сертификати, санитар-эпидемиологик хулоса, ветеринария гувоҳномаси, фитосанитар сертификати, карантин рухсатномаси ва бошқалар.

Бундан кўзланган мақсад, импорт бўлиб кириб келаётган истъмол ва бошқа товарларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигига, табиатга, хайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етказилиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ҳисобланади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти оқибатида ана шундай товарларни олиб ўтилиши мамлакат иқтисодиёти ёки хавфсизлигига жиддий пут етказилиши мумкин.

Одатда бундай товарлар декларация кўрсатилмасдан ёки бошқа ном билан кўрсатилган ҳолда олиб ўтишга ҳаракат қилинади.

Божхона органлари томонидан 2024 йил ва жорий йилда қўзғатилган жиноят ишлар бўйича жами 131,0 млрд. сўмлик истъмол ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган маҳсулотлар ушлаб қолинган.



3 МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН, ШУ ЖУМЛАДАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ТОВАРЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ХУДУДИДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ.

Давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларининг маданий бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб кирилаётган товарлар истъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин [3].

Амалдаги қонунчиликка кўра, жисмоний шахслар томонидан айрим турдаги товарларни (гуруч, нон-булка маҳсулотлари, гўшт ва гўшт озиқ-овқат маҳсулотлари, шакар, ўсимлик ёғи) республикадан божсиз олиб чиқишнинг миқдорий нормалари белгиланган [4].

Шунингдек, айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларни четга экспорт қилиш чекланиши мумкин.

Шундай вазиятда айрим шахслар томонидан бундай маҳсулотларни божхона назоратидан четлаб ёки божхона назоратидан яшириб четга олиб чиқишга ҳаракатлар кузатилади.

Мисол учун, 2024 йил 20 март куни “Ойбек” чегара божхона пости орқали Тожикистон Республикасига чиқиб кетаётган “КАМАЗ” русумли автотранспорт воситаси божхона назоратидан ўтказилганида, хужжатларга асосан ушбу транспорт воситасида “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимига расмийлаштирилиб, божхона ҳудудида қайта ишланган гуруч маҳсулотлари юкланганлиги ва “реэкспорт” божхона режими асосида Тожикистон Республикасига олиб чиқиб кетилаётганлиги кўрсатилган бўлсада, аслида тахминий қиймати 660 млн. сўмлик 30 тонна Ўзбекистон Республикасида етиштирилган гуруч маҳсулотлари олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланган.





4 БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ УНДИРИЛМАГАН ТОВАРЛАРНИНГ ИЧКИ БОЗОРДА ҚИСМАН АРЗОН (ТЎЛАНМАГАН БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИГА) НАРХЛАРДА СОТИЛИШИ НАТИЖАСИДА МИЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТОВАРЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ПАСАЙИШИ.

Божхона тўловлари тўламасдан олиб қирилган товарлар арзон нархда сотилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар тўлиқ харажатлар (хомашё, ишчи кучи, солиқлар, божхона тўловлари) билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини рақобатга чиқара олмайдиган ҳолатга келади. Бу соғлом рақобат принципларини бузади.

Бозордаги улушини йўқотган миллий корхоналар ишлаб чиқаришни қисқартиришга, ишчи кучини камайтиришга мажбур бўлади. Бу ишсизлик ва ижтимоий муаммоларнинг ортишига сабаб бўлади.

Божхона тўловларининг ундирилмаслиги давлат бюджетига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Чунки божхона тўловлари – давлатнинг асосий даромад манбалари сирасига киради.

Миллий ишлаб чиқарувчи фаолиятининг сўниши маҳаллий таъминотчилар, логистика компаниялари, савдо нуқталари каби боғлиқ соҳаларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

5 МАМЛАКАТНИНГ ВАЛЮТА БАРҚАРОРЛИГИГА ПУТУР ЕТКАЗИШИ.

Маълумки, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш юз миллион сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади.

Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланади.



Божхона органлари томонидан 2024 йил ва жорий йилда қўзғатилган жиноят ишлар бўйича жами 22,5 млрд. сўм эквивалентдаги валюта ушлаб қолинган.

6 МАМЛАКАТДА “ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ” УЛУШINI ОРТИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

Яширин иқтисодиёт (информал, соя иқтисодиёти) – бу давлат органлари назоратидан четда фаолият юритувчи, расмий ҳисоботга киритилмаган ва қонунга зид равишда амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.



Товарларни ноқонуний олиб кириш, божхона тўловларини тўламаслик ёки сохта декларация тақдим этиш орқали ички бозорда назоратдан четдаги иқтисодий айланмалар шаклланади. Бу эса давлат бюджетига йўқотишлар, соғлом рақобат муҳитининг издан чиқиши ва миллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, божхона қонунчилигини бузиш жиноятлари нафақат ҳуқуқий жиҳатдан жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳаракатлар, балки мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари, молиявий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига бевосита таҳдид солувчи омиллар эканини англаш мумкин. Божхона назоратининг самарали фаолият кўрсатиши – иқтисодиётда шаффофлик, бозорда адолатли





рақобат, фуқароларнинг хавфсизлиги ва мамлакатнинг халқаро иқтисодий имижига учун муҳим кафолатлардан биридир.

Бугунги кунда дунёда трансмиллий жиноятчиликнинг кучайиши, контрабанданинг замонавий шакллари пайдо бўлиши, рақамли платформалар орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилиши божхона органларидан юқори даражадаги касбий етуклик, технологик жиҳозланиш ва халқаро ҳамкорликни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда божхона соҳасини рақамлаштириш, хавф таҳлили тизимини жорий этиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан "инсон омилини" камайтириш орқали муносабатларни шаффофлаштириш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, божхона қонунчилигини бузиш ҳолатларини камайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар устувор аҳамият касб этади:

- божхона қонунчилигини янада такомиллаштириш ва уни амалга оширишда ҳуқуқий механизмларни кучайтириш;
- божхона тартиботи жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш;
- контрабандага қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро ахборот алмашинувини такомиллаштириш;

- ички ва ташқи бозорларда юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб тариф ва нотариф тартибга солиш тизимини такомиллаштириб бориш;
- божхона ходимларининг касбий малакасини ошириб бориш ва коррупцияни олдини олиш бўйича тизимли чоралар кўриш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва фаол фуқаролик позициясини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали профилактик ишларни кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, божхона қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш фақатгина жазо чоралари орқали эмас, балки тизимли, комплекс ва ҳуқуқий-иқтисодий ёндашувлар орқали амалга оширилса, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги мустаҳкамланади ва барқарор ривожланишга замин яратилади.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Adolat, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. – Т.: Norma, 2023.
3. "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 апрелдаги 244-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Рустамбоев М.Х. 2016.
7. Комилов Ш.М. Иқтисодий хавфсизлик ва унинг ҳуқуқий кафолатлари. – Т.: "Iqtisodiyot", 2020. – 204 б.
8. А.Ачилов. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: монография. – Тошкент, 2020.



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси профессори,
ю.ф.д, профессор.

ЖИНОЯТ ИШИ

ҚЎЗҒАТИШ АСОСЛАРИ ВА ҚОНУНИЙЛИГИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ



АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада мамлакатимиз терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар, жиноят ишининг қонуний, асосли ва ўз вақтида қўзғатилишининг аҳамияти, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни тўғри ташкил қилиш, амалдаги қонун талабларига қатъий риоя қилиниши ҳамда уларни амалга оширишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг аҳамияти, назоратни амалга ошириш мақсад ва вазифалари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқувчи талаблар, тергов қилишнинг ҳамма жараёнларида таъсирчан прокурор назорати таъминланиши юзасидан тавсиялар, рақамлаштириш орқали тергов соҳалар фаолиятини тезлаштириш, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишда, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларида амалга оширилган ислохотлар, қонун талабларига риоя қилиниши, жиноят иши қўзғатиш жараёнида прокурор назоратининг мақсад, вазифалари, талаблар ва тавсиялар, соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масалалари.

АННОТАЦИЯ: В данной статье освещены вопросы реформирования в стране органов доследственной проверки, дознания и следствия, значения своевременного, законного и обоснованного возбуждения уголовных дел, правильная организация доследственной проверки, дознания и предварительного следствия, значения прокурорского надзора за законностью возбуждения уголовных дел, цели и задачи прокурорского надзора, требования вытекающие из приказов и указаний Генерального прокурора, рекомендации про обеспечению соблюдением законов органами дознания и предварительного следствия, цели и задачи прокурорского надзора, требования и указания вытекающие из приказов и указаний Генерального прокурора, рекомендации по обеспечению законности и объективности прокурорского надзора во всех этапах следствия, цифровизация деятельности следственных органов, вопросы использования возможностей искусственного интеллекта в этой сфере.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Реформы осуществляемые в сферах до следственной проверки, дознание и следственных органах, соблюдение требований закона, цели и задачи прокурорского надзора в стадии возбуждения уголовных дел, требования и рекомендации, цифровизация отрасли и вопросы использования возможностей искусственного интеллекта.



Жиноят иши қўзғатиш жиноят процессининг энг масъулиятли босқичи ҳисобланади. Жиноят ишининг қонуний, асосли ва ўз вақтида қўзғатилиши жиноятнинг тезлик билан тўла фош этилиши ҳамда ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилинишининг зарур шартидир. Жиноят ишининг қонунга зид, асоссиз ва кечиктириб қўзғатилиши содир қилинган ижтимоий хавфли ҳаракатни тасдиқловчи далилларнинг йўқолишига, жиноий ҳодисанинг долзарблиги пасайишига ва оқибатда эса жиноят содир қилган шахслар, шу жумладан оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганларнинг жазоланмасдан қолишига олиб келади.

Ўйламасдан, шошма-шошарлик билан жиноят ишини қўзғатишнинг хавфи юқоридаги хавфдан кам эмас, чунки бу ҳолат кейинчалик ўз-ўзидан қонунсиз ва асоссиз ушлаш, қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, асоссиз айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва охир оқибатда эса фуқаронинг қонунсиз ва асоссиз судланишига олиб келади.

Жиноят процесси жиноят иши қўзғатиш билан бошланади ва дастлабки тергов, суд тергови ва қонунда белгиланган бошқа босқичлар билан давом эттирилади. Жиноят иши қўзғатишнинг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга содир этилган, тайёрланаётган жиноят ҳақидаги хабарларни тез ва амалдаги қонун доирасида узил -кесил ҳал қилиш ва келгусидаги терговни муваффақиятли ўтказиш учун замин яратишдан иборат².

Қонун талабига кўра, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахслари жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш

учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт³. Жиноят иши қўзғатиш жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида унга алоҳида 41-боб бағишланган (321-338 моддалар). Бу бобда жиноят иши қўзғатилишининг сабаб ва асослари, жиноят иши қўзғатиш ва қўзғатишни рад этиш тартиби, ундан кейинги процессуал ҳаракатларнинг қонуний тартиб -қоидалари ёритилган.

Юқорида қайд қилинганидек жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқига оид қоида тергов бўлими раҳбарларига ва прокурор ўринбосарларига ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсларига ҳам тааллуқли. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида хизмат қилувчи бошқа шахслар жиноят аломатларини аниқлаган тақдирда, бу ҳақда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва тегишли орган раҳбариятига хабар беришлари лозим.

Жамоат учун хавфли хатти – ҳаракат тўғрисидаги хабар турли манбалардан келган ёки бевосита суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган масъул ходимлари томонидан хизмат фаолиятини бажариш чоғида ёхуд хизматига оид бўлмаган ҳолатларда аниқланган бўлиши мумкин. Лекин баъзи бир жиноятлар бўйича, масалан, номусга тегиш жиноятлари тўғрисида иш қўзғатиш учун жабрланувчининг аризаси бўлиши шарт.

Жамоат учун хавфли хатти – ҳаракат тўғрисидаги хабарни текшириш, яъни жиноят тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан амалга оширилиши, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқиши лозим. Ушбу муддатлар жиноят



² Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар, Т.,Адолат, 2000, 428- б,

³ Ўзбекистон Республикаси ЖПКи 15 м. “Жиноят иши қўзғатишнинг муқаррарлиги” ва 321-м. “Жиноят иши қўзғатиш мажбурияти”. Т.,Адолат, 2000 й (27.09.2023 й. ўзгартириш ва тўлдиришлар билан),



ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИШ АСОСЛАРИ — ЖИНОЯТ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИГА АЛОҚАДОР БЕВОСИТА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ФАКТЛАР БЎЛИБ, АЙНАН ШУ ФАКТЛАРГА АСОСАН СУРИШТИРУВЧИ, ТЕРГОВЧИ, ПРОКУРОР ВА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ОРГАНИНИНГ МАНСОБДОР ШАХСЛАРИ ЖИНОЯТ ИШИНИ КЎЗГАТИШ ЁКИ КЎЗГАТИШНИ РАД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ЧИҚАРАДИ.

тўғрисидаги хабар олинган пайдан бошлаб, то жиноят иши кўзгастиши рад қилиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Кўрсатилган муддатлар ичида қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар, талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, воқеа жойини кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш кўзгастилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади (ЖПКнинг 329м.). Юқорида қайд қилинганидек, жиноят ишини кўзгастиш ҳақидаги қарор фақат қонуний сабаб ва етарли асослар бўлгандагина чиқарилади. қонун талабига кўра, жиноят ишини кўзгастиш учун шахсларнинг аризалари, корхоналар муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органи мансабдор шахслари бевосита ўзилари аниқлаши, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади. Жиноят



белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзгастиш учун асос бўлади⁴.

Жиноят ишини ўз вақтида, қонуний ва асосли кўзгастирилишида, жиноят ишини кўзгастиш сабабларини ҳаққонийлиги ва ишончлигига ҳамда жиноят белгиларини кўрсатувчи аниқ маълумотларнинг етарлигига алоҳида эътибор берилиши лозим. Жиноят ишини кўзгастиш сабаб ва асосларига баҳо бериш жиноят иши кўзгастиш ваколатига эга бўлган субъектларнинг вазифасига киради.

Жиноят ишини кўзгастиш сабаблари сифатида жиноятни содир этиш бўйича тайёргарлик ҳаракатлари ёки содир этилганлиги тўғрисида тегишли давлат органлари томонидан қонунда қайд этилган тартибда берилган хабарлар ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади (ЖПКнинг 322-моддаси). Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини кўзгастиш учун сабаб бўла олмайди (ЖПКнинг 323-моддаси).

Жиноят ишини кўзгастиш учун фақат аниқ манбалардан олинган маълумот сабаб бўла олади. Жиноят содир

этилгани ёки унга тайёргарлик кўрилатгани ҳақида маълумот кимдан, қачон ва қай йўсинда олингани бирор шубҳа туғдирса, аниқланиши шарт. Почта ёки бирор шахс орқали юборилган ёзма маълумотга биноан жиноят ишини кўзгастишдан олдин маълумотнинг муаллифи аниқланмоғи зарур.

Жиноят ишини кўзгастиш учун асос жиноят ҳақидаги хабарда жиноятнинг содир этилгани ёки унга тайёргарлик кўрилатгани ҳақидаги маълумотнинг мавжудлигидир. Бу маълумотда жамоат учун хавфли хатти-ҳаракат, унинг батафсил баёни, ким, қачон, қаерда, қандай шароитларда жиноят содир этгани, жиноятнинг оқибати, исбот-далиллар тўла кўрсатилган бўлиши шарт эмас.

Жиноят иши кўзгастиш асослари – жиноят тўғрисидаги маълумот манбаларига алоқадор бевосита қўлга киритилган фактлар бўлиб, айнан шу фактларга асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширув органининг мансабдор шахслари жиноят ишини кўзгастиш ёки кўзгастишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Жиноят ишини кўзгастиш қарори жиноят тўғрисидаги маълумот

⁴ Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар, Т., Адолат, 2000, 436-437- б.



манбаларига алоқадор бўлган ва қўлга киритилган фактлар жиноят аломатлари воқеликда мавжудлигини тасдиқлаган ҳолатда чиқарилиши лозим, акс ҳолда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши керак.

Асосларга эътибор бермасдан жиноят тўғрисидаги маълумотга кўра жиноят ишини қўзғатиш ҳолларида жиноят иши асоссиз қўзғатилганлиги ва ғайриқонуний тарзда дастлабки тергов олиб борилганлиги намоён бўлади. Бундай ҳолат ушбу дастлабки терговда жавобгарликка тортилган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини бевосита чеклаб қўйиб, уларга нисбатан ғайриқонуний равишда тергов олиб борилганлигига далолат бўла олади ва бундай дастлабки тергов натижалари жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилиш- оқлаш учун бевосита асос бўлади. Шунинг учун жиноят тўғрисидаги маълумотларда жиноят ишини қўзғатиш сабаблари бўлсада, улар ҳар томонлама текширилиши зарур.

Жиноят иши қўзғатилгандан сўнг тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин бўлади, акс ҳолда уларнинг натижа ва жараёнлари ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Агар содир этилган ҳаракатлар жамиятга қарши деб эътироф этилсада, аммо бу ҳаракатга қонун томонидан жазо белгиланмаган бўлса, бундай ҳолларда жиноят иши қўзғатилмаслиги лозим. Шу билан бирга, тўпланган

ЖИНОЯТ

ишини қўзғатиш жараёнида жиноят ҳақиқатдан ҳам содир бўлганлиги тўғрисида тўлиқ ахборот бўлмаслиги жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилмайди ва бу тўғрида тегишли далиллар жиноят процессининг келгуси босқичларида аниқланиши мумкин.

маълумотлар жиноий ҳаракатлар содир бўлганлигини тасдиқласа, аммо бу ҳаракатларни ким содир қилганлиги тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлмаса ҳам мазкур маълумотларга асосан жиноят иши қўзғатилиши керак.

Агар содир бўлган ижтимоий хавfli ҳаракат ҳақидаги хабар ёки аризада жиноят қонуни томонидан қўлланиладиган ҳолат қайд этилиб, жиноят белгилари мавжудлиги аниқланган бўлса, у ҳолда айнан шу ҳаракатлар ҳақиқатдан ҳам амалга оширилганлиги ёки уларга тайёргарлик кўрилганлиги тўғрисида тегишли маълумотлар бўлиши шарт. Жиноят ишини қўзғатиш жараёнида жиноят ҳақиқатдан ҳам содир бўлганлиги тўғрисида тўлиқ ахборот бўлмаслиги жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилмайди ва бу тўғрида тегишли далиллар жиноят процессининг келгуси босқичларида аниқланиши мумкин.

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг





Жиноят ҳақидаги хабарни оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда беришдан қатъи назар, ҳар бир шахс ўзи бераётган хабарнинг тўғрилиги, аниқлиги ва тўлалиги учун жавоб беришни ҳис қилмоғи ва акс ҳолда ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодексининг 237 — моддасига биноан жавобгарликка тортилишини тушунмоғи даркор.

шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа қонуний йўллар билан текшириш лозим. Электрон шаклдаги ариза ҳам электрон имзо билан тасдиқланиши лозим.

Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан иложи борича сўзма – сўз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайди.


Жиноят ишини қўзғатишга Жиноят-процессуал кодексининг 113 — моддасида назарда тутилган айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлса, била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмаслигини мустасно этганда, унга шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги ЖПКнинг 324-моддасида назарда тутилган барча қоидалар тааллуқлидир.

Жиноят ҳақидаги хабарни оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда беришдан қатъи назар, ҳар бир шахс ўзи бераётган хабарнинг тўғрилиги, аниқлиги ва тўлалиги учун жавоб беришни ҳис қилмоғи ва акс ҳолда ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодексининг 237 — моддасига биноан жавобгарликка тортилишини тушунмоғи даркор.

Жиноят ҳақида хабар берган шахснинг кимлиги синчковлик билан текширилиб, хужжатлар бошқа шахслар, иш ёки истиқомат жойларидаги маъмурият орқали аниқланиши лозим. Айни вақтда хабар берувчининг арз қилинаётган жиноят ва уни содир этган ёки ундан жабрланган шахсларга қандай дахли борлиги, манфаатдорлиги ҳам аниқланиши лозим.

Шахсларнинг аризалари бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига жиноят содир этилганлиги тўғрисида юборилган хабар (ёки жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари тўғрисидаги хабар) бўлиб, ушбу хабар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи тегишли чораларни кўриши керак. Хабарни қайси шахс ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига етказганининг жабрланувчиси ёки бошқа шахсми - аҳамияти йўқ. Чунки қонун ҳар қандай шахсдан тушган аризани текширишга мажбур ва ҳар қандай аризага эътибор бериши даркор⁵.

Айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондирганлик тўғрисидаги жиноят иши (ЖКнинг 118 — моддаси 1 — қисми ва 119- моддаси 1 — қисми) айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва



**ЖАБРЛАНУВЧИ
НОЧОР АҲВОЛДА
БЎЛГАНЛИГИ
ТУФАЙЛИ,
АЙБЛАНУВЧИГА
ҚАРАМ БЎЛГАНЛИГИ
ЁКИ БОШҚА
САБАБЛАРГА
КЎРА ҲУҚУҚИНИ
ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ
ШАХСАН ЎЗИ ҲИМОЯ
ҚИЛА ОЛМАЙДИГАН
ФАВҚУЛОДДА
ҲОЛАТЛАРДА
ПРОКУРОР
ЖАБРЛАНУВЧИНING
АРИЗАСИСИЗ ҲАМ
ЖИНОЯТ ИШИ
ҚЎЗҒАТИШИ ШАРТ.**



**КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР,
ТАШКИЛОТЛАР, ЖАМОАТ
БИРЛАШМАЛАРИ ВА МАНСАБДОР
ШАХСЛАР БЕРГАН ХАБАРЛАРНИНГ
ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ УЧУН
БИРИНЧИ МАНБА ТАРИҚАСИДА АСОС
БЎЛИШИ УЧУН БУ ХАБАРЛАРДА
ЖИНОЯТ БЕЛГИЛАРИ ОЧИҚ КЎРИНИБ
ТУРГАН БЎЛИШИ ЛОЗИМ.**

қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолатларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят иши қўзғатиши шарт.

Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиш ЖПКнинг 325 – моддасида алоҳида кўрсатилган. Бу модда бўйича жабрланувчининг хусусий айблов ишлари бўйича берган аризаси назарда тутилади ва бундай аризаларга мувофиқ жиноят иши қўзғатилиши керак. Жабрланувчининг берган оғзаки аризаси ҳам баённома шаклида қайд этилиб, унинг имзоси билан тасдиқланиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан жиноят тўғрисида берилган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим. Хабар юбуровчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин (ЖПКнинг 326-м).

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарларнинг жиноят ишини қўзғатиш учун биринчи манба тариқасида асос бўлиши учун бу хабарларда жиноят белгилари очик кўриниб турган бўлиши лозим.

Жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича корхона, муассаса, ташкилотлардан тушган ва ушбу жиноят ишига алоқадор, унинг содир қилиниши тўғрисида мавжуд бўлган дастлабки маълумотлар, агар айнан шу корхона, муассаса ёки ташкилот жабрланувчи устидан ҳомийлик ёки васийлик ҳуқуқига эга бўлса ушбу ишнинг қўзғатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари шунингдек, бу

хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органининг талабига асосан ўз ихтиёрида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилиши шарт (ЖПКнинг 327-м).

Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ёки намойиш қилинган фактлар жамоатчилик диққатини ўзига жалб этса-да, бевосита суриштирув органи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширув органининг эътиборига қаратилган бўлмайди, лекин шунга қарамай қайд қилинган масъул органлар ва мансабдор шахслар ушбу хабарномалар ва уларнинг мазмунига алоқадор маълумотларни тўла текшириб чиқишлари керак.

Чоп этилганидан сўнг хат, мақола ёки маълумотнома муаллифнинг ўз фикри бўлиб қолмай, балки жамият учун кенг тарзда ошкор этилган маълумот мақомига эга бўлади. Шунга асосан гарчи муаллиф ишни қўзғатишга ҳақли бўлган ваколатли органларга жиноят тўғрисидаги хабарни етказиш мақсади бўлмаса ҳам у хоҳлайдими ёки йўқми, унинг чоп этган ахбороти жиноят иши қўзғатиш учун сабаб сифатида тан олинади. Айнан шу хусусиятга асосан бу сабаб жиноят иши қўзғатиш сабаблардан ажралиб туради, сабаби унда хабар қайд этилганда муаллифнинг хоҳишига қаралмайди ва тегишли давлат органлари ушбу хабарни жиноят иши қўзғатиш мақсадида текшириши керак.

Телевидение ва радиода ёки электрон нашрларда эшиттирилган ва намойиш этилган ахборотлар ҳам жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади. Чунки оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ва жиноятга алоқадор бўлган ахборот қандай шаклда эълон қилинишидан қатъи назар айнан мазмунига қараб эътиборга олинади.

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширув органи томонидан бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолатларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин: - суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида ушбу жиноятга оид маълумотларни аниқлаганда; - терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида ушбу жиноятга оид маълумотларни аниқлаганда; - прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганда; - терговга қадар текширув органи бошлиғи ва унинг мансабдор шахслари маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича текширув ўтказиш чоғида ушбу жиноятга оид маълумотларни аниқлаганда (ЖПКнинг 328-м).

⁵ Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар,
Т.,Адолат, 2000, 429-432 б-б.



Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органи бевосита ўзи аниқласа, у ҳолда улар дарҳол жиноят иши қўзғатиб, жиноятни очишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Агар жиноят пайини қирқиш ёки уни бартараф этиш вазияти вужудга келса, у ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бу жиноят иши уларнинг тергов доирасига мансуб бўлмасада, мазкур ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз фуқаронинг ўз ихтиёри билан суриштирув органи, терговчи, прокуратура ёки терговга қадар текширув органига содир қилинган жинояти тўғрисидаги берган хабари сифатида тан олинади. Ушбу арз охирига етказилмаган жиноят тўғрисидаги хабар шаклида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг зарурий қисмлари сифатида: а) содир этилган жиноий ҳаракатлар арз қилган шахснинг ҳаракатлари билан айнанлик хусусиятига эга бўлиши, яъни айнан шу шахс жиноий ҳаракат содир этганлик тўғрисида арз бераётганлиги кўриниб туриши лозим; б) ушбу қилинган ҳаракатлар ўзида жиноят таркибини ҳосил қилиши зарур. Ушбу арзни олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлиб ўтган ҳодисани текшириб, жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли ҳолатлар ва жиноят белгилари воқеликда борлиги ёки йўқлигига эътибор бериб, агар жиноят белгилари бўлмаса, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишлари ва ушбу шахсга маълум қилишлари керак. Арз қилган шахс ушбу қарор билан танишиб чиққанлиги тўғрисида ўз имзосини қўйиши лозим⁶.

Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз ўз-ўзидан жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Бундан ташқари, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни сўроқ пайтида ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш ҳолатларидан фарқ қилиш керак. Агар айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз воқеликда текшириш натижасида жиноий ҳодиса содир этилмаганлиги тўғрисидаги тегишли маълумот ва фактлар билан инкор этилса, у ҳолда бу арз айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сифатида тан олинмайди, Бундан ташқари, агар



берилган арзда жиноят таркибининг йўқлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса ва у қўшимча текширув ўтказишни талаб қилмаса, бундай ҳолларда берилган арз ўз ҳуқуқий мақомини йўқотади, яъни бу ҳужжат айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сифатида тан олинмайди.

Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни жиноий ҳаракатларни содир этган шахснинг ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келтирмасдан бу ҳужжатни почта орқали юборган бўлса, у ҳолда ўзи ҳақидаги тўлиқ маълумотларни (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жойи, аниқ турар жойини, ишлаш жойини) қайд этган бўлса, бу ҳужжат ўз ҳуқуқий мақомини йўқотмайди ва ушбу шахсни тезда чақириб, унинг шахсига оид маълумотларини тасдиқлаш ҳаракатларидан сўнг бу ҳужжатни ҳақиқий равишда айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сифатида (агар шахс ушбу ҳужжат унинг ўз қўли билан ёки унинг муаллифлигида тузилганлигини инкор қилмаса) тан олиш мумкин. Ушбу ҳужжат айбини енгиллаштирувчи ҳоллар қаторига киради.

Жиноят ишини қўзғатиш учун шахснинг берган оғзаки маълумотномаси ҳам сабаб сифатида тан олинади ва у баённома шаклида қайд этилиши ва шахснинг имзоси билан тасдиқланиши лозим (ЖПК 324-м). Жабрланувчининг берган оғзаки аризаси ҳам баённома шаклида қайд этилиб, унинг имзоси билан тасдиқланиши керак.

Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширув органи содир этилган ёки тайёрланаётган ҳар қандай жиноятга оид ариза ва хабарларни қабул қилиб олишлари шарт. Ички ишлар

⁶ Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар, Т.,Адолат, 2000, 431-432 6-6.



идораси навбатчилик қисми ёки милиция ходими ёхуд терговчиси келиб тушган жиноятларга оид барча ёзма ёки оғзаки ариза ва хабарларни, жиноят қаерда бўлганидан қатъи назар, ички ишлар идораси навбатчилик қисмидаги воқеа, ҳодисаларни ҳисобга олиш китобига дарҳол қайд этиши ва ички ишлар идораси раҳбарларига маълум қилиши лозим.

Жиноят ҳақидаги ҳар қандай ариза ёки хабар муфассал равишда текширилиши лозим. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида бирламчи материалларни муфассал ўрганиши, таҳлил қилиши ва баҳолаши лозим.

Дастлабки текширув услублари қонунда аниқ кўрсатилган. Қайд этилган ариза ва хабарлар бўйича керакли бўлган материаллар талаб қилиниши ва муайян фуқаролар ёки мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиниши, шунингдек, ушлаб туриш, воқеа жойини кўздан кечириш ва экспертиза ўтказилиши мумкин. Лекин дастлабки текширувни бошқа тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, тинтув ва ҳ.к.э). ўтказиш йўли билан амалга ошириш тақиқланади⁷.

Жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органи жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолатда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: - жиноят ишини қўзғатиш ҳақида; - жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида; - ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида (ЖПКнинг 330-м).

Жиноят - процессуал кодексининг 322 - моддасида назарда тутилган сабаблар ва асослар, яъни шахсларнинг аризалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органининг бевосита ўзи аниқлаши, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор, терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки бошқа мансабдор шахси қарор чиқаради. қарорда ишни қўзғатиш учун

сабаб ва асослар, жиноят кодексининг тегишли моддаси, ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи, терговга қадар текширув органи жиноят ишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини ишни тергов қилиш устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Жиноят иши қўзғатилганидан кейин жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, нарса ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўрилиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат. Кириш қисмида қарор қачон, ким томонидан, қаерда чиқарилганлиги, тавсиф қисмида эса жиноят ишини қўзғатиш асос ва сабаблари кўрсатилади. Хулоса қисмида Жиноят кодексининг қайси моддаси аломатлари бўйича жиноят иши қўзғатилаётганлиги, унинг кейинги ҳаракати ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор процессуал ҳужжат сифатида қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: - содир қилинган жиноятнинг жойи, вақти ва бошқа ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ ёритилган бўлиши: - аниқ жиноятни, аниқ шахс томонидан содир қилинганлигини (агар бу шахс ҳақида маълумотлар бўлса) тасдиқловчи ҳақиқий маълумотларнинг асосли баёни кўрсатилган бўлиши: - содир қилинган жиноят (жиноятга тайёргарлик, суиқасд) ҳақида гумонли, тусмолли хулосалар эмас, аниқ хулосалар қилинган бўлиши: - аниқ моддий ва процессуал қонун нормаларига асосланган, қонуний бўлиши лозим.

Жиноят иши қўзғатиш учун асослар мавжуд эмас деб топилган, яъни, Жиноят - процессуал кодексининг 83 - моддасининг 1- ва 2-бандларида ҳамда 84 - моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333-моддаси талаби асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки бошқа мансабдор шахси қарор чиқаради. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор процессуал ҳужжат сифатида жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорга ва ажримга қўйиладиган талабларга жавоб



Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширув органи содир этилган ёки тайёрланаётган ҳар қандай жиноятга оид ариза ва хабарларни қабул қилиб олишлари шарт.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар, Т., Адолат, 2000, 437- б.



бериши, яъни у асосланган, тўла, қонуний бўлиши керак. Қарорда хабар берилган ҳодиса нима учун юз берган ёки унда жиноят таркиби йўқ деб топилганлиги акс эттирилиши, шунингдек иш бўйича иш юритувини истисно қилувчи ҳолатлар кўрсатилиши лозим. қабул қилинган қарор ҳақида, жиноят содир этилгани тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим (ЖПКнинг 333-м).

Қарорнинг хулоса қисми, тавсиф қисмидан мантикий равишда келиб чиқиши ва бевосита жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги тўхтамнинг асосли эканлиги кўрсатилиши ва қарор устидан шикоят қилиш тартиби қайд этилиши лозим. Қарорни чиқарган шахс ариза ёки хабар муаллифига унинг шикояти қаерга юборилишини тушунтиришга мажбур.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор билан жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахсларнинг таништирилганлиги ва уларга ушбу қарор устидан шикоят

бериш ҳуқуқи тушунтирилганлиги уларнинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатишнинг, шунингдек уни қўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги ва асослилиги маълум даражада жиноят судлов иш юритида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратининг тўғри ташкил қилиниши билан боғлиқдир. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурорлик назорати конституция билан кафолатланган шахснинг турар жойи дахлсизлигига, айбсизлик презумпцияси ва ҳ.к.з. принципларга риоя қилиниши ҳамда содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи таъминланиши жиноят процессида қонунийликнинг жиддий кафолатларидан бири ҳисобланади. Жиноят судлов иш юритувининг бу босқичида прокурор назоратининг аҳамияти муҳимлигини эътиборга олиб, жиноят-процессуал қонунчиликда прокурорлик назоратига махсус норма ажратилган (ЖПКнинг 337-моддаси) ва унда бу назоратнинг вазифаси мустаҳкамланган.

Жиноят ишини қўзғатиш жараёнида прокурорлик назоратини икки йўналишда кўриш лозим: - прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш қарорининг қонунийлиги ва асослилиги

текширилиши: - прокурор томонидан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарорининг қонунийлиги ва асослилиги текширилиши.

Қонун талабига кўра суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширув органи бошлиғи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади (ЖКнинг 331-моддасининг 3-қисми). Бу эса, прокурорга содир қилинган жиноятдан воқиф бўлишга ва зудлик билан уни фош этилиши ва тергов қилиниши жараёнига қўшилишга имконият беради. Прокурор унга келиб тушган қарорни, имконият бўлганда эса, жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган материалларни чуқур ўрганиб чиқиб, бу процессуал ҳужжатнинг нафақат қонунийлиги ва асослилигини аниқлайди, балки тергов органига жиноятларни тезлик билан ва тўла фош этиш ҳамда терговни тўлиқ, холисона ўтказиш йўллари кўрсатади.

Агар прокурор иш асоссиз қўзғатилган деган хулосага келса (жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса), у ўзининг қарори билан терговчининг, суриштирув ёки терговга қадар текширув органининг жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорни бекор қилади. Бундай қарорга келишдан олдин қоидага кўра прокурор жиноят иши қўзғатиш қарорини чиқаришга асос бўлган ҳамма ҳужжатлар билан танишиб чиқиши лозим. Қонун бузилиши яққол кўзга ташланарли бўлган ҳолларда (қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, шахс жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса), прокурор жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарорни ҳужжатларни чақиртирмасдан ҳам қабул қилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш қарори чиқарилгандан сўнг терговчи ёки суриштирув юритаётган шахс томонидан ҳеч бўлмаса битта тергов ҳаракати ўтказилган (тинтув, олиб қўйиш,



сўроқ ва ҳ.к.з., воқеа жойини кўздан кечириш бундан мустасно) бўлса, прокурор эса бу қарорни қонунсиз ёки асоссиз деб топган тақдирда, у ўзининг қарори билан ЖПКнинг 373-моддаси талаби асосида ишни тугатади ва бу ҳақда тергов ёки суриштирув органини хабардор қилади.

Жиноят ишни қўзғатишни рад қилиш қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текширишни ташкил қилишда прокурор, қонунларни ижроси билан бирга, бу қарорнинг қабул қилинишига асос бўлган процессуал ҳаракатларнинг ҳам қонунийлигини текшириши лозим. Бундай текширишлар мунтазам равишда истисносиз ҳар бир жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш билан боғлиқ материалларни текшириш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Амалиёт кўрсатишича, шундай текширишлар натижасида жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатлари аниқланади. Шу боис, жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида прокурор терговчи ёки суриштирув органининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги (истисносиз қандай сабабларга кўра бўлишидан қатъи назар) ҳамма қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириши лозим. Прокурор биринчи навбатда жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги, қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги ва шахснинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги асосида жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириши лозим.

Худди шундай, прокурор қўзғатилган жиноят ишини юритувини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини ўз вақтида текшириши лозим. Терговчи, суриштирувчи ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарор нусхасини прокурорга юборади. Прокурор ушбу қарор ЖПКнинг 364-моддасига риоя қилинган ҳолда чиқарилганлигини текширади, у қарордан норози бўлса дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори 2016 йил 22-февралдаги 29-сонли буйруғида прокурорларга «жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқилишида ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов олиб борилишида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилгани, жиноят ва ҳодисалар ҳақида ваколатли органлардан келиб тушган кунлик маълумотлар синчковлик билан ўрганилиб, назорат ўрнатилиши, жиноятга оид хабарлар юзасидан ЖПКнинг 84-м. асосида жиноят иши қўзғатиш рад этилган тақдирда, жиноят ва уни содир этган шахс ҳақидаги маълумотларнинг ахборот марказлари ҳисобига қўйилиши таъминланиши, Жиноятга оид хабарларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг натижалари ҳар ярим йилда вилоят, туман(шаҳар) прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига киритиб борилиши ва тизимли қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиши, туман ва вилоят миқёсидаги суриштирув ҳамда дастлабки тергов органлари томонидан тугатилган жиноят ишлари ўрганилиб, узоғи билан икки ой муддатда ўрганиб

чиқилиши, асосли деб топилган тақдирда, бу ҳақда тузилган хулосалар шахсан вилоят прокурорлари томонидан тасдиқланиши таъминланиши ҳақида кўрсатмалар берилган⁸.

Тўғри ташкил қилинган прокурорлик назорати самарали ва таъсирчан назоратдир, бу эса ўз навбатида жиноят судлов иш юритувининг жиноят ишини қўзғатиш каби маъсулиятли босқичда қонунчиликка қатъий риоя қилинишига шароит яратади. Жиноятчиликка қарши кураш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирувни амалга оширадиган органларнинг фаолиятини тизимли равишда мувофиқлаштириш ҳамда жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини тўла ва самарали таъминлаш бугунги кундаги прокуратура органларининг асосий вазифасидир.

Бугунги кунда, замонавий дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларда ҳал қилувчи рол ўйнаб, рақамлаштириш орқали соҳалар фаолиятини тезкорлик ва самарали назорат қилиш имкониятлари очилмоқда. Илм фаннинг юксак ютуқларидан бири, бу сунъий интелектдир. Тергов жуда мураккаб, кенг қиррали ақлий, ижодий жараён. Жиноят ишларини тергов қилишда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида кўпинча катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли хулосалар, тахминлар ишлаб чиқаришга, тергов йўналишини белгилашга тўғри келади ва мазкур ҳолатда сунъий интелект ютуқларидан самарали фойдаланиш тергов фаолиятини янада сифатли ва қисқа муддатда амалга оширишда фойдали бўлади⁹.

Фикримизча, жиноят процессида сунъий интелект тизимлари имкониятларидан бошланғич этапларда, яъни жиноят ишини қўзғатиш жараёнида фойдаланиш самарали бўлади. Бунинг учун эса, прокурор назоратининг усули сифатида жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинган жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги, уларга оид маълумотлар сунъий интелект томонидан мустақил таҳлил қилиниши лозим. Бундай амалиётнинг жарий қилиниши терговга қадар текшириш, суриштирув ва тергов жараёнларининг қонунийлиги, асослилиги, самарадорлиги ва прокурор назоратининг тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устиворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 2016 йил 22 февралдаги 129-сонли буйруғи(Бош прокурорнинг 2020 йил 14 октябрдаги 224-сонли буйруғигача қўшимча ва ўзгартишлар билан).

⁹ Матчанов Ш. Жиноят ишини тергов қилишда сунъий интелектдан фойдаланиш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси №2 (54) 2023.,123-126 б.б.



Хуршид АТАНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ
бошлиги ўринбосари –
ИИБ ҳузуридаги тергов
бошқармаси бошлиги,
подполковник

“ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК”

ТУШУНЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАБИАТИ



АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада “оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқий, криминалогик ва ижтимоий-психологик ёндашувлар асосидаги илмий таърифлари таҳлил этилган. Турли соҳалар олимлари томонидан берилган таърифлар туркумлиниб, улар ихтисослик, мақсад ва методология нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратилган. Шунингдек, унда миллий қонунчилик ва халқаро ёндашувлар асосида “оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчаси билан боғлиқ тизимли хулосалар ва илмий таклифлар баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: оилавий (маиший) зўравонлик, зўравонлик, руҳий ва жисмоний зўравонлик, криминалогик таҳлил, гендер тенглиги.



“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади (76-модда).

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар (58-модда)”. [1] Оила институти ва унинг муҳофазаси конституция даражасида мустақамланиши, оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни, оилаларда уларга турли шаклдаги тазйиқ ва зўравонлик ўтказаяётган шахслар нисбатан жавобгарликни таъминлашни тақозо этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва уларга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш борасида амалий ишлар натижасида айрим турдаги жиноятларни нисбатан камайтиришга эришилган бўлса-да, оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг

2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сон Қонунига [2] асосан Жиноят кодексига киритилган оилавий (маиший) зўравонлик жинояти 2023 йилда республика миқёсида 809 та қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 1077 тага

(33,1 %) ортган. [3] Айниқса, оиладаги зўравонликлар умумий пандемия давридаги эълон қилинган карантин даврида бир неча баробар ортганлиги кузатилган. [4]

Жамиятда, хусусан, оилада хотин-қизлар ва болаларни зўравонликларнинг турли кўринишларидан ҳимоя қилиш, республика миқёсида ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш, уларнинг асл омиллари, сабаблари ва шарт-шароитларини илмий ёндашув ҳамда криминологик мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали профилактик чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.



« ЖИСМОНИЙ ЗЎРАВОНЛИК,
ЖИНСИЙ ЗЎРАВОНЛИК,
РУҲИЙ ЗЎРАВОНЛИК,
ИҚТИСОДИЙ ЗЎРАВОНЛИК,
ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТМАСЛИК,
ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
ТАЪҚИБ ЭТИШ (БУЛЛИНГ)
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА
БОЛАЛАРГА НИСБАТАН
ЗЎРАВОНЛИКНИНГ
ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА
БЕЛГИЛАНДИ. БУ НАФАҚАТ
УШБУ СОҲАДАГИ АЙРИМ
МУАММОЛАРНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН
АНИҚЛАШТИРИЛИШИ,
БАЛКИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА
ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ
ИМКОНИАТИНИ ҲАМ ЯРАТДИ.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон [5] ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари [6] хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини амалда таъминлашга қаратилган институционал ўзгаришлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этди. 2019 йилга қадар амалдаги бирор бир қонун ёки қонуности ҳужжатда оиладаги “зўравонлик” тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаган ва унинг қўлланиш соҳаси ҳам белгилаб қўйилмаган эди. Шу боис, бу тушунча кўпроқ умумий маънода ишлатиб келинган.

Юқоридаги қонунларда илк маротаба “зўравонлик” тушунчаси ва шакллари аниқ таърифлар берилди. Шу билан бирга, жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этиш (буллинг) хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг шакллари сифатида белгиланди. Бу нафақат ушбу соҳадаги айрим муаммоларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаштирилиши, балки зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш имкониятини ҳам яратди.

Оиладаги зўравонликлар Жиноят кодексида жиноят сифатида белгиланганидан сўнг, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қайд этилган ушбу қонунни тўғри қўллаш, барқарор тергов ва суд амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сон қарори қабул қилинди ва унда айрим тушунчаларга шарҳлар берилди. [7]

Умуман олганда, юқоридаги меъёрий ҳужжатларда зўравонлик кўринишлари муайян даражада тартибга солинган, уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш учун самарали механизмлар назарда тутилган. Бироқ, илгари сурилган тушунчалар бўйича берилган изоҳларда айрим ноаниқликлар кўзга ташланади ва бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1 биринчидан, ҳуқуқий аниқлик кiritишдаги камчиликлар. Қонун ва қонуности ҳужжатларда берилган таърифларни изчиллаштириш ва аниқлаштириш лозим. Масалан, “таҳдид”, “қўрқитиш”, “бошқаришга интилиш” каби тушунчалар фақат пленум қарорларида қайд этилган, қонунларда эса умумий характерга эга. Шунингдек, қонунларда “зўравонлик” тушунчаси ҳанузгача ўта кенг ва субъектив характерга эга бўлиб қолмоқда. Масалан, “шаъни ва қадр-қимматини камситиш” деган ибора муқаррар юридик чегарага ва доирага эга эмас, бу асосан исботлаш мураккаб бўлган ҳолатларда кузатилади;

2 иккинчидан, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ўртасидаги чегара муаммоси. “Ҳаракатсизлик” тушунчаси юридик нуқтаи назардан таҳлили мураккаб тушунча ҳисобланади. Масалан, болага ёрдам кўрсатмаслик ёки хотин-қизларни таълимдан маҳрум қилиш амалда қайси ҳолатда жиноий, қайси ҳолатда маъмурий, қайси ҳолатда фақат ахлоқий норма бузилиши ҳисобланиши белгиланмаган;

3 учинчидан, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи ўртасидаги коллизия. “Иқтисодий зўравонлик” тушунчаси эса оиладаги зўравонликлар билан боғлиқ қонун ва қонуности ҳужжатларда



етарлича аниқ ва равшан тарзда шарҳланмаган. “Иқтисодий зўравонлик”нинг аниқ ҳуқуқий чегараси ишлаб чиқилмаган, унинг даражаси (енгил, ўртача оғир ёки оғир) баён этилмаган. Бу эса, айрим вазиятларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, эркакнинг хотинини моддий таъминламаслиги баъзан фуқаролик иши сифатида (алимент тўламаслик) кўрилади, лекин айтиш ҳолат зўравонлик деб баҳоланганда, шахсни жавобгарликка тортиш масаласи келиб чиқади ва бу ўз навбатида ҳуқуқий зиддиятларни юзага келтиради;

4 тўртинчидан, муайян ҳудудларга хос рухий, ижтимоий ва маданий факторларни ҳисобга олмаслик. Тушунчаларни таърифлашда турли ижтимоий-маданий муҳитлар, анъаналар, шахсий чегаралар каби омиллар инобатга олинмаган. Масалан, баъзи ҳудудларда “ҳақорат” сифатида қабул қилинадиган сўзлар бошқа жойларда оддий танқид сифатида қабул қилиниши мумкин. Шунинг учун, шахсга етказилган рухий зўравонлик ҳолатларини аниқлаштиришда

ЖИНОЯТЧИЛИККА қарши курашиш ва жиноятни содир этишни режалаштирган ёки содир этган шахсларни қидириб топиш, жиноятни фош этиш бўйича далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган ахборотни аниқлаш мақсадида замонавий техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш юзасидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари муҳим ўрин тутади.

маълум бир мезонлар (масалан, клиник таъхис, рухий саломатликка етказилган зийнни аниқлаш бўйича тест ўтказиш ва баҳолаш) ишлаб чиқилиши лозим.

5 бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 августдаги 484-сон қарорида [8] “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар”, “Зўравонликнинг барча шаклларида жабрланган”, “оғир (қийин) ҳаётий вазият” каби тушунчалар кенг маънода изоҳланган бўлса-да, амалиёт ходимлари учун айрим ҳуқуқий жумлаларга пленум қарорида шарҳ берилмаган, бу ҳақидаги ўзгартиришлар киритилмаган. Масалан, “ҳақиқий индивидуал эҳтиёж” ёки “ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлар ва эркинликларга таъжовуз” каби ифода ва мезонлар амалиётда муаммони аниқ белгилашни қийинлаштириши мумкин. Бу эса ижтимоий хизматлар, ҳимоя ордерлари ёки суд қарорлари чиқаришда қонунни мустақил талқин қилишга, субъектив ёндашувга йўл очади.

Айрим юридик адабиётларда “зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши” деб қайд этилган бўлса, бошқа адабиётларда, “зўравонлик – қонун билан тақиқланган маънавий, рухий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиш иродасига қарши равишда амалга оширишдир”, “зўравонлик – зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлик, кучлилиқ, улканлик, шиддатлилиқ” [9] мазмундаги таърифлар берилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зўравонлик” атамаси “зўравонларга хос хатти-ҳаракат”, “зўрлик”, “куч ишлатиш” сифатида қайд этилган.[10]

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий интернет порталидаги юридик луғатда “зўравонлик” тушунчаси шарҳланмаган, бироқ “Зўрлик” атамасига “бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр – зулм қилиши. Зўрлик инсоннинг дахлсизлигини бузиш, жисмоний ва маънавий азоблаш шаклида ҳам бўлади” [11] деб таъриф берилган.

Умун олганда, “зўравонлик” тушунчаси илгари қонунчиликда кенг қўлланилмаганлиги ва бу атаманинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамияти инобатга олинмаганлиги сабабли, Ўзбекистон юридик энциклопедияси ҳамда “Vikipediya”да “зўравонлик” тушунчасига оид аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Бундан





ташқари, мамлакатимизда фойдаланилаётган бошқа ахборот тизимларида “зўравонлик” атамасига “зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш” [12], “Жисмоний зўравонлик шахснинг танасига бевосита таъсир этишда, руҳий зўравонлик эса шахсга руҳий тазйиқ кўрсатиш, қўрқитиш, қарам қилишда намоён бўлади. Зўравонлик фақат жабрланувчининг ўзига нисбатан эмас, балки унинг яқинларига нисбатан ҳам содир этилиши мумкин...” [13] каби тушунтиришлар берилганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ юқоридаги аксарият манбаларда “зўравонлик” тушунчаси умумий ва лексик маъноларга асосланган бўлиб, ҳуқуқий ёки ижтимоий контекстдаги махсус таърифлар мавжуд эмас.

Бугунги кунда “Оилавий (маиший) зўравонлик” билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кўплаб диссертация ва илмий мақолалар ёзилди ва ёзилмоқда. Бироқ, уларнинг айримларида билдирилган фикрлар ва қарашлар биров мунозарали бўлгани учун уларни таҳлил қилсак.

Тадқиқотимиз давомида “оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчасига муаллифлар томонидан турли хил ёндашувлар асосида кўплаб таърифлар берилгани, бироқ таърифларда зўравонликнинг муайян бир жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилингани маълум бўлди.

Жумладан, И.С. Власов [14] оилавий зўравонликни мамлакатнинг демографик вазияти ва бола тарбияси асосларига путур етказувчи, миллий хавфсизликка таъсир қилувчи муаммо сифатида кўради. Унинг фикрича, бу муаммо давлат сиёсатида зўравонликка қарши курашишни устувор йўналиш сифатида белгилашни талаб этади.

В.С. Харламов [15] оилавий зўравонликни “жиноий оилавий (маиший) зўравонлик” деб атади ва уни жабрланувчиларнинг азобланиши, ногирон бўлиши, меҳнат қобилиятини йўқотиши, тиббий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларининг ошиши, уйсизлик даражаси-



нинг кўтарилишига сабаб бўлувчи омил сифатида таърифлайди. У зўравонликни жамиятнинг иқтисодий барқарорлигига таҳдид деб ҳисоблайди.

В.Т. Турабов [16] ва С.Ахмедовлар [17] оилавий зўравонликни “ижтимоий хавфли қилмиш” сифатида таърифлаб, унинг шакллари (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий) аниқ санаб ўтади. Уларга кўра, бу оила ёки уй шароитида содир бўладиган, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни бузувчи хатти-ҳаракатлар бўлиб, таҳдид, қўрқитиш, ҳақорат, мажбурлаш ва бошқа зарарли ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу таъриф ҳуқуқий тартибга солиш учун асос яратади.

А.С. Пашченко [18] зўравонликни инсонни мажбурлаш, жазолаш ёки қўрқитиш орқали босим кўрсатиш деб таърифлайди, бу эса ҳуқуқий жиҳатдан аниқроқ ёндашувни таклиф этади. Н.И. Костовская [19] эса зўравонликни жиноий ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, уни жиноий жавобгарликка тортиладиган хатти-ҳаракатлар сифатида кўради.

О.А. Хамидов [20] оилавий зўравонликни “яқин муносабатлар доирасидаги гендер зўравонлик” деб таърифлайди, бу таъриф БМТ ва ЕХХТ стандартларига яқин. В.Р. Самандаров [21] ва З.Иброхимовалар [22] зўравонликни “тажовузкор муносабат” сифатида кўриб, унинг психологик илдизлари, тенгсизлик ва ижтимоий психология элементларига эътибор беради. Ф.К. Турабова [23] зўравонликни жисмоний, руҳий босим ва таҳдид сифатида таърифлайди, аммо унда ҳуқуқий жиҳатлар тўлиқ қамраб олинмайди.

« УМУМАН ОЛГАНДА, “ЗЎРАВОНЛИК” ТУШУНЧАСИ ИЛГАРИ ҚОНУНЧИЛИКДА КЕНГ ҚўЛЛАНИЛМАГАНЛИГИ ВА БУ АТАМАНING ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ ИНОБАТГА ОЛИНМАГАНЛИГИ САБАБЛИ, ЎЗБЕКИСТОН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ҲАМДА “Vikirepida”да “ЗЎРАВОНЛИК” ТУШУНЧАСИГА ОИД АНИҚ МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД ЭМАС. БУНДАН ТАШҚАРИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА “ЗЎРАВОНЛИК” АТАМАСИГА “ЗЎРАВОНЛАРГА ХОС ХАТТИ-ҲАРАКАТ, ЗЎРЛИК, КУЧ ИШЛАТИШ” [12], “ЖИСМОНИЙ ЗЎРАВОНЛИК ШАХСНИНГ ТАНАСИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР ЭТИШДА, РУҲИЙ ЗЎРАВОНЛИК ЭСА ШАХСГА РУҲИЙ ТАЗЙИҚ КЎРСАТИШ, ҚЎРҚИТИШ, ҚАРАМ ҚИЛИШДА НАМОЁН БЎЛАДИ.



АҚШлик социолог Мюррей Страус [24] оилавий зўравонликни “Conflict Tactics Scale” методологияси асосида таҳлил қилиб, уни оила аъзоларидан бирининг бошқасига қасддан зарар етказишга уринадиган хатти-ҳаракатлари деб таърифлайди. Ленор Уолкер [25] “Battered Woman Syndrome” концепцияси орқали зўравонликнинг психологик оқибатларини тадқиқ қилган. Эван Старк [26] “coercive control” концепциясини ишлаб чиқиб, зўравонликни эркинликни чеклаш ва доимий назорат сифатида таърифлайди.

Майкл П. Жонсон [27] зўравонликни “intimate terrorism”, “situational couple violence” ва “mutual violent control” шаклларида бўлади.

БМТнинг ЮНФПА ташкилоти [28] оилавий зўравонликни “жисмоний, жинсий, руҳий ёки иқтисодий зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар, шу жумладан таҳдид, мажбурлов ва эркинликдан маҳрум қилиш” деб таърифлайди.

Оилавий зўравонликни тадқиқ этувчи олимлар унинг мазмуни ва белгиларига турлича ёндашади. Бу ёндашувлар асосан ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, криминологик ва гендер нуқтаи назарларга суянган. Уларни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ДЕМОГРАФИК ЁНДАШУВ

Бу гуруҳ (В.С. Харламов, И.С. Власов) оилавий зўравонликни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий

тузилиши, демографик жараёнлар ва миллий хавфсизлик билан боғлайди. Уларнинг таърифлари умумий ва кенг қамровли бўлиб, ҳуқуқий аниқлик ва психологик жиҳатлар етишмайди. Муаллифлар социология ва ижтимоий сиёсат соҳаларида фаолият юритади.

2. ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Бу йўналишдаги олимлар (В.Т. Турабов, С. Ахмедов, А.С. Пашенко ва бошқ.) оилавий зўравонликни жиний ҳуқуқ нуқтаи назаридан, яъни “ижтимоий хавфли қилмиш” сифатида баҳолайди. Таърифларда ҳуқуқий белгилар (объект, субъект, объектив ва субъектив томон) аниқ кўрсатилади, лекин руҳий-эмоционал сабабларга кам эътибор берилади.

3. ПСИХОЛОГИК ВА ГЕНДЕР ЁНДАШУВ

Бу гуруҳ (Ленор Е. Уолкер, Эван Старк, О.А. Хамидов ва бошқ.) зўравонликни жабрланувчининг психоэмоционал ҳолати, ижтимоий тенгсизлик ва гендер нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Таърифларда психологик таъсир ва маданий омилларга катта аҳамият берилади. Лекин ҳуқуқий мезонлар камроқ ёритилади.



« ҚШЛИК СОЦИОЛОГ МЮРРЕЙ СТРАУС [24] ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИ “CONFLICT TACTICS SCALE” МЕТОДОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ, УНИ ОИЛА АЪЗОЛАРИДАН БИРИНИНГ БОШҚАСИГА ҚАСДДАН ЗАРАР ЕТКАЗИШГА УРИНАДИГАН ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ДЕБ ТАЪРИФЛАЙДИ. ЛЕНОР УОЛКЕР [25] “BATTERED WOMAN SYNDROME” КОНЦЕПЦИЯСИ ОРҚАЛИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛГАН. ЭВАН СТАРК [26] “COERCIVE CONTROL” КОНЦЕПЦИЯСINI ИШЛАБ ЧИҚИБ, ЗЎРАВОНЛИКНИ ЭРКИНЛИКНИ ЧЕКЛАШ ВА ДОИМИЙ НАЗОРАТ СИФАТИДА ТАЪРИФЛАЙДИ.



4. КОМПЛЕКС ВА КЎПҚИРРАЛИ ЁНДАШУВ

Мюррей А. Страус, Майкл П. Жонсон, Ф.К. Турабова, К.С. Пухова ва бошқалар зўравонликни ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва криминологик жиҳатларни уйғунлаштирган ҳолда ўрганади. Таърифлари сабаб, шакл ва оқибатларни қамраб олади. Уларнинг тадқиқотлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бой.

Юқоридаги билдирилган фикрларни мувофиқлаштирган ҳолда ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсиялар асосида “Оилавий (маиший) зўравонлик” тушунчасига умумназарий ва ҳуқуқий контекстда қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Оилавий (маиший) зўравонлик – бу хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга, умумий

фарзандга эга бўлган шахсга ёки болага нисбатан уларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган қасддан содир этилган хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, жисмоний, психологик, жинсий, иқтисодий, таъқиб қилиш, шахвоний шилқимлик, эксплуатация ёки ғамхўрлик кўрсатмаслик ва бошқа шаклларда намоён бўлади. Ушбу ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар жабрланувчига жисмоний, иқтисодий, руҳий ёки ижтимоий зарар етказиш, унинг соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ёки эркинлигига таҳдид солиш, шунингдек, оилавий муносабатларда тенгсизлик ва турли босимларни кучайтиришга сабаб бўлади.

Ушбу таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддасига асосланиб, жабрланувчилар доираси ва зўравонликнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқ кўрсатишга, зўравонликларнинг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.02.2025 йил)/
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/6430272>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.02.2025 йил)/
3. Республика миқёсида умумий жиноятчилик ҳисоботи.
4. Ашуров У.Э. Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари такомиллаштириш. Автореферат. Т – 2024 й. 16-бет. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.02.2025 йил)/
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.02.2025 йил).
6. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/7219502>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.02.2025 йил).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6683558>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.03.2025 йил).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 августдаги
9. “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматларни кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 484-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/7051227>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.03.2025 йил).
9. Муродов А.Ш. Диссертация. “Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш” 21-бет.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). Т.2. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 167. – б. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
11. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий интернет портали. <https://huquqiyportal.uz/dictionary>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
12. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining.pdf. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
13. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zorlik-uz/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
14. Власов И.С. и др. Домашнее насилие по законодательству зарубежных стран: ответственность и превенция. Domestic violence under the legislation of foreign countries: responsibility and prevention Ин-т законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации. –М.: Юстицинформ, 2011. –С.25. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
15. Харламов В.С. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье: системное криминологическое и



ижтимоий (тенгсизлик, босим ўтказиш) ва психологик (руҳий азоблаш, шаън ва қадр-қимматни камситиш) оқибатларини ҳам қамраб олишга, барчада бирдек тушунча ҳосил бўлишига, кўп қиррали ёндашув асосида оиладаги зўравонликларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва криминологик муаммо сифатида бирлаштиришга, зўравонлик шакллари "хатти-ҳаракатлар мажмуи" сифатида умумлаштиришга, халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЕХҲТ) стандартларига мос бўлишга хизмат қилади.



- уголовно-правовое исследование: Автореф. дисс. ... доктора юридических наук. –СПб., 2019. –С. 15. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
16. Турабов В.Т. Оилавий зўравонликка қарши кураш –долзарб муаммолардан бири сифатида // Innovative Development in Educational Activities. –2023. –Vol. 2(18). –Б.112. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 17. Ахмедов С. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Магистрлик диссертацияси. Т – 2022 йил. 19-бет.
 18. Пашенко А.С. Понятие домашнего насилия // Теория и практика общественного развития. 2005. №1. –С. 46-48. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 19. Костовская, Н. И. Проблема нормативно-правового регулирования домашнего насилия в отношении женщин / Н. И. Костовская. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 50 (288). – С. 585-586. <https://moluch.ru/archive/288/65233/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).
 20. Хамидов О.А. Ўзбекистонда оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий ҳолати // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. –2023. –Vol. 3(8). –Б.38. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 21. Самандаров В.Р. Оилавий (маиший) зўравонлик тушунчаси: миллий ва халқаро тажриба // Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari va zamonaviy tendensiyalari: xalqaro konferensiya materiallari (April 24, 2024). –Toshkent, 2024. –Б.972. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 22. Иброхимова З. Оилавий (маиший) зўравонлик учун жиноий жавобгарлик ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/4451/4374>. 158-бет. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 23. Турабова Ф.К. Оилада руҳий зўравонлик тушунчаси ва унга нисбатан курашиш чоратадбирларининг аҳамияти. <https://bestpublication.org/index.php/sit/article/view/4844>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2025 йил).
 24. Murray A. Straus. Measuring Intrafamily Conflict and Violence: The Conflict Tactics (CT) Scales. <https://www.jstor.org/stable/i214959>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).
 25. Walker, L. E. (2006). "Battered Woman Syndrome: Empirical Findings." Annals of the New York Academy of Sciences, 1087(1), 142-157. <https://nyaspubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1196/annals.1385.023>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).
 26. Stark, E. (2012). "Re-presenting Battered Women: Coercive Control and the Defense of Liberty." Violence Against Women. <https://library.nzfv.org.nz/cgi-bin/koha/opac-detail.pl?biblionumber=5001>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).
 27. Johnson, M. P. (2008). A Typology of Domestic Violence: Intimate Terrorism, Violent Resistance, and Situational Couple Violence. Northeastern University Press. <https://www.jstor.org/stable/353683>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).
 28. United Nations Population Fund. Gender-based violence. <https://www.unfpa.org/gender-based-violence>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.04.2025 йил).



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ

ВА АЙБЛАНУВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ

THE STAGE OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE PROCEDURAL STATUS OF THE SUSPECT AND THE ACCUSED IN THE PRE-TRIAL PROCEEDINGS

Бахтиёржон МУРОДОВ,
ИИВ Академияси Тергов
фаолияти кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори
профессор

Bakhtiyorjon MURODOV,
Head of the Investigative Activities
Department
of the Academy of the Ministry of
Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law, Professor

Азамат АМАНОВ,
Яшнабод тумани ИИО ФМБ
хузуридаги Тергов бўлими
жиноятларни тергов қилиш
бўлинма бошлиғи майор
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги
Академияси мустақил
изланувчиси
E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

Azamat AMANOV,
Independent Researcher of Academy
of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of
Uzbekistan

АННОТАЦИЯ: Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал мақомининг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги фикрлари ўрганилган. Мустақиллик йилларидан кейин ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал мақомини шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб тадқиқ этилган. Шунингдек ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал мақомини аниқлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ушлаш, ушлаб туриш, ҳимоячи, суриштирувчи, терговчи, прокурор

ANNOTATION: The article analyzes the formation and stages of development of the procedural status of the suspect and the accused in the pre-trial proceedings of the case according to the criminal-procedural legislation of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the opinions of specialists from a number of national and foreign countries on this matter have been studied. After the years of independence, the formation and development of the procedural status of the suspect and the accused in the pre-trial proceedings of the case was conditionally studied into four stages. Proposals and recommendations have also been developed to clarify and strengthen the procedural status of the suspect and the accused in the pre-trial proceedings of the case.

KEYWORDS: suspect, accused, defendant, defendant, catch, detain, defense lawyer, inquirer, investigator, prosecutor



Мамлакатимизда сўнги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар бизга олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар қаторида қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини ҳам тубдан ислох этиш лозимлигини кўрсатиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида¹ энг муҳим йўналишлардан бири сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш эканлиги кўрсатиб ўтилгани ҳам бизни юқоридаги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад “Инсон қадрини учун” тамойили асосида мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон қадрини юксалтирилган эркин ф уқаролик жамиятини яратишдан иборат. Бунда, энг муҳим масала фуқароларимизни турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлиб қолаверади. Чунки, ҳар қайси даврларда ва жамиятда шахснинг эркин ва фаровон ҳаётига, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиноятчилик ва бошқа тажовузлар натижасида путур етказилган. Шунинг учун энг аввало, қонун устуворлигини ва қонун олдида барчани тенглигига эришиш лозим. Шундагина содир этилган жиноятлар бўйича жазо муқаррарлигини таъминлаш мумкин бўлади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасида “Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир” – деб бежизга келтириб ўтилмаган².

Шунинг учун бугунги кунда

Республикаимизда содир этилаётган жами жиноятларни учдан бир қисmini ташкил қилаётган инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилувчи жиноятлар тенденциясини ҳар доим назорат остида бўлиши, уларнинг кўпайиб боришининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кескин чоралар кўрилиши лозим.

Жиноят процессида гумон қилинувчининг мақомини ўрганишдан олдин, албатта “гумон қилинувчи” атамасининг маъносини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Француз олими Рене Декарт айтганидек: “сўзнинг моҳиятини аниқлаштириш дунёни унинг ярим чалкашликларидан холос этади”³. Жиноят процессида гумон қилиш алоҳида функция сифатида шаклланмаган. Процессуалист олим З.Д.Еникеев фикрига кўра, жиноят иши қўзғатиш билан бир вақтда жиноий таъқиб функцияси бошланади⁴. Гумон қилишга нисбатан жиноий таъқибни амалга оширишнинг дастлабки босқичи сифатида қаралади. Бу эса терговнинг дастлабки босқичларида гумон қилинувчи каби субъектнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.05.2022).

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

³ Калинин В.В. Сравнительный анализ регулирования задержания подозреваемого и самого понятия «Подозреваемый» в РФ и в иностранных государствах. https://elibrary.ru/download/elibrary_32515633_29146096.pdf

⁴ Барабаш А.С. Метод российского уголовного процесса / А.С. Барабаш, А.А. Брестер. - Санкт-Петербург : Юридический центр-Пресс, 2013. - 218 с. - ISBN 978-5-94201-660-9. - URL: <https://ibooks.ru/bookshelf/350684/reading>



пайдо бўлиши билан боғлиқ. Н.Н.Хайдаровнинг фикрига кўра, агар гумон тергов ҳаракатларини ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида қўлга киритилган фактик маълумотлар томонидан тасдиқланадиган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиши мумкин⁵. Худди шунга ўхшаш фикрни, яъни шахснинг содир этилган жиноятга дахлдорлигини кўрсатувчи фактик маълумотлар гумон учун асос бўлиши ҳақидаги фикрни бошқа адабиётларда ҳам кўришимиз мумкин⁶. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўрсатилишича “гумон” – арабча “фикр, фараз, шубҳа” сўзларидан олинган бўлиб⁷, бирор нарсанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик, шубҳа каби маъноларни беради. Жиноят-процессуал кодексимизда эса гумон тушунчасига таъриф берилмаган. Гумон айбловдан фарқли равишда шахснинг содир этилган жиноятга дахлдорлигидан дарак берувчи далиллар мажмуи асосланади. Суриштирувчи ёки терговчи шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилишдан олдин далиллар мажмуининг етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим бўлади.

Илмий таҳлил диалектикаси гумонланувчи ва айбланувчи мақомларини эволюцион, тарихий жиҳатдан ўрганилишини талаб этади. Диалектиканинг ушбу талаби тадқиқотнинг тарихий-генетик усулларида амалга оширилиши лозим. Бунда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

⁵ Хайдаров Н.Н. Подозреваемый в уголовном процессе. Дисс. кан. юр. наук. Т.: 2000. Б.31. <http://diss.natlib.uz>

⁶ Пантелеев И.А. Проблемы совершенствования института подозрения в уголовном процессе России : Дис. ... канд. юрид. наук: Екатеринбург, 2000. С. 7. <http://www.dslib.net/kriminal-process/problem-y-sovershenstvovaniya-institut-podozreniya-v-ugolovnom-processe-rossii.html>

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – 524 б. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20G.pdf

⁸ Лубин А. Ф., Миловинова М. А., Гончан Ю. А. Функция доказывания в уголовном процессе: стадии эволюции // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2014. № 1 (25). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/funktsiya-dokazyvaniya-v-ugolovnom-protsesse-stadii-evolyutsii> (дата обращения: 06.07.2022).



Инсон ҳуқуқлари назарияси ва тарихидан маълумки, шахсларга нисбатан турли таҳдидлар, шунингдек ҳукмрон шахслар томонидан уларга қатъий қаршилиқ кўрсатишга интилишлар инсон ҳуқуқларининг вужудга келишига ва кейинчалик унинг ривожланиб боришига асосий сабаб бўлган.

а) ушбу мақомлар қандай вужудга келган (келиб чиқишининг тарихи);

б) жиноий суд юритувида гумонланувчи ва айбланувчи мақомлари ўзини ривожланишида қандай катта босқичлардан (даврлардан) ўтган;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноий иш суд юритувида гумонланувчи ва айбланувчи мақомларини қандай тавсифлаш мумкин.

Бунда ушбу мақомларнинг ҳозирги мавқеини “абадий” ва “табиий” сифатида абсолютлаштиришга йўл қўйилмаслиги лозим. Бир қарашдан, қўйилган масалалар ечилмайдиганга ўхшайди, чунки, биринчидан, жиноий суд юритувда гумонланувчи ва айбланувчи мақомлари ривожланишининг тизимлаштирилган илмий баёни мавжуд эмас. Ишни судга қадар юритишнинг тарихий шакллари содда таърифини эмас, балки ушбу шакллар жиноий иш юритуви иштирокчиларининг мақомлари ривожланишида қай тарзда акс эттирилганлигини инобатга олсак, бу жиҳатдан тарихийлик бой эмас. Умуман олганда - мақомлар эволюциясини муаммоси мустақил сифатида ажратилган эмас.

Иккинчидан, умумий қоидага асосан, жиноий процесс иштирокчиларининг процессуал мавқеини шаклланиши ва ривожланишини жиноий процесснинг муайян турлари (шакллари) билан боғлайдилар⁸. Масалан, В. К. Случевский фикрича, “... жиноий



процесснинг бутун тарихи унинг учта асосий шаклидан иборат: айблов, тергов ва тергов-айблов процесслар⁹. Кейинчалик ушбу фикр тегишли ривожланишини олган. А. В. Смирнов "...беллашув, қидирув ва аралаш жараёнларни" ажратиш лозимлигини таъкидлаган. Муаллиф томонидан беллашув процессининг айблов ва даъво турлари¹⁰, шунингдек қидирув процессининг турлари - тергов, жиноий жазолаш, суд буйруғи, ва ҳоказоларга ажратилган¹¹.

Жиноий суд тузилишига таяниб, биз, гумонланувчи ва айбланувчининг процессуал мавқеи шаклланиш ва ривожланиш жараёнини унинг эволюцион босқичлари бўйича тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Бундай даврлаштиришни қандайдир ҳуқуқий актга боғлаган ҳолда баён этиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқлари назарияси ва тарихидан маълумки, шахсларга нисбатан турли таҳдидлар, шунингдек ҳукмрон шахслар томонидан уларга қатъий қаршилиқ кўрсатишга интилишлар инсон ҳуқуқларининг вужудга келишига ва кейинчалик унинг ривожланиб боришига асосий сабаб бўлган.

Инсон ҳаёти минг йиллар давомида хавф-хатарларга дучор бўлган, кадр-қиммати поймол қилинган. Унга жавобан табиий равишда одамларнинг тенглиги, уларни камситиш, шафқатсизлик, зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг инсонпарварлик



ЎЗБЕК

тилининг
изоҳли луғатида
кўрсатилишича
"гумон" - арабча
"фикр, фараз,
шубҳа" сўзларидан
олинган бўлиб,
бирор нарсанинг
ҳаққонийлигига,
тўғрилигига
ишонмаслик, шубҳа
каби маъноларни
беради. Жиноят-
процессуал
кодексимизда эса
гумон тушунчасига
таъриф берилмаган.
Гумон айбловдан
фарқли равишда
шахснинг содир
этилган жиноятга
дахлдорлигидан
дарак берувчи
далиллар мажмуига
асосланади.

ғоялари туғилган ҳамда қарор топган ва ҳ.к¹².

Инсон ҳуқуқларининг илк бор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланиши миллий хартиялар, декларациялар, конституциявий нормалар шаклида амалга оширилган. 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларацияси жуда таъсирчан қонунчилик ҳужжати бўлиб, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг эътироф этилиши ва ҳимоясининг муҳим белгиси бўлган.

Француз Декларацияси билан бир қаторда, тарихда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ўзида кенг ифода этган Хабеас корпус Акти, АҚШ Мустақиллик декларацияси, АҚШ Конституцияси ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатларни келтириш мумкин.

1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузишнинг асосий мақсадларидан бири ҳам бевосита инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, унинг ирқи, жинси, тили ва эътиқодидан қатъи назар ҳамма учун бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўлган (БМТ Низомининг 1-м).

1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинди. Кейинчалик БМТ бошчилигида инсон ҳуқуқларига бағишланган ўнлаб бошқа бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

⁹ Случевский В. К. Учебник русского уголовного процесса. Введение. Часть 1: Судостроительство / под ред. и с пред. В. А. Томсинова. М.: Зерцало, 2008. С. 40.

¹⁰ Смирнов А. В. Исторические формы уголовного процесса. Учебное пособие. СПб.: ГИЭУ, 2002. С. 7. Заметим, что еще И. Я. Фойницкий указывал на то, что обвинение есть своего рода уголовный иск. См. об этом: Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства: В 2 т. СПб., 1996 Т. II. С. 4. Эта идея нашла отражение и в работах последних лет. См., например:

¹¹ Смирнов А. В. Уголовный процесс: учебник / А. В. Смирнов, К. Б. Калиновский: под общ. ред. проф. А. В. Смирнова. 4-е изд., перераб. и доп. М.: КНОРУС, 2008. С. 46-58.

¹² Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2012. – Б. 18–19.





Жаҳонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устуворлиги қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, инсон ҳуқуқларига доир 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги таъминланиши давлатлар томонидан таъминланган.



Улар қаторида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги (унга 1966 йилдаги тегишли факультатив протоколни ҳам қўшиб) ҳамда Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактлар алоҳида аҳамиятига эга.

Эндиликда аксарият мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга мос келадиган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхати жой олган¹³.

Жаҳонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устуворлиги қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, инсон ҳуқуқларига доир 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги таъминланиши давлатлар томонидан таъминланган. Ушбу ҳужжатларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари марказий ўринни эгаллайди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида "Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга"¹⁴, деб белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари тарихи нуқтаи назаридан, хусусан, инглиз Эркинликнинг буюк хартияси (1215 й.), Ҳуқуқлар тўғрисида петиция (1628 й.) Хабеас корпус Акт (1679 й.), Ҳуқуқлар декларацияси (1688 й.), Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль (1689 й.), Виргиния ҳуқуқлари тўғрисида Америка декларацияси (1776 йил 12 июнь), АҚШ Мустақиллик декларацияси (1776 йил 4 июнь), АҚШ Конституцияси (1787 й.), Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль (1789–1791 й.), Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида француз декларацияси (1789 й.), Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.) ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги кейинги халқаро пактларнинг мазмунан бир-бири билан боғлиқлиги, муайян мантикий изчилиги, ворисийлиги ҳамда ривожланиш даврлари ҳақида алоҳида таъкидламоқ жоиз¹⁵.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инсон

ҳуқуқлари масалалари буюк аجدодимиз Соҳибқирон Амир Темур ғояларида асосий ўринни эгаллаган. «Темур тузуклари» инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кафолати, миллий-маънавий қадриятларимиз инсон ҳаёти, шаънини кафолатловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Темур тузукларига кўра: "Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар"¹⁶. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияда эса: "Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас"¹⁷ дейилган.

Испан элчиси Клавихонинг Амир Темур ҳузурига ташрифи тўғрисидаги кундалигида ёзилишича, Темур топириқ берганда ўз вақтида бажармаган раҳбарлар ва уларнинг камчилиги ҳақида ахборот берувчи шахслар бўлган. Шунингдек, Амир Темур томонидан фуқаро мурожаатлари билан ишламаган раҳбарларнинг шахсан кўпчилик ичида жазолангани Клавихо томонидан кичик эпизод сифатида қайд этилган. Мана шу мисолнинг ўзи, Амир Темур инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйганларга нисбатан қатъиятли бўлганини англатади.

«Тузуклар»да жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқига доир муносабатлар, хусусан жиноятларга жазо бериш, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона-дорул аморат ташкил қилиш, қози аскар, аҳдос ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш каби масалалар ҳам акс этган¹⁸.

Инсон ҳуқуқларининг такомиллашувида ислом дини ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланмиш Қуръони каримда жиноят ва жазога оид оятлар




мавжуд. Барча даврларда, ҳамма давлатларда ёмон ниятли фосиқ одамлар мавжуд бўлган. Жамиятдаги барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида, ёмон ниятли кимсаларнинг ўйлаб топган уйдирмалари бирор-бир покиза аёлни бадном қилиш ниятида бўлса, бу қилмиш туҳмат сифатида белгиланиб, уларга нисбатан аниқ белгилаб берилган жазо чораларини қўллаш ҳам Қуръони Каримда кўрсатилган. “Ифбатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан урингиз ва абадул-абад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз! Ана ўшалар фосиқ кишилардир” (Нур, 4).

Бу ояти каримада инсон қадр-қиммати ва шаънининг нақадар устун эканлиги баён этилган. Ҳаттоки, ўша номақбул ишни бир киши кўрган тақдирда ҳам, зинокорларнинг айбини бўйнига қўйиш жуда мушкул иш. Чунки бир кишининг кўрсатмаси бирор-бир кишини зинокор деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди. Бу ҳолат Ислом шариатидаги айбсизлик презумпцияси деб баҳоланса, муболаға бўлмайди¹³.

Бу борада буюк Хитой файласуфи Конфуцийнинг, “Инсонни севиш сув ва оловдан ҳам муҳимдир, чунки мен сув ва олов одамларни ҳалок этганига кўп гувоҳ бўлганман. Бироқ инсонни ардоқлаганларнинг ҳалокатга учраганини сира кўрмаганман”²⁰, деган. Немис файласуфи Лихтенбергининг, “Бировни қоралашдан олдин доимо уни оқлаш имкони бор-йўқлигини ўйлаш керак”²¹, деган ҳамда немис файласуфи Гётенинг “Яшашга ва эркинликка ҳар кун улар учун курашувчи одамгина лойиқдир”²², деган фикрлари таҳсинга сазовордир.

Юртимиз ҳудудлари Чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг суд соҳасида бир қанча қонуний актлар қабул қилинган бўлса-да, аксарият ҳолатларда жиноят содир этган шахсни



жавобгарликка тортиш ёки ундан озод этиш масалалари қозилик ва бийлик судлар томонидан шариат ва одат нормалари асосида амалга оширилган²³.

Фақатгина 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ягона қолипда – собиқ Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ривожланган. 1922 йилда РСФСР ЖПК қабул қилингандан кейин ушбу Кодекс иттифоқдош республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қила бошлаган. 1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПК қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган. Шу санадан эътиборан, 1922 йилдаги РСФСР ЖПКнинг Ўзбекистонда амал қилиши тўхтатилган²⁴.

РСФСРда 1923 йил 15 февралда амалда бўлган Кодексга мазмун жиҳатидан жуда ҳам яқин бўлган янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган²⁵. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРларида мазкур қонун тан олинган ва деярли ўзгартиришсиз жорий қилинган²⁶. РСФСРнинг иккинчи Жиноят-процессуал кодексида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ва уларнинг чекланиш ҳолатлари биринчи кодексга жуда яқин бўлган.

1924 йилда Советлар давлатида давлат чегараларини ўзгартириш сиёсати натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топган ва Ўзбекистон ССР Революцион Қўмитасининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарори билан ҳудудда аввалги Жиноят-процессуал кодекслар амал қилиши давом эттирилган²⁷.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг дастлабки Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган ва ўша вақтда амалда бўлган РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг таъсири ва Бухоро ХСР ҳамда Хоразм ХСРларнинг Жиноят-процессуал кодекслари бекор қилинган²⁸.

Мазкур ЖПК РСФСРнинг аввалги Жиноят-процессуал кодекслари асосида ишлаб чиқилганлиги сабабли, уларда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ва уларнинг чекланиш ҳолатлари деярли бир хил бўлган²⁹.

¹³. Ўша манба. – Б. 19–20.

¹⁴. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

¹⁵. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов... – Б. 24.

¹⁶. Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси; ЎзФА муҳбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Б.Ахмедов таҳрири остида. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1991.

¹⁷. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

¹⁸. Қаранг: Зиёдулла Муқимов. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Тўлдирилган 2-нашри. – Самарканд: СамДУ, 2008. – Б. 56.

¹⁹. Қаранг: Ҳакимова Н. Қуръони каримдаги жиноят ва жазога оид оятлар. – <http://quran.uz/qurani-karim/quran-ilmi/1131-maqola.html>

²⁰. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз

файласуф / Тақдирлар, хикматлар, афоризмлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 36 б.

²¹. Ўша манба. – 35 б.

²². Ўша манба. – 37 б.

²³. Қаранг: Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 8.

²⁴. Қаранг: Муродов Б. Б. Жиноят ишлари тугатиш институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (ДСс) ... дис. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – Б. 33.

²⁵. <http://ru.wikisource.org/wiki>

²⁶. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений... – С. 31–32.

²⁷. Қўшаев Н. М. Жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: Юрид. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 43.

²⁸. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР (издание 3-е). – Самарканд, 1927. – С. 4.

²⁹. Чутбаев М. Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 34–35.



Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари концепциясининг вужудга келиши ва ривожланиши давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан бевосита боғлиқдир. Бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умумэтироф этилган халқаро андозалари соҳасини объектив таҳлил этиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг аниқ имконияти пайдо бўлди.

Халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойиллари давлатлар томонидан тан олинган³⁰. 1992 йил 8 декабрь куни мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда энг муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги конституциявий асосда белгилаб қўйилган³¹.

Тадқиқот иши юзасидан амалга оширилган таҳлил натижасига қўра шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилиб, бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилди. Декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиш орқали Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга садоқатли эканини яққол намоён этди³².

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро шартномаларни, шу жумладан, ЕХХТ шартномаларини имзолаган. Шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита шартномавий органларида иштирок этиб, уларга 20 дан ортиқ миллий маърузалар тақдим қилган³³.

Мамлакатимизда ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатлар, БМТнинг ушбу соҳадаги 10 та



ЎЗБЕКИСТОНДА
инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилиб, бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилди. Декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиш орқали Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга садоқатли эканини яққол намоён этди.

асосий халқаро шартномаларининг қоидалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали таъминлашга қаратилган миллий қонунчилигида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган³⁴.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мазмуни ва қўлама йилдан-йилга бойиб, ҳозирга келиб айрим олимларнинг эътироф этишича³⁵ бешинчи авлод ҳуқуқлари юзага келди.

³⁰ Иноғомжонова З. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимоясида // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – 2006. – № 5. – Б. 85.

³¹ Саидов А. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий кадрлар // Ҳуқуқ ва бурч. – 2008. – № 5. – Б. 10.

³² Ходжиев И. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 70 йиллиги. – <http://uzslidep.uz>. (23.05.2018 й.)

³³ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг № 5/1 резолюцияси иловаси 15 а) бандига қўра тақдим қилинган Миллий маъруза. Ўзбекистон, 2008 йил 1–15 декабрь, А/ HRC/WG.6/3/USB/1, 19-банд.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони. – <https://lex.uz>.

³⁵ Исмаилов Б. И. Становление современной системы международно-правовой защиты прав человека. – Ташкент: Республиканский центр повышения квалификации юристов Министерства юстиции Республики Узбекистан, 2012. – С. 70.



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз парламенти томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 20 та кодекс ва 500 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан бирга, бу борада мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, шунингдек ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш натижалари юзасидан амалдаги қонунчилик босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилди. Зотан, ҳар қандай демократик давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини конституция ва қонунларда расмий равишда белгилаб беради ҳамда унинг механизмни иқтисодий жиҳатдан таъминлайди ва кафолатлайди. Аслида, демократик режим хусусиятларининг энг муҳим жиҳати ҳам мана шу тамойилда намоён бўлади.

Жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган бундай ислохотларни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич, 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилиш, шунингдек уларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида юзага келган дастлабки муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Ушбу босқичда, судни жазолаш сифатидаги органдан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мустақил давлат

институтига айлантириш мақсадида тегишли қонунлар қабул қилинди.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолияти йўлга қўйилди. Суд жараёнида айблов ва ҳимоя тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Иккинчи босқич, 2001-2010 йилларни ўз ичига олиб, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилиш даври бўлди. 2008 йил 1 январидан бошлаб мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. 2008 йил 1 январдан бошлаб, шахсни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди. Прокуратура фаолияти ислоҳ қилинди, яъни у олдингидек, жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш чоралари кўрилди. Судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш ҳамда адвокатура институтини такомиллаштириш мақсадида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Учинчи босқич, 2011-2016 йилларни ўз ичига олиб, суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш ва судлов жараёнини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Судлар жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасидан чиқарилди. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш судлар ваколатига ўтказилди. Бу эса суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини берди.

Айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти фақат прокурор зиммасига юклатилди ва судлар ваколатидан жиноий иш қўзғатиш ваколати чиқарилди. Ушбу ўзгартириш суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилди.

Тўртинчи босқич, 2016 йил сентябрь ойидан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган вақтдан буёнги даврни ўз ичига олади.





**Ўтган 3 йилда 1
МИНГ 989 НАФАР,
2019 йилнинг ўзида 859
НАФАР ФУҚАРОГА
нисбатан оқлов ҳукми
чиқарилди. Шунингдек,
2019 йилда 3 МИНГ
81 НАФАР шахс суд
залидан озод қилинган
бўлса, 2 минг 623 нафар
фуқарога асоссиз
қўйилган моддалар
айбловдан чиқарилди
ва ўзгартирилди.**



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши, жамиятнинг барча жабҳалари сингари суд-ҳуқуқ ислохотларини, шу жумладан ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур ҳужжатда, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалалари белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси кенгайтирилди; тергов устидан суд назорати кучайтирилди; адвокат ваколатлари тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтирилди; суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги такомиллаштирилди.

Судларнинг прокуратурадан мустақил, эркин фаолият олиб боришларини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки қадамлар ўзининг натижасини

бераётганини, сўнги уч йил вақт мобайнида оқланган шахслар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди³⁶.

Судлар томонидан 2020 йилда 781 нафар, 2021 йилда 932 нафар, 2022 йилда 1010 нафар ҳамда 2023 йилда 1 минг 244 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинди³⁷.

Ҳаётда ўз номини, шаънини, обрўсини оқлагунча йилларини, ёшлигини, саломатлигини, умрини бой берган инсонларнинг тақдири тасаввур қилинса, оқлов ўта муҳим тушунча эканини англаш қийин эмас.

Мазкур янги ислохотларнинг дастлабки босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони³⁸ қабул қилишдан бошланган эди.

Ушбу фармон билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга



эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини бермоқда.

Илгари, қўшимча терговга қайтарилган ишлар тахлили аксарият ҳолларда улар терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир томонламалиги, жиноятнинг нотўғри квалификация қилиниши, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилганлиги, унинг шахси етарли даражада ўрганилмаганлигини³⁹, инкор этиб бўлмайд.

Шу боис ҳам, ўзини оқламаган, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этадиган бу институтнинг тугатилиши, тизимда амалга оширилаётган демократик ислохотларга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони⁴⁰ асосан, ИИБ Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сонли қарори, инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилиши ҳамда қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка, тергов қилиш жараёнида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда далиллар мақбуллиги талабларига қатъий риоя қилишга, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турлари каби ноқонуний усулларни қўллашни бартараф

этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, қарор ижроси юзасидан ички ишлар органларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилди. Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди⁴¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сонли Фармони⁴², бу борада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш бўйича навбатдаги муҳим босқич бўлди. Мазкур фармон билан процессуал қонунчиликни жиддий бузган ёки ноқонуний услубларни қўллаган ҳолда тўпланган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5441-сон Фармони⁴³ кўра, адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилди, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

³⁷ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01/%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82%20%D0%B6%D0%B8%D0%BD%D0%BE%D1%8F%D1%82%202023%20%D0%B9%D0%B8%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BA.pdf>

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2016 йил 21 октябрь, ПФ-4850-сон. – <http://www.Lex.uz>.

³⁹ Миразов Д. М. Дастлабки терговда контроль ва назорат: тарихий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: монография / Юридик фанлар доктори, профессор Б. Х. Пўлатовнинг умумий таҳририда. – Тошкент: ИИБ Академияси, 2015. – Б. 149.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 10 апрель, ПФ-5005-сон. – <http://www.Lex.uz>.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – <http://ombudsman.uz>.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2017 йил 30 ноябрь, ПФ-5268-сон. – <http://www.Lex.uz>.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 12 май, ПФ-5441-сон. – <http://www.Lex.uz>.



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарорига⁴⁴ кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур қарорда жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш; жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш; жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш; жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш; жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сон Қарорига⁴⁵ асосан, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб, шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилди; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони⁴⁶ кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш; шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш; суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш кабилар тақиқланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки амалдаги қонунчилигимизда гумон қилинувчи жиноят процессининг мустақил иштирокчиси сифатида жиноят ишини юритиш жараёнида иштирок этади ва унинг бу иштироки аниқ вақт билан чегараланмаган. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш билан шахсга нисбатан вужудга келадиган салбий оқибатлар жиноят учун жавобгарликни англатмайди. Улар эҳтиёт шартдан, айбланувчининг ҳақиқий иштирокчини таъминлаш учун амалга оширилади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчилар мақомини аниқлаштириш юзасидан алоҳида қарор расмийлаштириш шарт эмас.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон. — <http://www.Lex.uz>.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил 13 декабрь, ПҚ-4551-сон. — <http://www.Lex.uz>.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 10 август, ПФ-6041-сон. — <http://www.Lex.uz>.



Достон ЭШҚУЛОВ,
Ўзбекистон
Республикаси ИИБ
Малака ошириш
институтини, Юридик
фанлар кафедраси
ўқитувчиси, майор



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

The concept and essence of ensuring human rights in the process of preliminary investigation

→ **АННОТАЦИЯ.** Мақолада дастлабки тергов жараёнларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, унинг аҳамияти ва самарали жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

→ **ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** Конституция, инсон ҳуқуқлари, дастлабки тергов, суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ, эркинлик, жиноят-процессуал қонунчилиги.

→ **ABSTRACT.** The article pays special attention to the concept of human rights and freedoms, their characteristics, significance and effective aspects in the process of preliminary investigation.

→ **KEYWORDS:** Constitution, human rights, preliminary investigation, judicial system, law, freedom, criminal procedure legislation.

Демократик йўлидан ишонч билан одимлаётган Ўзбекистоннинг олий мақсади – давлат ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш экан, мамлакатимизда турли соҳаларда бир қатор ислохотлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноят қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш бугунги кунда давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди. Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу жиҳатлар мустаҳкамлаб қўйилган, яъни: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (ЎР Конституцияси II боб 13-модда).¹

¹ ЎР Конституцияси II боб 13-модда



С

Суд-тергов фаолиятининг дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришдан аввал, инсон ҳуқуқлари ва эркинлари тушунчасининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчага эга бўлиш зарур.

Шахснинг жамият ва давлатдаги реал мавқеини белгилашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи ўта муҳим ҳисобланади. Шунинг учун инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмуни ҳамда моҳиятини изчил ўрганиш, уларнинг хусусиятини аниқлашга имкон беради.

Демократик жамиятда эркинлик ва жавобгарлик ўлчовини ҳуқуқ ифодалайди ҳамда у ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган умуммажбурий қонун-қоидалар тизими бўлиб шаклланган яъни шахснинг ҳуқуқлари - ҳар бир алоҳида шахснинг қадр-қиммати ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қоидалар мажмуасидир.

Албатта, инсон ҳуқуқлари жуда камровли маъно билдиради ва барча шахсларга нисбатан амал қилади. Фуқаронинг ҳуқуқларини эса аниқлаштириш лозим, чунки шахс туғилиши билан табиий ҳуқуқларни олса, давлат фуқароси сифатида у яна маълум бир ҳуқуқлардан фойдалана олади. Бундай ёндашув "инсон ҳуқуқлари" ва "фуқаро ҳуқуқлари" каби тушунчаларни ажратишда қўл келади.

Худди шундай аралашув "ҳуқуқ" ва "эркинлик" ибораларини таҳлил қилишда



Демократик жамиятда эркинлик ва жавобгарлик ўлчовини ҳуқуқ ифодалайди ҳамда у ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган умуммажбурий қонун-қоидалар тизими бўлиб шаклланган яъни шахснинг ҳуқуқлари - ҳар бир алоҳида шахснинг қадр-қиммати ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қоидалар мажмуасидир.

содир этилиши мумкин. Баъзан ҳуқуқлар ва эркинликлар ўртасидаги фарқни ажратиш қийин, масалан, эркинликлар билан сиёсий ҳуқуқлар ўртасида деярли фарқ йўқ. Кенг маънода эркинлик сўзи қонун билан тақиқланмаган, бошқаларга, жамиятга ва давлатга зарар келтирмайдиган ижтимоий муносабатларни амалга ошириш имкониятидир.

Ўз навбатида давлат фақат қонунуний усуллар билан умумий манфаат учун эркинлик чегарасини белгилайди, буни давлат инсон шахс сифатида эркинликсиз мавжуд бўлолмайди деган тушунчадан келиб чиқиб амалга оширади.

Суд-тергов фаолияти бўйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда жиноят-процессуал қонунчилиги динамикасида ҳам давлат томонидан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари ҳамда суд-тергов органларининг бу йўналишдаги жавобгарлиги кучайтирилаётганлини кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6041-сонли Фармонида суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган,² яъни:

¹ ЎР Конституцияси II боб 13-модда



- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

- шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

- жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмининг жорий қилиш.

АЙБСИЗЛИК

презумпциясининг конституциявий даражада янада кенгроқ мустаҳкамланганлиги жамият учун шахснинг шаъни ва кадр-қиммати унинг айби исботидан кўра муҳимлигини англатади. Зеро, Дастлабки тергов жараёнида айбсизлик презумпцияси принципига риоя қилмаслик гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келиш билан бир вақтда ички ишлар органлари обрўсига путур етказиши, натижада фуқароларда қонунга ва давлатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади.

Айтиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг *“Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”*даги 2003 йил, 19-декабрь, 17-сонли Қарорида қайд этилгандек: *“Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахснинг (бундан буён матнда гумон қилинувчи, айбланувчи деб юритилади) ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан бири бўлиб, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди. Суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, суриштирув, тергов органлари ҳамда судлар гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини асосан таъминлаб келмоқдалар”*.³

Дастлабки тергов фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни мазмун-моҳияти ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли хил назарий фикрлар билдирилади, уларнинг мулоҳазаларини тафтиш қилиш ёки ўрганиш дастлабки терговда фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари асоссиз чеклашини олдини олишда амалий ёрдам бериши мумкин, муладан, россиялик тадқиқотчилар Н.И. Сретенцев ва Д.Н. Сретенцевларнинг фикрича: *“Дастлабки терговни ўтказишда, шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормаларини амалга оширишда бир-бирига зид келадиган икки турдаги манфаатлар назарда тутилади: жамоат манфаатлари ва шахсий манфаатлар, шу сабабли жамоат манфаатлари ва шахсий манфаатлар ўртасида мақбул мувозанатни ўрнатиш зарурати туғилади. Бунда, жамоат манфаатларини таъминлаш кўрилатган ишда ҳақиқатга эришиш муаммоларини ҳал қилишдан иборат бўлса, шахсий манфаатларни таъминлашда эса шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилишдан иборатдир”*.⁴

³ ЎР Олий суди пленумининг 2003 йил, 19-декабрь, 17-сонли Қарори

⁴ Сретенцев Н.И., Сретенцев Д.Н. Журнал “Ученые записки Орловского государственного университета” №3 (66), 2015 - <https://cyberleninka.ru/article/n/ohrana-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina-na-stadii-predvaritelnogo-rassledovaniya>



Тадқиқотчи С. Мухаммадиев қайд этишича: *“Жиноят процессида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилинмаслиги терговдаги тизимли камчиликларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Беvosита ушбу турдаги хатоларнинг ўзига хос хусусиятига кўра, гарчи салмоғи 7,4%ни ташкил этсада, бироқ, уларнинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди”*.⁵ Дастлабки тергов фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши деганда процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида шахснинг шаъни, кадр-қиммати, манфаатларига ёки унинг соғлиғига зарар етказилиши тушунилади.

Дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ваколатлар доирасида тегишли орган ходимлари томонидан процессуал ҳаракатларни ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштириш масаласига катта эътибор бериш йўли билан амалга оширилади.

Дастлабки терговда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлашнинг асосий йўналишлари қонунчиликда мустаҳкамланган, улар қуйидагилардан иборат:

- дастлабки терговда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этиш;
- барча процессуал ҳаракатларни қонуний ва сифатли олиб бориш;
- жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларидан фойдаланиш;
- ИИОнинг жиноятларни фош этиш борасидаги, жумладан, дастлабки тергов фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш;
- шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи



муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ва бундай зарарли қилмишлар учун ходимларининг жавобгарлигини кучайтириш;

- дастлабки тергов жараёнида шахсга нисбатан қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи юз берган ходисаларни идоровий ёки махсус оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

- жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация (видеокамера, аудио овоз ёзиш мосламалари) технологияларидан кенг фойдаланиш;

- дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш во бошқалар.

Ўз навбатида таъкидлаш лозим, ҳозирги вақтда дастлабки тергов фаолияти самарадорлигини ошириш учун, ушбу босқичида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун назорат шакллари кенгайтирилган:

- идоровий процессуал назорат;
- прокурор назорати;
- суд назорати;
- жиноят процесси иштирокчиларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишнинг қуйидаги кафолатлари мавжуд:

а) Дастлабки терговда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўйхатидаги шахсий ҳаёт, оилавий сирларнинг дахлсизлиги, турар жой ва ёзишмалар дахлсизлигига риоя этиш;

б) Дастлабки терговда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш;

в) Дастлабки тергов жараёнида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш;

г) Дастлабки тергов фаолиятини назорат қилувчи субъектларга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганда шикоят қилиш имкониятини яратиш.

⁵ “Дастлабки тергов жараёнини такомиллаштиришда терговдаги тизимли камчиликларга барҳам бериш зарурияти” С.Мухаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, 2020 йил



Дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ваколатлар доирасида тегишли орган ходимлари томонидан процессуал ҳаракатларни ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштириш масаласига катта эътибор бериш йўли билан амалга оширилади.



Ююқорида айтилган фикрларга таянган ҳолда тезкор-қидирув фаолиятининг дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш деганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солишчи амалдаги қонунчиликка мувофиқ барча процессуал ҳаракатларни ўтказишда ҳуқуқий нормаларга қатъий ва қаттиқ риоя қилиниши тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланиши эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солишчи қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш, қонуний манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахсларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ушбу фаолиятда идоравий ва

прокурор назоратни олиб бориш орқали йўлга қўйилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, янгилаётган Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки тергов фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини билиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларидан хизмат фаолиятини қонунийлик ва ҳолислик тамойиллари асосида ташкил этишга имкон беради. Суд-тергов фаолияти соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Конституция устуворлиги, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, тергов, айниқса дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтиришга қаратилган навбатдаги муҳим тарихий қадамдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил, 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»даги 2003 йил, 19-декабрь, 17-сонли Қарори
5. «Охрана прав и свобод человека и гражданина на стадии предварительного

- расследования» Сретенцев Н.И., Сретенцев Д.Н. Журнал «Ученые записки Орловского государственного университета» №3 (66), 2015 - <https://cyberleninka.ru/article/n/ohrana-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina-na-stadii-predvaritelnogo-rassledovaniya>
6. «Дастлабки тергов жараёнини такомиллаштиришда терговдаги тизимли камчиликларга барҳам бериш зарурияти» С.Мухаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, 2020 йил.
7. «Суд-тергов фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш - долзарб вазифа» М.Тиллабаев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2020 йил 14 август - <http://pravacheloveka.uz/uz/news/sud-tergov-faoliyatida-inson-huquqlarini-taminlash-dolzarb-vazifa>.



Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш, шубҳасиз, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур жараён мураккаб тусга эга бўлиб, у иштирокчи давлатлар ўртасида ҳуқуқ нормаларининг мувофиқлаштирилганлигига ҳамда улар ўртасидаги муносабатларнинг жорий тенденциясига боғлиқдир. Юридик фанда, бошқа ҳар қандай соҳада бўлгани каби, аниқ тушунчалар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, “шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш” тушунчасини шунга ўхшаш тушунчалар билан солиштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, “топириш”, “чиқариб юбориш”, “депортация” ва “бадарға қилиш” тушунчалари ўзаро фарқларини англаш аҳамиятли, Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва ҳуқуқий оқибатларга эга.



Фирдавс НАСРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ташкилий департаменти Ташкилий-
назорат бошқармаси бош инспектори

ШАХСНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ

ЁКИ ҲУКМИ ИЖРО ЭТИШ УЧУН УШЛАБ БЕРИШ —
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ТУРЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.



Жумладан, Д.Ш. Умархонова “Экстрадиция жиноят содир этган шахсни у ҳудудида бўлган давлат томонидан унинг жинояти туфайли жабр кўрган ёхуд у фуқароси бўлган давлатга уни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм ижросини таъминлаш учун топширишнинг ягона қонуний тартиби сифатида тан олиниши ҳамда уни депортация ва шу каби чиқариб юборишга оид институтлар билан чалкаштирмаслик жоиз” деб таъкидлаб ўтган.

Бироқ, соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган сўров натижалари аксарият ходимлар ушбу тушунчаларни бир хил деб ҳисоблашини кўрсатади.

Шу боис, уларнинг моҳиятини чуқур тадқиқ этиш зарур.

Хусусан, даставвал “ушлаб бериш” жараёнини мураккаб ҳуқуқий ҳолат сифатида, халқаро ва ички давлат ҳуқуқи каби ўзаро боғлиқ икки мустақил ҳуқуқий тизимга асосланган жараён сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий институт тушунчаси қуйидагича талқин этилади: ўзига хос усул ва воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларнинг бир турини ёки жиҳатини тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий нормалар мажмуаси, ёки “муайян ҳуқуқий муносабатни

№	Юридик термин	Тавсифи
1	Хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни бадарға қилиш	Бу билан уларни давлатдан чиқариб юбориш назарда тутилади. Бу жараён шахснинг мамлакатни белгиланган муддатда тарк этиши тўғрисидаги оддий кўрсатма ёки мажбурий тартибда амалга оширилади
2	Шахсни давлат ҳудудидан чиқариб юбориш	Давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки жиноий фаолият билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бу чора Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳам, хорижий давлат фуқароларига ҳам нисбатан бирдек қўлланилиши мумкин
3	Шахсни депортация қилиш	Жамоат тартиби, миллий хавфсизликка таҳдид солган ёки Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлиб, Шахсни депортация қилиш кўпинча назорат остида амалга оширилади.
4	Шахсни экстрадиция қилиш	Халқаро ҳуқуқда жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун бир давлатдан иккинчи давлатга бериш. Шахсни беришнинг шартлари ва тартиби халқаро шартномалар ҳамда миллий қонунчилик асосида белгиланади



Халқаро ҳуқуқий ҳамкорликда тушунчаларни аниқ ажратиш



белгилорчи нормалар тўплами", ёхуд соҳа предметини ташкил этувчи гуруҳ доирасидаги алоҳида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси.

Шунингдек, профессор С.С. Алексеевнинг қуйидаги фикри ўринлидир: "Агар юридик норма ҳуқуқий материянинг бошланғич элементи, ҳужайраси бўлса, ҳуқуқий институт ҳуқуқий умумийликни ўзида мужассам этади"

Умуман олганда ҳуқуқий институтнинг қуйидаги белгилари "ушлаб бериш" процессида тўла акс этади:

- юридик бирликка, яъни умумий ҳуқуқий тушунчалардан фойдаланишда ифодаланадиган мазмун яхлитлиги, шунингдек, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ягона ҳуқуқий ечимига эгалиги;

- муайян ижтимоий муносабатлар мажмуини яъни, "шахс ушлаш", "уни сақлаш", "топшириш", ва "қабул" қилиш элементлари ва бошқа қуйи элементлардан таркиб топган ҳуқуқий нормаларни қамраб олиб, уларни тўлиқ ва ҳар томонлама тартибга солишга қаратилганлиги;

- юқорида ҳар бир элементни муайян норма сифатида алоҳида ажратиш кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги.

Ҳуқуқий институт қуйидаги бошқа хусусиятларга ҳам эга: ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос усули, нисбий мустақиллик, алоҳида ҳодисалар

доирасида умумий тушунчаларни шакллантириш имконияти шулар жумласидан.

Мустақил ҳуқуқий институт сифатида қаралар экан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш бўйича ҳуқуқий муносабатлар, уларни жиноят ишлари бўйича суд ишларни юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликда юзага келадиган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан (ўзаро ҳуқуқий ёрдам, шахсни у фуқароси бўлган давлат жазони ўташ учун топшириш ва бошқалар)га ажратиш имконини берадиган муайян ўзига хослик ва бир хилликка эга.

Хусусан, хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органи томонидан келиб тушган топшириш тўғрисидаги сўровнинг меъёрий мазмунидан, шунингдек, хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровини юборишнинг қонидаси мавжуд. Жумладан, шахсни ушлаб бериш қонуний кучга кирган ҳукмнинг тасдиқланган нусхаси ва ўталмаган жазо муддати тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлмаса амалга оширилиши мумкин эмас.

Қолаверса, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб беришда "ant dedere aut judicare" тамойили мавжуд бўлиб, жиноят содир этган шахс у ушланган мамлакатда ёки жиноят содир этилган мамлакатда ёхуд жиноятдан кўпроқ жабрланган мамлакатда жазога тортилиши лозим.



Шахсни ушлаб туриш, уни жиноий жавобгарликка тортиш ва уни топширган давлатнинг шахсга нисбатан сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда суд муҳокамаси тугаганидан ва жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарк эта олишини, Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширмаслигини ёхуд ушлаб бермаслигини, худди шунингдек, қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини каби асосларга таянади.

Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги чегараларини белгиловчи нормалар мавжуд, Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги хорижий давлатнинг ваколатли идораларининг сўровини бажариш жараёнини тартибга солувчи қоидалар, шахсни ушлаб беришга имкон берувчи шартларга асосланади. Ушбу қоидалар, шахсни ушлаб туриш, уни жиноий жавобгарликка тортиш ва уни топширган давлатнинг шахсга нисбатан сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда суд муҳокамаси тугаганидан ва жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарк эта олишини, Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширмаслигини ёхуд ушлаб бермаслигини, худди шунингдек, қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини каби асосларга таянади. Мазкур нормалар шахсни ушлаб бериш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг бир хиллигига

эга бўлиб, уларнинг барчаси ягона тизимни ташкил этади.

Жиноятларни тергов қилишда халқаро ҳамкорлик доирасида бирон-бир давлат ҳудудидида жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш алоҳида ўрин эгаллайди: “халқаро ҳамкорликнинг бу шакли орқали амалда энг муҳим умумий қадриятларни ҳимоя қилишнинг деярли универсал тизимига эришилади ва оғир жиноятларни содир этган айбдорлар қаерда бўлишидан ҳамда улар яширинаётган давлат уларни жиноий жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлса-бўлмаса қатъий назар, жазоланишининг жиддий кафолатлари таъминланади”.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда “шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш” тушунчасининг қонуний таърифи мавжуд эмас. Бироқ, замонавий ҳуқуқшунослик илмида ушбу атаманинг кўплаб илмий таърифлари таклиф этилмоқда.

М.Д.Шаргородский ушлаб беришни қуйидагича таърифлаган: “Айбдор шахс турган давлатнинг уни бошқа бир давлатга, судда ишни кўриб чиқиш ёки жазони қўллаш учун топшириш”.



Ушбу фикрларни олимлар В.К.Звирбул ва В.П. Шупилов ҳам қўллаб-қувватлаган, уни энг мақбул деб ҳисоблаганлар. Шу билан бирга, улар ўз талқинларини ҳам таклиф этишган: “Жиноятчиларни топшириш-бу махсус шартномалар қоидалари ҳамда миллий жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳаракати бўлиб, у жиноятчини бошқа давлатга суд қилиш ёки чиқарилган ҳукмни ижро этиш учун топширишдан иборат”.

Ушбу таъриф ҳақиқатга мувофиқ чунки ҳар бир ҳолатда шахсни топшириш тартиби икки давлат ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ички қонун-қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ўзаро келишилган нормалари мажмуи билан тартибга солинади.

Профессор Р.М.Валеев шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш халқаро шартномадан ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларга асосланган ҳуқуқий ёрдам акти сифатида таърифлайди. Бу акт айбланувчи ёки маҳкумни у турган давлат томонидан уни талаб қилаётган давлатга топширишдан иборат. Бунда сўралаётган шахс жиноят содир этган ёки фуқароси

бўлган ёхуд жиноий ҳаракатдан жабр кўрган давлатга жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш мақсадида топширилади.

М.Р.Валеевнинг шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш бўйича фикри бўйича бошқа олимлар томонидан ҳам тўлдирмоқда.

Хусусан, профессор Т.Н.Маскалкованинг фикрича, “топшириш” тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади: жиноят содир этган шахсни, у турган давлат томонидан, жиноят содир этилган ёки ўша шахс фуқароси бўлган сўровчи давлатга қайтариш. Бу жараён мазкур шахсга нисбатан тергов ва одил судловни амалга ошириш мақсадида бажарилади. Шунингдек, топширишдан олдин ушбу айбланувчи ёки гумонланувчини қидириш, ушлаш ва қамоққа олиш ҳаракатлари ҳам шу тушунчага кирди.

Келтирилган таърифларда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб беришнинг амалий асослари очиб берилмаган. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ушлаб бериш нафақат ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш акти, балки тегишли давлатнинг ваколатли органлари томонидан шахсни бошқа давлатга мажбурий тарзда топшириш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуаси ҳам ҳисобланади.



Профессор И.И.Лукашук шундай ёзади: “Халқаро ҳуқуқда топшириш ёки экстрадиция деганда жиноят содир этган шахсни (гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчини) жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган айблов ҳукмини ижро этиш мақсадида бир давлат томонидан бошқа давлатга ўтказиш тушунилади”. Бироқ, олим ушбу таърифда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмини ижро этиш учун ушлаб беришни амалга ошириш мақсадларини акс эттирмаган, у қандай асосда амалга оширилишини кўрсатмаган ва талабнинг қанчалик зарурлигини таъкидламаган.




Шахсни ушлаб беришнинг энг умумий ва кенг тарқалган таърифи қуйидагича: “Ушлаб бериш жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва ёки жазони ўташ учун бир (сўралаётган) давлат томонидан бошқа (сўралаётган) давлатга ўтказишни тартибга солувчи норматив кўрсатмалар йиғиндисидир”.

Шахсни ушлаб беришнинг энг умумий ва кенг тарқалган таърифи қуйидагича: “Ушлаб бериш жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва ёки жазони ўташ учун бир (сўралаётган) давлат томонидан бошқа (сўралаётган) давлатга ўтказишни тартибга солувчи норматив кўрсатмалар йиғиндисидир”.

Давлатларнинг ҳамкорлигида амалга оширилган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш турларидан бири – жиноятчини ушлаб қайтариб бериш, дастлабки тергов органларининг хорижий давлатлар ваколатли органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ҳамкорлигидир. Д.А.Кошкин томонидан билдирилган фикрга кўра, “экстрадициянинг моҳиятини жиноят содир этган шахсни халқаро ташкилотга (Халқаро жиноят суди ёки Халқаро трибуналга) жиноий жавобгарликка тортиш учун етказиб бериш” деб ҳисоблайди.

Юқорида билидирилган фикрларга кўра, “жиноят содир этган шахсни топшириш” атамасини қўллаш тўғри эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бу айбсизлик презумпцияси конституциявий, жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи тамойилларини бузади. Бу тамойилга кўра, “жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади” (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси 1-банди).

Шунингдек, Жиноят ҳуқуқида “Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга ҳилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас” (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 4-моддаси 2-банди).





Акс ҳолда, суд ҳукми чиқарилишида олдин шахснинг айблилиги масаласи олдиндан ҳал қилинган бўлади. Бундан ташқари, нафақат ҳукм қилинган шахс, балки айбланувчи ва гумонланувчи ҳам жиноят содир этишда айбдорлиги жиноят-процессуал қонунда кўрсатилган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 23-моддаси 1-банди).

Шахсни топширишни белгилаш “жиноятчи” атамасидан фойдаланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид, чунки кўп ҳолларда шахснинг жиноят содир этганлиги ҳали аниқланмаган бўлади ва шу сабабли бу атамани қўллаш ноқонуний ҳисобланади. Хусусан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасидаги халқаро конвенциялар ва шартномаларда “шахсни топшириш” ёки “жиноят содир этишда гумонланаётган, айбланаётган шахсни топшириш” иборалари қўлланилади. Халқаро ҳамкорлик доирасида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш масалаларини кўриб чиқишда айнан шу қондани асос қилиб олиш лозим.

Ушбу фикр Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 2008 йил

24 апрелдаги қарорига, шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конференцияси, Вена, 1993 йил, Вена декларацияси ва ҳаракат дастурининг

4-бандида қайд этилганидек, “БМТнинг мақсади ва тамойиллари, хусусан, халқаро ҳамкорликнинг мустақамлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга БМТнинг энг асосий мақсади сифатида қараш

лозим. Бу мақсад ва тамойиллар доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш халқаро ҳамжамиятнинг қонуний манфаатидадир”, мос келади. Унда айбсизлик презумпцияси жиноят иши бўйича адолатли суд муҳокамасининг ажралмас элементи эканлиги таъкидланган. У суд ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан “жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча” унинг айбдорлиги ҳақида вақтидан олдин фикр билдиришини тақиқлашдан иборат. Жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда тан исботланмагунча суд ёки бошқа мансабдор шахслар унинг айбдорлиги ҳақида фикр билдирса, айбсизлик презумпцияси бузилган ҳисобланади. Европа суди шахс жиноятда айбдор деб топилмасидан олдин мансабдор шахсларининг баёнотларида қўлланилган сўз ва ибораларнинг ғоят муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш масаласига оид турли мушоҳадаларни кўриб чиққан ҳолда, шахсни топширишнинг қуйидаги таърифини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш - халқаро ва миллий қонунчиликка асосланган, жиноят содир этганликда гумонланаётган, айбланаётган ёки ҳукм қилинган шахсни (талаб мавжуд бўлган тақдирда) топширишга қаратилган қидириш, ушлаш ва топшириши каби процессуал ҳаракатлар мажмуи.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб беришни у жойлашган ёки жиноят содир этган давлатда, бундан ташқари, жиноий ҳаракатлари натижасида энг кўп зарар кўрган давлатга, мазкур шахснинг фуқароси бўлган давлатга жиноий жавобгарликка тортиш ёхуд ҳукми ижро этиш мақсадида топширишни амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб беришни билан боғлиқ масалалар қуйидагилар томонидан тартибга солинади:





Кўп томонлама ва икки томонлама халқаро конвенциялар, вазирлик идоралар ўртасидаги ҳамда ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар орқали, уларда иштирок этувчи томонлар шахсларни топшириш шартлари ва тартибини белгилайди.

Бундай ҳужжатларга 1957 йилдаги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенцияси (1975 ва 1978 йиллардаги иккита Қўшимча протокол билан), 2008 йилдаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома, 1993 йилдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенцияси, 2001 йилдаги Кишинев конвенциялари, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотлари, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотларнинг хорижий давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар киради.

Шартномадаги давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида булар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 15, 23, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 14-бўлим Жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик, 65-бобида Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш, умумий қоидалари ва у билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи ваколатли муассасалар ёки мансабдор шахсларнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, амалиётда давлатлар ўртасида ўзаро келишув асосида амалга оширилади. Унинг моҳияти шундаки, шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижросини амалга ошириш давомида бир давлат томонидан бошқасига нисбатан ихтиёрий равишда амалга ошириладиган ҳаракат бўлиб, бунда ўзига ҳам келгусида худди шундай турдаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига умид қилади.

Шахсни ушлаб беришни қуйидаги мақсадларга ажратиш мумкин:

- ◆ жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишда, унинг жиноий қилмишида содир этган ҳаракати учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилишни назарда тутувчи жазо бўлса;

- ◆ суд томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган, олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ундан оғирроқ жазони назарда тутувчи ҳукмни, мазкур жазони ўтамаган шахсга нисбатан.



2001

йилдаги Кишинев конвенциялари, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотлари, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотларнинг хорижий давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар киради.

Ўзбекистон Республикаси қуйидаги субъектларга нисбатан хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юбориши мумкин: ўзига нисбатан жиноят иши кўзғатилган, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган ёки айб эълон қилингунга қадар эҳтиёт чораси қўлланилган ёхуд жиноят содир этганликда гумон қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган гумон қилинувчи; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган, айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси тақдим этилган айбланувчи; Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди томонидан кўриб чиқиладиган жиноят иши

бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар хорижий давлат ҳудудида яширинган судланувчи, шунингдек, суд томонидан айблов ҳукми чиқарилганда ва қонуний кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган судланувчи.

Баъзи муаллифлар, жумладан А.Е. Косарева, гумонланувчини ушлаб бериш субъектлари қаторига киритмайди. Бизнинг фикримизча, бу нуқтаи назар тўлиқ тўғри эмас, чунки ушлаб беришнинг процессуал-ҳуқуқий тартиби ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: жиноят содир этишда гумонланаётган, айбланаётган ёки ҳукм қилинган шахсни ушлаб бериш ва бундан воз кечиш асослари; ушлаб бериш тўғрисидаги сўровнинг процессуал шакли;



ушлаб бериш ҳақидаги халқаро сўровномани юбориш ва бажариш тартиби; ушлаб берилиши лозим бўлган гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчини ушлаб туриш ва қамоққа олишнинг асослари ҳамда тартиби; ушлаб берилаётган шахсни бир давлатдан бошқасига топшириш жараёни.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш:

халқаро ҳамкорлик соҳасида алоҳида муҳим ўрин тўтади, чунки у халқаро ва миллий жиноятларни содир этган шахсларни тергов қилиш ва жазолашга ёрдам беради, шунингдек, давлатларга ушбу соҳада тажриба алмашиш имкониятини яратади. Бу эса ички ва халқаро ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадига хизмат қилади;

мураккаб ҳуқуқий жараён сифатида намоён бўлади, чунки у ўзаро таъсир кўрсатадиган ва бир-бирини тўлдирадиган халқаро ва

ФОЙДАЛАНГАН

1. Э.Нуриддинов, И.Игамбердиев Тарихий ва ижтимоий-сиёсий сўз ва атамаларнинг изоҳли луғати. Тошкент-2021, 47 б
2. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 25.04.2016 йилдаги ЎРҚ-405-сон қонуни, <https://lex.uz/docs/2937151>
3. Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 15.11.2024 йилдаги ЎРҚ-998-сон қонуни «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги <https://lex.uz/ru/docs/7220850>
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/ekstraditsiya-uz/>
5. Д.Мусаев, Д.Саттаров, А.Муминов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона институти халқаро ҳуқуқ ўқув қўлланма 225-бет (<https://yurkitob.uz/uploads/pdf/adv/77.pdf>)
6. Умархонова Д.Ш., Экстрадиция бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик монография. Тошкент-2010, 100 б
7. Қаранг: <https://izoh.uz/uz/word/institut>
8. Қаранг: Дембо Л.И О принципах построения системы прав // Советской государство и право . 1956 й 93 б
9. Қаранг: Киримова Е.А Правовой институт (теоретико-правовое исследование): автореф. дис . канд. Юрид. наук Саратов, 1998. 15 б
10. Дембо Л.И. Указ. Соч 94 б
11. Қранг: Теория государства и права / по ред. А.И.Денисова М., 1967. 311-312 б
12. Алексеев С.С. Структура советского права М., 1975. С 119
13. Қаранг: Таран А.Н. Отмена приговора судом кассационной инстанции и направление уголовного дела на новое судебной разберательство как подинститут: дис. кан юрид наук Краснадар 2004. С 22
14. Велчев Б. Политические преступления в международном уголовном праве // Международная жизнь. 1999 № 5 79-80 б
15. Шаргородский М.Д. Выдача преступников



давлатнинг ички ҳуқуқ тизимларининг нормаларига асослангандир;

Халқаро ва миллий ҳуқуқ таъминлари ҳамда нормаларига асосланган, изчил равишда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар бўлиб, талаб мавжуд бўлганда, ушлаб беришни назарда тутилган жиноятни содир этишда гумонланаётган ёки айбланаётган шахсни ёхуд судланувчини жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушбу шахс жойлашган давлат томонидан жиноят содир этилган давлатга, жиноятдан энг кўп зарар кўрган давлатга ёки ушбу шахс фуқароси бўлган давлатга топширишга қаратилган. Бу жараён мазкур шахсга нисбатан тергов қилиш ва ишни суд томонидан кўриб чиқиш, шунингдек, топширишдан олдин уни қидириш, ушлаш ва қамоққа олиш учун ҳам амалга оширилади;

халқаро шартномалар ва ички давлат қонунчилиги билан белгиланиб, иштирокчи давлатлар халқаро ва миллий жиноятларга қарши курашиш учун ўзлари учун мақбул ва зарур деб ҳисоблаган қисмда қўлланилади. Бунда, тегишли шартлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат шахсни топширишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади;

ҳамкорлик қилаётган давлатлар томонидан жиноят содир этишда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки бундай шахсларга нисбатан суд томонидан тайинланган жазони қўллаш учун фойдаланилади;

бу фақатгина гумонланувчи, айбланувчи ёки ҳукм қилинган шахсларни топшириш керак бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади, бундай субъектлар фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш – халқаро ҳамкорликнинг муҳим ҳуқуқий механизми бўлиб, давлатлар ўртасида жиноятчиларни топшириш ва жазолашни таъминлайди. Бу жараён халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликка асосланиб, давлат суверенитети ва инсон ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ушлаб бериш тизими жиноятчиликка қарши курашда самарали восита бўлиб, адолат ва жазо муқаррарлигини таъминлаш ва халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- и право убежища в международном праве // Вестник Ленинградский университета. 1947. № 8 С. 24.
16. Звирбуль В.К., Шупилов В.П. Выдача уголовных преступников. М., 1974. С 6
17. Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве. Казань, 1976; Международное уголовное право / под. общ. ред. В.Н. Кудрявцева. М., 1999, с. 28-29
18. Научно-практический комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / под общ. ред В.М. Лебедева. М., 2004. С 783-784
19. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть. М., 1997 С.261
20. Коняхин В. Институт экстрадиции: уголовного-правовая регламентация // Законность. 2005. № 1. С. 24.
21. Брюков П.Н. Международное сотрудничество в борьбе с преступностью и правовая система РФ.- Воронеж, - с. 173.
22. Кошкин Д.А. Современный тенденции развития и совершенствования судебной процедуры экстрадиции лиц, совершивших преступления террористического характера, посредством ее унификации // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2017 № 2. С. 2.
23. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари /Парламент аъзолари учун қўлланма. Тошкент. 2019. 27-бет
24. Қаранг: Постановления Европейского Суда по правам человека от 24 апреля 2008 г по делу «Исмаилов и другие против России», жалоба № 2947/06 // Российская хроника Европейского Суда, 2009. № 2
25. Қаранг: Воложенкина В.М. Применение норм международного права в российском уголовном процессе (проблема теории и практики): дис. ... канд. Юрид. наук. М., 1999. С-197
26. Косарева А.Е. Выдача лица для уголовного преследования или исполнения приговора в российском судопроизводстве: автореф. дис.. канд. юрид. наук.СПб., 2005. С.16



ПРОКУРОР.

КРИМИНАЛИСТ ИНСТИТУТИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

FORENSIC - PROSECUTOR INSTITUTE LEGAL NATURE.



Бекзод РАЖАБОВ,
*Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
катта ўқитувчиси
ТДЮУ мустақил изланувчиси*

Bekzod RAJABOV,
*Law enforcement academy of the Republic of
Uzbekistan senior teacher, TSUL independent
researcher*

→ **АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада прокурор-криминалист тушунчаси, унинг юридик табиати, функциялари, вазифалари, прокуратура тергови сифатини оширишдаги ўрни, бу борада олимларнинг қарашлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокурор-криминалист фаолиятини тартибга солишга оид нормалар таҳлили муҳокама қилинган. Шунингдек, прокурор-криминалистнинг вазифалари бўйича миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, ушбу институт борасида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, айрим қонун ҳужжатларида таклиф ва тавсиялар берилган.

→ **КАЛИТ СЎЗЛАР:** прокурор-криминалист, терговчи, эксперт, мутахассис, терговчи-криминалист, тергов сифати, тергов қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, тергов амалиётига илмий асосланган усулларни жорий этиш.

→ **ABSTRACT:** This article examines the essence of the position of a criminalist prosecutor, its legal nature, functions, purpose, its role in improving the quality of investigations in the prosecutor's office, the opinions of scientists on this issue, the analysis of norms related to the regulation of the activities of a criminalist prosecutor in normative legal acts. The opinions of domestic and foreign scientists on the tasks of a criminalist prosecutor were also analyzed and a definition of authorship in relation to this institution was developed, suggestions and recommendations were made to some legislative acts.

→ **KEY WORDS:** forensic-prosecutor, investigator, expert, specialist, forensic-investigator, the quality of the investigation, providing practical assistance in the investigation, practical implementation of scientifically based investigative methods.



«Прокурор – криминалист» атамаси «Прокурор» ва «криминалист» сўзларининг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган тушунчадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади¹. Ушбу конституциявий нормада прокурорнинг асосий назорат функцияси ифодаланган.

Бироқ, кўпгина юридик адабиётларда, прокурорнинг уч асосий функцияси яъни назорат, тергов ва айблов функциясига эга эканлиги қайд этилади².

Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов соҳасида прокурор ўз ваколатлари доирасида назоратни таъминлаши – назорат функциясини, прокурорнинг жиноят ишларини тергов қилиш ваколатига эгалиги – тергов функциясини, жиноят ишлари бўйича судлардаги давлат айбловини қўллаб-қувватлашдаги иштирокини – айблов функцияларини билдиради³.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддасига кўра, Қонуннинг турли моддаларида ишлатилган «Прокурор» сўзлари асосан, ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорлари, қуйи турувчи ва уларга тенглаштирилган прокурорларни тушуниш кераклиги ҳақида изоҳ берилган⁴.

Маълумки, «криминалист» – жиноят содир этилган жойдаги далилларни тўплайди, текширади ва таҳлил қилади.

Содда қилиб айтганда, қўлқоп,

ниқоб, комбинзон кийган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойга кириб, унинг ҳар бир миллиметрини ўрганадиган махсус билимга эга бўлган мутахассисдир⁵.

Жиноятчи томонидан қолдирилган изларни топишга, уларни тегишли тартибда расмийлаштириб олиш бўйича терговчига кўмаклашиши орқали жиноятни фош этишда маъсулият билан ёндашадиган махсус билимли шахс.

Криминалист фаолиятида терговчи, эксперт, мутахассиснинг айрим вазифа ва функцияларини ўзида мужассам этиб, жиноятчи томонидан содир этилган ҳаракатлар кетма-кетлиги, ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятни қайта тиклаш орқали жиноятчи қолдирган далилларни синчковлик билан кўзга кўринмас одам каби ҳаракат қилиб, далилларни излаб топиш унинг асосий вазифаси саналанади.

¹ <https://lex.uz/docs/6445145>
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 143-модда.

² О.М.Мадалиев. Прокурор назорати: Дарслик Умумий қисм/ З.Ф.Иноғомжонов ва масъул муҳаррир -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -424 бет

³ Изох: Прокурорнинг жиноят иши устидан процессуал назорат, терговга раҳбарлик ва терговни шахсан амалга ошириш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33, 34, 243, 382-388, 558, 589-моддаларида, судда давлат айбловини қўллаб қувватлаш ваколати ЖПКнинг 409-моддасида белгиланган.

⁴ Раҳимов Ф.Х., Комилов А.Б. ва бошқа муаллифлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. Рисола // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 2024 й. «Букманин принт» нашриёти 2024 йил. 332-333-бетлар.

⁵ <https://proektoria.online/catalog/professions/kriminalist>



Рус криминалист олими А.Волынский, тезкор-қидирув бўлими ходими, суд-тиббийёт эксперти, эксперт-криминалист лавозимини эгаллаган ходимнинг функциялари прокурор-криминалист функциясига ўхшашлигини таъкидлаб, уларнинг асосий вазифаси терговчи, тезкор-қидирув фаолияти ходимларига криминалистик-техника воситаларини қўллашда кундалик ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, уларнинг ушбу илмий-техника воситаларини қўллаш бўйича махсус билимларини ҳам ошириб боришни уларнинг вазифаси сифатида кўрсатган⁶.

«Криминалист» фаолияти кўпчилик учун жуда ҳам ёпиқ бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойда илмий-техника воситаларини қўллаш, криминалистика соҳасидаги махсус билими орқали олган ашёвий далилни махсус криминалистика лабораториясида қўшимча равишда таҳлил қилади.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ашёвий далиллар билан жиноятчи ўртасидаги сабабий боғлиқликни топиш учун илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда (микроскоп остида) жиноят содир бўлган жойдан олинган далилларни алоҳида-алоҳида ўрганади.

Келгусида жиноятни фош этилиши бўйича терговчиға экспертизанинг қайси турини тайинлаш ҳақида маслаҳат бериб, жиноятни фош этишнинг усулларини бевосита кўрсатади.

Криминалист криминалистика, моддий ва процессуал ҳуқуқ назарияси, жиноятларни тергов қилиш услуги, далиллар назарияси, суд-экспертиза каби фан соҳалари бўйича махсус билимга эга бўлиши талаб қилинади⁷.

Айниқса, криминалистдан экспертиза, эксперимент, таҳлил ва тадқиқотлар ўтказишга оид махсус билим талаб қилинади.



«Криминалист» фаолияти кўпчилик учун жуда ҳам ёпиқ бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойда илмий-техника воситаларини қўллаш, криминалистика соҳасидаги махсус билими орқали олган ашёвий далилни махсус криминалистика лабораториясида қўшимча равишда таҳлил қилади.

Қозоғистон Республикаси Қостанай вилоят прокуратурасининг прокурор-криминалисти Э.Молдаспаев⁸, жиноятларни фош этиш амалиётига замонавий имкониятларни жорий этиш, терговчиларға услубий ёрдам кўрсатиш, илмий-техник воситалар, криминалистик тактика, суд-экспертиза имкониятларидан фойдаланишга доир методик ёрдам кўрсатиш, оғир ва резонансли жиноятларни тергов қилиш учун тузилган тергов гуруҳиға раҳбарликни амалға ошириш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларига иштирок этиш (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш), жиноят изларини ва бошқа ашёвий далилларни топиш учун махсус криминалистик-техника воситаларидан фойдаланиш, тергов гуруҳи аъзолари томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда зарур мутахассисларни жалб этилишини таъминлаш, ашёвий далилларнинг дастлабки текширувида иштирок этиш, эксперт тадқиқоти учун материалларни тайёрлаш, эксперт муассасаларини танлаш, экспертиза тайинлаш учун муҳим саволларни шакллантиришда қатнашиш, эксперт хулосасини баҳолаш прокурор-криминалистнинг асосий вазифаси эканлигини, тергов гуруҳи фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш, прокурор-криминалистлар томонидан жиноятларни фош этилиши кўп жиҳатдан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишға боғлиқлигини, ҳодиса содир бўлган жойни текшириш тартиби унинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлашға доир терговчиға тавсиялар

⁶ Волынский А.Ф. Техничко-криминалистическое обеспечение раскрытия и расследования преступлений: проблемы и пути их решения// Материалы научно-практической конференции.-М.,1994.-С.123
⁷ https://ceur.ru/library/articles/obshhie_statii/item133874/

⁸ Е.Молдаспаев. Роль прокурора-криминалиста в проведении следственных действий и расследовании преступления. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31085608&pos=6;-106#pos=6;-106



бериш, текшириш объектларини текшириш усулларини кўрсатиш, ҳодиса содир бўлган жойни бутун қисмини фотосуратга олиш, видеотасвирга тушириш, режа ва схемалар тузиш, изларни қайд этиш ва расмийлаштириш, криминалистик техник воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширишни ташкил қилиши, прокурор-криминалистда криминалистик-техник воситалар (криминалист чемоданидаги техника воситалар) доимий равишда шай, соз ва бут ҳолатда бўлиши лозим” деб таъкидлайди.

Рус олими О.В.Синеокий прокурор-криминалист касбининг психо-акмеологик жиҳатларини яъни икки томонламалигини қайд этиб, унинг терговчиларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиши, прокурор-криминалистнинг методик тавсиялар ишлаб чиқиши бугунги инновацион ишлар учун асос бўлиб хизмат қилишини, терговчи ва прокурор-криминалистнинг процессуал ваколатлари қисман ва бир бутун сифатида ўзаро бири-бирига боғлиқлигини, прокурор-криминалистлар жиноят ишини тўлиқ тергов қилиш ваколатига эга бўлишини, «АСМЕ» нинг энг юқори шакли яъни тергов ҳаракатларида янги технологияларни қўллаш, инновацион ғоялар асосида тергов методикасини яратиш прокурор-криминалистлар фаолияти асосини ташкил қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Ҳуқуқшунос олим О.В.Синеокий прокурор-криминалист касбининг ўзига хос акмеологик жиҳатларини



ПРОКУРОР-

прокурор-криминалист ўз касбий вазифасини такомиллаштириб бориши унинг акмеологик хусусияти эга бўлиши билан боғлиқ деб кўрсатади ва қуйидаги вазифаларни мунтазам равишда амалга ошириб бориши лозим

юқори ҳиссий (мантикий-психологик) интегсивлик ва шахслараро мулоқотнинг мураккаблик хусусиятларини акмеологик концепциянинг асоси сифатида эътироф этади.

Шунингдек, прокурор-криминалист ўз касбий вазифасини такомиллаштириб бориши унинг акмеологик хусусияти эга бўлиши билан боғлиқ деб кўрсатади ва қуйидаги вазифаларни мунтазам равишда амалга ошириб бориши лозимлигини қайд этади.

БИРИНЧИДАН, прокуратура терговчиларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш даражасини оптималлаштириш (стратегик вазифа);

ИККИНЧИДАН, дастлабки тергов босқичида қонунийликка риоя қилишни таъминловчи назорат қилувчи прокурорнинг процессуал ваколатларини такомиллаштириш (тактик вазифалар);

УЧИНЧИДАН, жиноят ишларини юритиш ва тергов қилишда инновацион технологияларни қўллаш ва илмий услубий тавсияларни тергов амалиётига жорий этиб, оммалаштириш (технологик вазифалар).

Ҳуқуқшунос олим О.В.Синеокий прокурор-криминалистнинг икки томонлама профессионаллик хусусияти схемасини тузиб, унинг фаолиятида прокурорнинг процессуал ваколатлари билан криминалистнинг профессионал вазифалари ўзаро мужассамлашганлигини, ташкилий-технологик ва инновацион педагогик ёрдам кўрсатиб боришини, ушбу вазифаларни амалга оширишда прокурор-криминалист иш фаолиятини амалий ишончлилик (алоҳида муҳим





**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорнинг
2021 йил 12 июлдаги
«Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Прокуратура органлари
тергов тармоқлари фаолияти
устидан назорат бошқармаси
тўғрисидаги Низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги 243-сонли
буйруғининг иловасида,
прокурор-криминалистнинг
вазифалари назарда тутилган.**



ишларда), услубий самарадорлик (семинар, стажировкада) тамойиллари асосида ташкил қилиши лозимлигини, терговчиларга тезкор-хизмат кўрсатиш ва процессуал ваколатлардан фойдаланиш, акмеологик шароитларга мос ҳаракат қилиш (билим, малака, янгилик, таълим, қайта тайёрлаш), яқка мини вазифалар (прокурор-криминалист сифатида), коллективлик максивазифалар (тезкор тергов-гуруҳи аъзоси сифати) унинг фаолиятига хос белгилардир⁹ деб таъкидлайди.

Рус олими М.А.Михайлов ва И.Ф.Патраш прокурор-криминалистлар терговчиларга ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси, ҳодиса жойида илмий-техника воситаларни қўллаш, излар ва ашёвий далилларни аниқлаш, расмийлаштиришга доир билимларни ўргатадиган шахс¹⁰ сифатида эътироф этиб, прокурор-криминалист томонидан қотиллик жинояти содир бўлган жойни кўздан кечириш сифати ва самарадорлигини таъминлашда, терговчи олдига қўйидаги вазифаларни қўяди: зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш, кечиктирилган тақдирда далиллар йўқотилиши мумкинлигини тушуниши, ҳодиса жойини кўздан кечиришдан (текширишдан) олдин ҳодиса ҳақида барча маълумотлардан хабардор бўлиш, бегона шахсларни, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ишга алоқаси бўлмаган ҳар қандай шахсларни ҳодиса содир бўлган жойдан чиқариш,

◆ ҳодиса содир бўлган жойдаги мавжуд изларнинг йўқолиб кетишини олдини олиш, терговчи кўздан кечириш учун масъуллигини ёдда тутиши,

◆ ҳодиса жойида ишлаш учун зарур шароитлар яратиш, кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, тизимли ва услубий ҳаракатлар қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган вазиятни умумий бир бутунликда баҳолаш, ҳодиса механизмини тушунишга ҳаракат қилиш, мантиқий ва далилларнинг жойлашувига кўра тергов тусмолларини илгари суриш ва тергов версияларини текшириш, тахминлар тўғрисида ҳеч кимга гапирмаслик, бошқалар билан мунозарага кирмаслик, текширув ўтказишдан мақсад терговчининг вазифасига киради деган фикр билан

эмас балки, жиноятни фош этишим керак деган назар билан кўздан кечириш, жиноятнинг иссиқ изидан фош этилишини таъминлаш учун аниқланган фактлардан фойдаланиш каби фикрларни илгари суришган¹⁰.

В.К.Толоконников ва М.А.Баргесянлар, прокурор-криминалист фаолиятини уч йўналишга ажратган:

◆ ўта оғир ва мураккаб жиноятларни фош этиш, тергов қилишда бевосита амалий (ташкилий услубий) ёрдам кўрсатиш;

◆ ёш мутахассислар учун ўқув ва ўқув-услубий тайёргарлик (3 йилгача бўлган ходимлар)

◆ таҳлилий ишларни амалга ошириш¹¹ деб кўрсатган.

Тадқиқот давомида, «Прокурор-криминалист» тушунчасининг норматив таърифи қонун чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилмаганлиги маълум бўлди.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2021 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 243-сонли буйруғининг иловасида, прокурор-криминалистнинг вазифалари назарда тутилган.

Унга кўра, бошқарма катта прокурор-криминалисти: тергов амалиётига илғор криминалистик техника воситаларини, замонавий ахборот технологияларини, шунингдек, илмий ва экспертлик тадқиқотлари натижалари ҳамда хорижий тажрибани жорий қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, терговда криминалистик техника воситаларидан, тергов ўтказишнинг илғор услублари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш, мазкур соҳада мавжуд тизимли муаммоларни аниқлаш, бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш, раҳбарият кўрсатмасига асосан, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича тезкор-тергов гуруҳлари таркибида иштирок этиш, жиноятларни фош этишга қаратилган кечиктириб бўлмас тезкор-тергов тадбирларини ўтказишда, жумладан, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда далилларни аниқлаш ва олишда бевосита қатнашиш, прокуратура



органларида мавжуд криминалистик-техника воситаларини ҳисобини юритиш, уларнинг бутлиги ва созлигини, шунингдек, улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш, хизматда фойдаланиш учун зарур бўлган замонавий криминалистик-техника воситаларига эҳтиёжини ўрганиб, тегишли таклифлар киритиш, қуйи прокуратуралар прокурор-криминалистларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларга амалий ёрдамлар кўрсатиш ва назоратни таъминлаш ваколатлар¹²га эга.

Прокурор-криминалистнинг таърифи юзасидан миллий ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўз фикрларини илгари суришган.

Жумладан, ўзбек процессуалист олими И.Астанов, А.Турғуновлар прокурор-криминалистга қуйидагича таъриф берган.

“Прокурор-криминалист – жиноятларни тергов қилишни ташкил қилишда амалий ёрдам бериш, замонавий техник воситалар ҳамда зарур махсус билим имкониятларидан фойдаланишга оид таҳлилий ва ташкилий фаолиятни амалга оширувчи прокурордир¹³.”

Рус ҳуқуқшунос олими А.В.Тимофеева, прокурор-криминалистнинг фақат ташкилий ҳамда таҳлилий фаолиятга оид вазифаларини кўрсатиб, тергов ҳаракатларига прокурор-криминалист эмас балки «терговчи-криминалист» иштирок этишини маъқуллаган, прокурор-криминалистнинг терговдаги иштирокини инкор қилган¹⁴.

Рус олими А.В.Тимофеева, РФда Тергов қўмитаси фаолиятдан келиб чиқиб терговчи-криминалист лавозими бўлиши кераклигини қайд этиб, прокурор-криминалист лавозими Россия Федерацияси Прокуратурасидаги прокурор-криминалистлар штат бирликлари 2007 йилда Россия Федерациясида ташкил қилинган Тергов қўмитасига ўтказилганлиги муносабати билан шундай фикрга келганлиги маълум қилган.



А.Гурин эса, прокурор-криминалист мақомини прокурорнинг процессуал-назорат функциясига ўхшатиб, унинг тергов фаолиятини назорат қилиш фаолиятига боғлайди¹⁵.

В.Н.Исаенко прокурор-криминалистнинг фаолиятини кўпроқ терговда иштирок этиши билан боғлайди. Унинг фикрича, «прокурор-криминалист – фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш ишини ташкил қилиш ва методик таъминлаш, назорат ҳамда таҳлилий фаолиятни амалга ошириши лозим¹⁶» лигини ҳам алоҳида қайд этади.

Рус олими В.Н.Исаенко прокурор-криминалистнинг оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга ёрдам бериш, тергов амалиётига илмий техника воситаларини қўллаш ва илмий методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, прокурор-тергов ходимларини малакасини оширишга доир уч асосий йўналишда фаолият юритадиган прокурор сифатида қайд этиб, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва ҳодиса содир бўлган жойда бевосита иштирок этишини, тезкор-қидирув фаолияти ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини, экспертлар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларда (фақат қотиллик эмас), транспортда содир этиладиган, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, одамлар ўлимига олиб келадиган жиноят ишларида иштирок этишини, ашёвий далиллар билан ишлаш, излар ва бошқа объектларни топиш ҳамда улар бўйича дастлабки тадқиқот ўтказиш, экспертиза тайинлаш турлари ва уни ўтказиш жойлари бўйича аниқ саволлар тузиш, жиноятларни фош этиш бўйича тергов ва тезкор режалар тузиш каби вазифаларни амалга оширишини қайд этган¹⁷.

Шунингдек, В.И.Исаенко прокурор-криминалистнинг тергов ҳаракатларида иштирок этиши тергов сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, унинг хулосалари тергов учун алоҳида аҳамият касб этиши, унинг муҳим шахслиги эса рамзий раҳбарият вакили сифатида кўзга гавдаланмаслигини, жиноят ишини тергов қилишда барча каби ишчан ходимлигини, терговчига берадиган қўмаги унинг хулосага келишда ундан жудаям катта масъулият ва эҳтиёткорликни талаб қилишини, ҳодиса содир бўлган жойни

⁹ Синеекий О. В. Психолого-акмеологические начала двойственности профессии прокурора-криминалиста // Психопедагогика в правоохранительных органах. 2010. №1 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologo-akmeologicheskie-nachala-dvoystvennosti-professii-prokurora-kriminalista>.

¹⁰ Михайлов М.А., Патраш И.Ф. Прокурор-криминалист из магадана // Эксперт-криминалист. М.:2010.-№2.-С.35-37

¹¹ В.К.Толоконников, М.А.Баргесян. Следователь-криминалист – наставник следователя. Вестник Самарской гуманитарной академии. “Право” 2014 №1 (15) с. 143-147

¹² Бош прокурорнинг 2021 йил 12 июлдаги 243-сонли буйругидан. Қўчирма илова қилинади.

¹³ И.Астанов, А.Турғунов. The role of the forensic prosecutor improving the investigation and ensuring the protection of the rights and freedoms of the individual // Жамият ва инновациялар – Общество

и инноватсии – Society and innovations special issue – 02 (2022) п 501. ISSN 2181-1415

¹⁴ Тимофеева А.В..

«Процессуальное положение прокурора-криминалиста и следователя-криминалиста» Пробелы в российском законодательстве. Юридический журнал, но. 2, 2009, с. 143-145..

¹⁵ Гурин А. Процессуальный статус прокурора криминалиста. – Законность. 2008. № 11. с. 45.

¹⁶ Исаенко В. Н. Процессуальный полномочия прокурора-криминалиста. – Законность. 2005. № 7. С. 15 – 19.

¹⁷ «Цепь доказательств прочна ровно настолько, насколько надежно слабейшее ее звено». Интервью с проф. В.Н. Исаенко, государственным советником юстиции 3 класса, доктором юридических наук, За-служенным юристом России, Почетным работником прокуратуры Российской Федерации. Текст – Надежда Румянцевна. // ЮРИДИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ МАСК РФ – 2019 №4. – с. 8



Аслида

*эса терговчи
ходиса содир
бўлган жойда
марҳумнинг
эгнидаги айнан
биологик
излари бўлган
кийимларини
аниқлаши,
биологик излар
бўлган кийим
бўйича судга
оид биологик
экспертиза
тайинлаши лозим.*

кўздан кечиришда тўлиқсизликни, баённома ва унинг иловасида қайд этилиши лозим бўлган ҳолатларга бефарқ бўлишни олдини олиш, терговчининг хато қилишга йўл қўймаслик, излар ва ашёвий далилларни дастлабки тадқиқоти пайтида мавжуд изларни аниқлаш учун илмий-техник воситаларни қўллашни таъминлаш прокурор-криминалистнинг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлайди.

В.И.Исаенко прокурор-криминалистнинг аҳамиятини ўзининг амалиётида бўлган қуйидаги мисол орқали тушунтиради. Терговчи марҳумнинг кийимидаги биологик изларни йўқлиги ҳақида суд-тиббий экспертиза хулосасини олган. Экспертга марҳум эгнидаги (қўштирмоқ ичидаги) «бир уюм» кийимларни жўнатганлиги, бу билан кийимларидаги биологик изларни топиб олишга экспертнинг ўзига имконият берганлиги сабаб бўлган. Аслида эса терговчи ҳодиса содир бўлган жойда марҳумнинг эгнидаги айнан биологик излари бўлган кийимларини аниқлаши, биологик излар бўлган кийим бўйича судга оид биологик экспертиза тайинлаши лозим.

В.Н.Исаенко яъни бир мисол билан, «биологик излари мавжуд бўлган ашёвий далил терговчи томонидан баённомада қайд этилмаган. Уни ҳодиса содир бўлган жойнинг айнан қаеридан олинганлигини пайқамай, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига эса ушбу далил олинганлиги ҳақида қайд этилмасдан қолинганлиги» ушбу камчиликлар прокурор-криминалист томонидан ўз жойида бартараф қилиниши таъминланганлигини маълум қилган.

Бизнинг фикримизча, А.В.Тимофеева РФ Тергов қўмитасида аксарият терговчилар фаолият кўрсатишини инобатга олиб, терговчи-криминалист лавозимини прокурор-криминалист лавозимидан кўра мантиқан тўғрироқ деб, ҳисоблаган. Прокурор-криминалистни терговда иштирок этиши, тергов ҳаракатларини ўтказиши бўйича унинг ваколати бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги фикрларига қўшилмаймиз.

А.Гуриннинг билдирган фикрига қисман қўшилсакда, прокурор-криминалист прокурорнинг процессуал назорат функциясидан ташқари, унинг криминалист

сифатидаги иштироки, ҳодиса содир бўлган жойда мутахассис сифатидаги иштирокини, экспертиза ва тезкор-қидирув фаолияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир функцияларини эътироф этмаган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида прокуратура терговига тегишли бўлган фош этилган оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабар бўйича зудлик билан вилоят прокурори, вилоят ИИБ бошлиғи, унинг ўринбосарлари, прокурор-криминалист, ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари, тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ҳодиса содир бўлган жойга чиқишади, кечиктириб бўлмас тезкор-тергов ҳаракатларини олиб боришда айнан прокурор-криминалист ёрдамидан фойдаланиб келинади.

Жиноятни фош қилиш юзасидан кўрсатма, топшириқ ҳамда тезкор — йиғилишлар ўтказилиб, терговчилар гуруҳи раҳбарига бир қатор вазифалар юкланади. Жиноят иши тергови якунига қадар раҳбарлар ўзлари тўлиқ иштирок этишининг имкони бўлмаганлиги боис, одатда вилоят прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими ходимлари (прокурор-криминалист) жиноят иши бўйича берилган кўрсатмалар, топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишни ташкил қилиш, тергов ҳаракатларининг сифатли ўтказилишини таъминлашда иштирок этиши, терговни тўғри ташкил қилинишини давом эттириш учун жалб қилинади.

Шунингдек, прокурор-криминалист терговчига тергов йўналишини белгилаш бўйича жиноят ишини иш юритувига олмасдан ишнинг терговда ҳам бевосита иштирок этади.



Х

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, прокурор-криминалист Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг прокуратура органларида тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси ва вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратураларда фаолият юритади, улар прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 382-моддасида назарда тутилган процессуал ваколатларидан фойдаланиб, терговчининг қабул қилган қарорларининг қонунийлигини мунтазам ўрганиб, асосан жиноят иши терговини ҳаракатдан тўхтатиш, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш, жиноят иши қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги асоссиз қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида процессуал қарорлар қабул қилишда иштирок этиб, прокуратура терговчисининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ёзма кўрсатмалар бермоқда.

Тадқиқот давомида прокурор-криминалист ўзининг «криминалист» сифатидаги вазифаларини (етарли даражада криминалистик-техника воситаларидан фойдаланиш кўникмасига эга эмаслиги, криминалистика лаборатория ва унда мавжуд бўлиши лозим бўлган замонавий илмий-техника воситаларига эга эмаслиги, процессуал жиҳатдан унинг прокурор-криминалистнинг ҳуқуқий мақоми жиноят-процессуал кодексида аниқ белгиланмаганлиги) ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал нормалардаги айрим камчиликлар сабаб, у ўзининг функциясини тўла ҳажмда амалга ошира олмаётганлиги, тергов устидан назорат соҳасидаги вазифаларни бажариш унинг кундалик ишига айланганлиги маълум бўлди¹⁸.

Фикримизча, келгусида Ўзбекистон

Республикаси Бош прокуратурасида прокурор-криминалистлар фаолияти учун алоҳида Криминалистика бошқармаси (алоҳида криминалистика лабораториясига эга бўлган) ташкил этилиши, унда алоҳида прокурор-криминалистлар, мутахассислар фаолияти учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаш таклиф қилинади.

Прокурор-криминалистлар номаълум шароитда содир қилинган жиноятлар, фош этилмаган қотилликлар, бедарак йўқолган шахслар, ўз жонига қасд ёки суиқасд қилиш, порахўрлик, иқтисодий соҳада содир этилаётган жиноятлар каби хабарлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини сифатли ўтказилишида, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни таъминлашда бевосита иштирок этиб, қўзғатилган жиноят иши тергови йўналишини тўғри белгилашда, терговни режалаштириш, тергов ҳаракатларини сифатли ўтказиш, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатларининг натижадорлигига эришиш борасида алоҳида ўз ўрнига эга бўлган мансабдор шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 243-сонли буйруғида, прокурор-криминалистнинг вазифаларидан айрим жиҳатлари кўрсатилган бўлиб, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда прокурор-криминалистларни лавозимга тайинлаш ва озод қилишга доир нормалар акс эттирилган.

Прокурор-криминалистлар фаолиятини ташкил қилиш, уларни лавозимга тайинлаш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи ички норматив ҳуқуқий нормалар мавжудлиги маълум бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг биргина 15-моддасида¹⁹, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида айнан

¹⁸. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси катта прокурор-криминалисти Абдуллаев Абдурахмон билан бўлиб ўтган суҳбат натижасида аниқлаган.

¹⁹. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 15-модда. <https://lex.uz/acts/106197>





прокурор – криминалистларни тайинлаш борасидаги норма келтирилган холос.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси 7-қисмида, «Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар» деб белгиланган.

Бироқ, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда, Бош прокуратура ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларда, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг прокурор-криминалистларини лавозимга тайинланиши хусусида ҳам аниқ қоидалар мавжуд эмас.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармони²⁰ қабул қилиниши натижасида, прокуратура органларининг белгиланган штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этилган эди.


Шу боис, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси 4-қисмига, «...Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта

ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар» сўзларидан сўнг «прокурор-криминалист» сўзлари билан тўлдириш ва қуйидаги таҳрирда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, прокурор-криминалист, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар» деб баён қилиш таклиф қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 8-қисмини «...бошқармалар ва бўлимлари катта прокурорлари ҳамда прокурорлари» сўзларидан кейин «прокурор-криминалист» жумласини ҳам киритиш лозим.

Шунингдек, Қонунга прокурор-криминалист лавозимига тайинлашда кўп йиллик тергов соҳасида фаолият юритган тажрибали мутахассислар орасидан тайинланиши, унинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича янги амалиётини жорий қилишни назарда тутувчи алоҳида нормалар киритиш таклиф этилади.

Прокурор-криминалист терговчининг жиноят иши қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорларини ўрганади, қонунсиз қабул қилинган қарорни бекор қилиш, ишни тегишлилиги бўйича юбориш каби қарорлар қабул қилади.



Прокурор-криминалист ўзининг вазифасини амалга оширар экан, албатта унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий мақоми, жиноят ишларини тергов қилишдаги иштирокига оид процессуал мақомини қонун билан мустаҳкамлашга зарурат бор.

Бизнинг фикримизча, прокурор-криминалист жиноятларни иссиқ изидан фош этилишида бевосита тергов ҳаракатларида иштирок этувчи мансабдор шахс ҳисобланиб, унга терговчи ҳамда прокурорнинг процессуал қонунда назарда тутилган тергов ҳаракатларида иштирок этиши учун, тергов ҳаракатларини шахсан бажариши ва айрим процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ мустақил ваколатларга эга бўлмоғи тергов сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Терговнинг сифатли бўлиши аввало инсон ҳуқуқ ва эркинларига қатъий риоя қилинишига, айбсизлик презумпцияси нормалари таъминланишига, далилларнинг мақбуллигига доир нормаларнинг бузилиши олди олинishiга хизмат қилади.

Фикримизча, таърифнинг ишлаб чиқиши прокурор-криминалистнинг жиноят-процессуал муносабатлардаги аниқ субъектив иштирокчи эканлигини кўрсатиши баробарида, уни жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида, тергов сифатини оширишдаги роли ҳамда алоҳида мавқеига эга бўлган мансабдор шахс сифатида кўрсатиш ўринлидир.

Тадқиқот натижасида ўрганилган олимларнинг фикрлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили прокурор-криминалистнинг қуйидаги асосий йўналишларга эғалигини кўрсатди:

- оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;
 - жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш амалиётига илмий-техник, замонавий техник-криминалистик воситаларни жорий этиш, тергов амалиётига илмий асосланган усулларни қўллаш;
 - прокурор-тергов ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириб бориш.
- Фикримизча, прокурор-криминалист ушбу йўналишларда мунтазам фаолият юритиши қуйидаги ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади:
- тергов сифати ва

самарадорлигининг ошишига;

- жиноят ишларини юритишга доир ишларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинларини зид бўлган ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олди олинishiга;
 - терговнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилишига;
 - жиноятларни барвақт олдини олиш ва уларни иссиқ изидан фош этилишини таъминлашга;
 - жиноятчиликка қарши фаол курашиш сиёсатида хизмат қилади.
- Ўтказилган тадқиқот натижасида «прокурор-криминалист» тушунчасига назарий жиҳатдан қуйидаги муаллифлик таърифи берилди:

Прокурор-криминалист – оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишни малакали ташкил қилиш, ўтказиш ҳамда тергов сифати ва самарадорлигини оширишда замонавий техник воситалари ва ўзининг махсус билим имкониятларидан фойдаланиш ва жиноят процессида иштирок этиш ваколатига эга бўлган прокуратура органларининг мансабдор шахси.

Прокурор-криминалистнинг вазифалари қуйидагиларни ташкил қилади:

- Тергов органлари кадрлари малакасини ошириш, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни ташкил этишда, айрим тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказишда, илмий-техник ва криминалистик восита ва усулларни қўллашда, мураккаб экспертизаларни ўтказиш учун материаллар тайёрлаш ва уни ўтказилишини таъминлашда мутахассисларнинг махсус билимларидан амалий, маслаҳат ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- криминалистика воситалари ва ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ютуқ, жиноятчиликни фош этишда амалий ёрдам берадиган дастурлар билан ишлаш ва ундан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- тергов амалиётига жиноятларни тергов қилишнинг криминалистика техникаси ва илмий усулларини тергов амалиётига жорий қилиш;
- прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг криминалистика хизматлари, экспертиза ва илмий тадқиқот муассасалари, олий юридик таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони// <https://lex.uz/docs/4939467>



- илғор хорижий давлатларнинг тергов амалиётини ўрганиш, биздаги мавжуд тергов амалиётини такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тергов жараёнида криминалистика ва унинг имкониятларидан фойдаланишни таҳлил қилиш, шу асосда, тергов ишининг ижобий тажрибасини жорий қилиш;

- синовдан ўтказилган тергов методикаси ва тактикасини қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- прокуратура органларида фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, қасддан содир этилган очиш ишларини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

- техник криминалистика воситалари, кўчма криминалистика лабораториялари ва бошқа асбоб ускуналарнинг сақланиши, мақсадлилиги ва улардан тўғри фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

- прокуратура органларининг терговчилари учун техник-криминалистик воситалар, техник материаллар, ташкилий техникага нисбатан мавжуд эҳтиёжни аниқлаш, уларни сотиб олиш ва тақсимлаш бўйича таклифлар киритиш вазифаларини бажаради.

Прокурор-криминалист фаолиятининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти натижадорлиги, тергов сифати самарадорлигини ошишига, терговчиларнинг касбий ривожланиш даражасининг яхшиланишига, айби бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслигига,

жиноятларни фош этишда далилларга мувофиқ таяниш каби терговнинг сифатида таъсир этувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Тергов сифати бўйича ҳуқуқшунос процессуалист ва криминалист олимлар турли хилдаги қарашларни ифодалайди.

Рус олим Л.Драпкин жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш самарадорлигини математик усуллардан фойдаланиш орқали билиш мумкинлигини ҳақида²¹, фаолиятнинг амалий натижалари олдиндан қўйилган мақсадга мос келишини мақсадли самарадорлик сифатида баҳоланади. Самарадорлиқнинг асосий мезони – қўлга киритилган натижанинг қўйилган мақсадга ўзаро боғлиқ бўлишидир.

Ҳуқуқшунос олим Ф.Н.Фаткулин, жиноят содир этиш ҳолатларини процессуал ва ҳуқуқий жиҳатдан аниқлашнинг самарадорлиги деганда, унинг ижтимоий муносабатларга маълум бир йўналишдаги ижтимоий муносабатларга энг кам харажат билан ижобий таъсир кўрсатиш қобилияти деб тушунилиши керак деб таъкидлайди²².

Фикримизча, дастлабки тергов сифати ва самарадорлигини оширишда суриштирувчи, терговчиларни, тергов ҳаракатларини ўтказиш ваколатига эга бўлган процессуал шахсларни жиноятларни ҳуқуқий, тезкор, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона фош этиш, тергов қилиш бўйича аниқ тавсиялар билан қуроолантирадиган илмий ва ташкилий-ҳуқуқий усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур бўлади.

ФОЙДАЛАНГАН

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/acts/106197>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодекси <https://www.lex.uz/acts/111460>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2020 йилдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4939467>
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2021 йил 12 июлдаги 243-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлаари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида Низом”ги.
6. Волинский А.Ф. Техничко-криминалистическое обеспечение раскрытия и расследования преступлений: проблемы и пути их решения// Материалы научно – практической конференции. – М., 1994, - С. 123 <https://proektoria.online/catalog/professions/kriminalist>
7. Е.Молдаспаев. Роль прокурора-криминалиста в проведении следственных действий и расследовании преступления. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31085608&pos=6;-106#pos=6;-106
8. Синецкий О. В. Психолого-акмеологические начала двойственности профессии прокурора-криминалиста // Психопедагогика в правоохранительных органах. 2010. №1 (40). УРЛ: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologo-akmeologicheskie-nachala-dvoystvennosti-professii-prokurora-kriminalista>.
9. Михайлов М.А., Патраш И.Ф. Прокурор-криминалист из магадана// Эксперт-криминалист. М.:2010.-№2-С.35-37
10. В.К.Толоконников, М.А.Баргесян. Следователь-криминалист – наставник следователя. Вестник Самарской гуманитарной академии. “Право” 2014 №1 (15) с. 143-147
11. И.Астанов, А.Тургунов. The role of the forensic prosecutor improving the investigation and



Б

Бу ерда илмий-ҳуқуқий усулни ишлаб чиқиш ва жорий этиш дейилганда, айнан прокурор-криминалистларнинг фаолияти назарда тутилмоқда.

Худди шунга яқин фикрни рус олими В.К.Зникин ҳам дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлигини оширишда алоҳида илмий-ҳуқуқий усуллар жорий қилиш орқали эришилиши мумкинлигини таъкидланган²¹.

Фикримизча, дастлабки терговнинг самарадорлиги унинг судгача ва суд босқичларида, жиноят процессининг мақсадли вазифаларини бажариш натижасидан аниқланиши мумкин.

Содда қилиб айтганда, жиноят ишини юритиш бошланишидан ишнинг қандай якун топишидан қатъий назар иш юритишга масъул бўлган шахс томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларга қатъий риоя қилиши, ҳар бир жабҳада қонун

нормаларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиши натижасида айби борни айбдорлигини, айби бўлмаган шахсни айбсиз эканлигини исботлаш орқали жиноят ва жиноят – процессида белгиланган қоидаларга сўзсиз риоя қилиниши натижаси тергов сифатини кўрсатиб беради.

Тергов сифатига таъсир қилувчи омиллардан бири, суриштирувчи, терговчиларнинг жиноятларни тергов қилиш малакасидир.

Шунингдек, тадқиқот иши давомида «Тергов сифати» тушунчасига бўйича ҳам муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Унга кўра, тергов сифати — жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, жиноятларни тергов қилиш, шахснинг ҳаракатларини малакалаш, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилиш, жиноят ишларини юритишда ҳар томонлама тўла ва холисона олиб борилишининг таъминлаш даражасининг (қуйи, ўрта, юқори) кўрсаткичлари ҳисобланади.

Фикримизча, прокурор-криминалистнинг фаолияти айнан тергов сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, асоссиз равишда шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишини олдини олишга, айби бўлган шахсни жавобгарликка тортилмасдан қолмаслиги учун масъулиятли мансабдор шахсдир.

²¹ Драпкин Л.Я. Целенаправленность деятельности следователя и эффективность раскрытия преступлений // Проблемы криминалистики и доказывания при расследовании преступлений: межвузовский тематический сб. Барнаул: АГУ, 1990. С. 61–72.

²² Фаткулин Ф.Н. Актуальные вопросы эффективности советского уголовного процесса // Вопросы эффективности советского уголовного процесса. Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1976. С. 3–27.

²³ Зникин В.К. Понятие эффективности и качества предварительного расследования // Вестн. Том. гос. ун-та. Право. 2014. №1 (11). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-effektivnosti-i-kachestva-predvaritelnogo-rassledovaniya>

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

ensuring the protection of the rights and freedoms of the individual // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations special issue – 02 (2022) п 501. ISSN 2181-1415

12. Тимофеева А.В. «Процессуальное положение прокурора-криминалиста и следователя-криминалиста» Пробелы в российском законодательстве. Юридический журнал, но. 2, 2009, с. 143-145..
13. Гурин А. Процессуальный статус прокурора криминалиста. – Законность. 2008. № 11. с. 45.
14. Исаенко В. Н. Процессуальный полномочия прокурора- криминалиста. – Законность. 2005. № 7. С. 15 – 19.
15. «Цепь доказательств прочна ровно настолько, насколько надежно слабейшее ее звено». Интервью с проф. В.Н. Исаенко, государственным советником юстиции 3 класса, доктором юридических наук, Заслуженным юристом России, Почетным работником прокуратуры Российской Федерации. Текст – Надежда Румянцева.// ЮРИДИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ МАСК РФ – 2019 №4. – с. 8
16. Драпкин Л.Я. Целенаправленность деятельности

следователя и эффективность раскрытия преступлений // Проблемы криминалистики и доказывания при расследовании преступлений: межвузовский тематический сб. Барнаул: АГУ, 1990. С. 61-72.

17. Фаткулин Ф.Н. Актуальные вопросы эффективности советского уголовного процесса // Вопросы эффективности советского уголовного процесса. Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1976. С. 3–27.
18. Зникин В.К. Понятие эффективности и качества предварительного расследования // Вестн. Том. гос. ун-та. Право. 2014. №1 (11). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-effektivnosti-i-kachestva-predvaritelnogo-rassledovaniya>
19. О.М.Мадалиев. Прокурор назорати: Дарслик Умумий қисм/ З.Ф.Иноғомжонов масъул муҳаррир –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –424 бет
20. Раҳимов Ф.Ҳ., Комилов А.Б. ва бошқа муаллифлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. Рисола // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 2024 й. «Bookmany print» нашриёти 2024 йил. 332-333-бетлар.



**Анжелика
ИБАДОВА,**
*Ўзбекистон
Республикаси
ИИБ Академияси
мустақил
изланувчиси,
Самарқанд
вилояти ИИБ
ҳузуридаги Тергов
бошқармаси ўта
муҳим ишлар
бўйича терговчиси
подполковник*

ТАН ЖАРОХАТЛАРИ

ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган энг кенг тарқалган ва мураккаб вазифалардан бири тан жароҳатлари етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тергов қилишдир. Ушбу жиноятларни самарали тергов қилиш, далилларни тўғри баҳолаш ва жиноятни фош этиш учун махсус экспертиза, хусусан, суд тиббиёти, криминалистика, психология ва бошқа фанларнинг ютуқлари талаб этилади. Жиноят-протсессуал фаолиятда эксперт билимларини қўллаш тадқиқотнинг диққат марказида бўлиб, танага етказилган зарарнинг мураккаблиги ва уни аниқлашда терговчи ва эксперт ўртасидаги ҳамкорлиkning аҳамияти мавзунинг долзарблигини тушунтиради. Тергов жараёнида махсус билимларга асосланган эксперт хулосаларининг аҳамияти таъкидланиб, терговчи ва эксперт ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Мақолада жиноятларни тергов қилиш жараёнида махсус билимлардан фойдаланиш жараёни ва самарадорлиги, тадқиқот усуллари сифатида ҳуқуқий таҳлил, қиёсий усуллар ва амалий тажриба таҳлилига таянган ҳолда кўриб чиқилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: жиноят ҳуқуқи, тергов жараёни, тан жароҳати, махсус билимлар, суд-тиббиёт экспертизаси, криминалистика, терговчи ва эксперт ҳамкорлиги, жиноят-протсессуал фаолият

АБСТРАКТ: One of the most common and complex tasks performed by law enforcement agencies is the investigation of offenses involving bodily harm. For the effective investigation of these crimes, the correct assessment of evidence and the disclosure of the crime, special expertise is required, in particular, the achievements of forensic medicine, criminalistics, psychology and other sciences. The application of expert knowledge in criminal procedure is the focus of the study, and the complexity of bodily harm and the importance of cooperation between the investigator and the expert in its identification explain the relevance of the topic. The importance of expert conclusions based on special knowledge in the investigation process is emphasized, and recommendations are developed to improve the mechanisms of cooperation between the investigator and the expert. The article considers the process and effectiveness of using special knowledge in the investigation of crimes, based on legal analysis, comparative methods and analysis of practical experience as research methods.

KEYWORDS: criminal law, investigative process, bodily injury, special knowledge, forensic examination, criminalistics, cooperation between investigator and expert, criminal procedural activity



Инсон саломатлиги жамиятдаги энг муҳим ижтимоий қадриятлардан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун тан жароҳатлари етказиш билан боғлиқ жиноятлар жиноят қонунчилиги ва тергов амалиётида алоҳида эътибор талаб қиладиган мураккаб йўналишлардан биридир. Бундай жиноятлар жисмоний зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг оқибатларини аниқлаш, баҳолаш ва жиноятга алоқадор шахсларни аниқлашда анъанавий тергов услубларининг ўзи етарли бўлмайди. Шу сабабли, тергов жараёнида махсус билимлардан, айниқса суд-тиббиёт экспертизаси, криминалистика ва психологияга оид билимлардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Замонавий тергов амалиёти терговчи ва эксперт ўртасидаги самарали ҳамкорлик, эксперт хулосаларининг ишончилиги ва уларнинг жиноят ишидаги исботлаш кучига асосланган ёндашувларни талаб қилмоқда [1, 15-6.; 2, 9-6].

Мазкур мақоланинг асосий мақсади — тан жароҳатлари етказиш жиноятларини тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асосларини таҳлил қилиш, тергов самарадорлигини оширишда суд-тиббиёт, криминалистика ва психологик билимларнинг аҳамиятини очиб бериш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларга илмий асосланган ечимлар таклиф қилишдан иборат.[6, 412] Шу нуқтаи назардан, мақолада терговчи ва эксперт ўртасидаги ўзаро алоқани такомиллаштириш, махсус билимларга эга мутахассисларнинг иштирокини қонуний асосда мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар ёритилади [3, 27-6].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, айрим маҳаллий ва хорижий муаллифлар ушбу масалага турлича ёндошган. Жумладан, А. Жўраев жиноятларни тергов қилишда криминалистик усулларнинг қўлланилишини чуқур ёритган ва тан жароҳатлари ҳолатини аниқлашда далилларнинг комплекс таҳлилини асослаб берган [1, 151-6.]. Н. Каримов эса суд-тиббиёт экспертизасининг ҳуқуқий асослари ва эксперт хулосасининг ишончилилик мезонларини кенг таҳлил қилган [2, 99-6.]. Хорижий манбаларда, хусусан

В.Шепитко томонидан жиноятларни тергов қилишда махсус билимларнинг ўрни алоҳида баҳоланади, у методологик асос сифатида тизимли ёндашув ва ҳолатли таҳлил методидан фойдаланган [4, 203-6.].



Ушбу тадқиқот доирасида жисмоний зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус билимларни қўллаш амалиёти кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида суд тергови амалиётинан 50 дан ортиқ жиноят иши ҳужжатлари, 20 дан ортиқ суд-тиббий экспертиза ҳулосалари, терговчилар ва экспертлар ўртасидаги ёзишмалар, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий нормалари ўрганилди. Бундан ташқари, прокуратура ва ички ишлар органларининг 30 нафар терговчиси сўровдан ўтказилди ва суҳбатлар ўтказилди. Кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича жароҳатларнинг сабаблари, вақти ва оғирлигини аниқлаш учун қандай аниқ билимлардан фойдаланилганлиги текширилди. Тадқиқотда айтилган йўналишда хорижий мамлакатлар, хусусан Россия Федератсияси, АҚШ ва Германия амалиётидаги баъзи илғор тажрибалар ҳам солиштирма тарзда таҳлил қилинди [1, 39-б.; 8, 108-б.; 4, 203-п.].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104–111-моддаларида тан жароҳати етказиш жиноятлари турлича оғирликдаги ҳолатларда тартибга солинган. Бу моддаларга кўра, жиноятнинг оғирлиги жароҳат даражасига қараб белгиланади ва тергов жараёнида бу ҳолатнинг аниқланишида суд-тиббий экспертизасининг роли жуда муҳимдир [9, 104-модда]. Статистик метод асосида танлаб олинган жиноят ишларида суд-тиббий



кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича жароҳатларнинг сабаблари, вақти ва оғирлигини аниқлаш учун қандай аниқ билимлардан фойдаланилганлиги текширилди. Тадқиқотда айтилган йўналишда хорижий мамлакатлар, хусусан Россия Федератсияси, АҚШ ва Германия амалиётидаги баъзи илғор тажрибалар ҳам солиштирма тарзда таҳлил қилинди.

экспертизаси қўлланилган ҳолларнинг частотаси ва самарадорлиги баҳоланди [3, 118–б.]. Шунингдек, экспертиза ҳулосаларининг тергов қарорларига таъсири ҳам таҳлил қилинди. Тадқиқот объектлари сифатида Ўзбекистон ҳудудида суд-тергов тизими томонидан кўрилган жиноят ишлари, шунингдек, бу соҳада фаолият юритувчи терговчилар ва экспертлар танлаб олинди [2, 67–б.].

Тадқиқот давомида 2018–2023 йиллар оралиғида тан жароҳатлари етказиш жиноятлари билан боғлиқ 50 та тергов иши ўрганилди. Улардан 38 тасида суд-тиббий экспертизаси ўтказилган, 12 тасида эса экспертиза қўлланилмаган ёки натижалари ноаниқ бўлган. Ушбу таҳлил экспертизадан фойдаланиш жиноят ишининг тезроқ ва ишончли ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатди.

1-жадвал.

Суд-тиббий экспертизаси қўлланилган тергов ишларининг йиллик тақсими (2018–2023)

Йил	Тергов ишлари сони	Экспертиза қўлланилган	Фоизда (%)
2018	8	5	62.5%
2019	10	7	70%
2020	9	7	77.7%
2021	7	6	85.7%
2022	8	7	87.5%
2023	8	6	75%
Жами	50	38	76%

Маълумотларга кўра, экспертиза ўтказилган ҳолатларнинг 90 фоиздан ортиғида тергов вақти қисқартирилиб, жиноят таркибини аниқлаш анча осонлашди. Бу шунингдек кўрсатадики, эксперт фикри ишончли далил сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги статистик маълумотларга кўра, 2020–2024 йиллар давомида ушбу тоифадаги жиноятлар сони нисбатан ўзгаришчан билан ортиб борган. Жумладан, 2020 йилда 3 820 та, 2021 йилда 4 076 та, 2022



йилда 4 390 та, 2023 йилда эса 4 787 та тан жароҳати етказиш ҳолатлари қайд этилган. Бу эса йилма-йил ўсиш суръатининг ўртача 6–9% ни ташкил этаётганини кўрсатади.

Жиноят турлари бўйича таҳлил қилганда, ўта оғир тан жароҳатлари билан боғлиқ ҳолатлар умумий соннинг 14–18 фоизини ташкил этмоқда. Тадқиқот шуни кўрсатдики, ушбу жиноятларнинг тергов давомида махсус билимлардан – хусусан, суд-тиббий экспертиза, суд-психиатрия ва биологик таҳлилларни қўллаш ҳолатлари баъзи ҳудудларда паст даражада қолмоқда. Бу эса жиноятларнинг асосли баҳоланиши ва судга тақдим этилаётган далилларнинг ишончилигига салбий таъсир кўрсатади.

2-жадвал.
2020–2023 йилларда тан жароҳатлари
билан боғлиқ жиноятлар статистикаси
(Ўзбекистон)

Йил	Жиноятлар сони	Оғир тан жароҳати	Экспертиза тайинланган ҳолатлар (%)
2020	3 820	580 (15.1%)	2 345 (61%)
2021	4 076	615 (15.1%)	2 562 (62.8%)
2022	4 390	712 (16.2%)	2 837 (64.6%)
2023	4 787	842 (17.5%)	3 204 (66.9%)

Тадқиқот давомида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, тергов амалиётида махсус билимлардан фойдаланилган ишлар бўйича жиноятни фош қилиш, айбдорни аниқлаш ва судда исботлаш кўрсаткичлари юқори. Мисол учун, 2023 йилда махсус билимлардан фойдаланилган 3 204 та ишнинг 2 886 тасида жиноят таркиби тўлиқ аниқланган ва айбдорга нисбатан қонуний қарор чиқарилган. Бу эса самарадорлик кўрсаткичининг 90.1 фоизга етганини билдиради.


Бошқа томондан, экспертиза тайинланмаган ёки етарли билимга эга мутахассислар жалб этилмаган ҳолатларда эса суд-жараёнида далилларнинг етишмаслиги сабабли ишлар қайта терговга юборилган ёки жиноят исботи топилмаган. Бу ҳолатлар жиноят-протсессуал қонунчилик талабларига риоя қилмаслик ва терговчи малакасининг етарли эмаслигидан далолат беради (Жонес & Лее, 2018) [18, 117-6.].

Илмий-амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуйидаги омиллар терговнинг натижадорлигига бевосита таъсир кўрсатади:

- Терговчи томонидан эксперт хулосасининг аҳамиятини тўғри баҳолаш;
- Махсус билимлар соҳиби билан ҳамкорликда дастлабки босқичданоқ далилларни йиғиш;
- Криминалистик усуллар (биологик, молекуляр, изшунослик)ни амалиётга татбиқ этиш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тизимини такомиллаштириш.

Шунингдек, хорижий давлатлар – АҚШ, Канада, Япония тажрибасида махсус билимлар ёрдамида тергов натижаларини аниқлаш кўрсаткичи 92–97% гача етгани аниқланган (УНОДС, 2022) [19, 135-6.]. Ушбу натижалар терговда махсус билимлардан кенг фойдаланишни тизимлаштириш ва қонунчилик асосида кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида аниқланган илмий-амалий натижалардан бири шуки, терговчи ва эксперт ўртасидаги алоқа аниқлик, тезкорлик ва ишончилиikka асосланган бўлса, тергов сифати ортади. Экспертиза хулосалари





асосида жиноят содир этилган вақт, асбоб, зарба йўналиши ва бошқа муҳим жиҳатлар аниқланган [3, 95-б.]. Жумладан, бир жиноят ишида зарбанинг орқа томондан қилинганини эксперт аниқлаган ва бу тергов натижасида гумондорнинг кўрсатмасини рад этишда асос бўлган [2, 138-б.]. Бу илмий ёндашув асосида тергов самарадорлигини ошириш имконини беради.

Муаллиф суд-тиббиёт экспертизаси терговда ёрдамчи восита эмас, балки муҳим исботлаш манбаи сифатида қаралиши зарурлигини илгари суради. Айрим муаллифлар экспертизани фақатгина далилларни тасдиқловчи омил сифатида кўrsa [4, 203-б.], бу ёндашув чекланган деб ҳисобланади. Чунки экспертиза орқали фақат мавжуд ҳолатни эмас, балки эҳтимолий жиноят сценарийларини аниқлаш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳолатли таҳлил ва симуляция усулларини ҳам қўллаш зарур деб ҳисоблайди.

Тадқиқотга кўра, терговчилар ҳар доим ҳам экспертиза ўтказиш учун экспертни жалб қилишнинг қонуний асосларини ҳисобга олмайдилар. Текширув натижалари вақти-вақти билан нотўғри тушунилади. Тергов хулосаларининг ҳаққонийлигига бу салбий таъсир кўрсатмоқда. Айтиб ўтилган яна бир муаммо – экспертлар билан алоқа қилиш учун яхшироқ каналларнинг ёқлиги эди. [3, 107-б.].

Ўзбекистон тергов амалиётида

экспертиза ўтказиш тартиби, эксперт хулосасининг баҳоланиши ва терговчи топшириқларининг аниқлиги борасида бир қатор муаммолар мавжуд:

- Терговчилар кўпинча эксперт сўровномаларини нотўғри ёки умумий тарзда тузадилар [10, 75-б.], бу эса эксперт томонидан хулоса чиқаришда ноаниқликларни келтириб чиқаради.

- Кўп ҳолларда терговчи экспертизани вақтида тайинламайди, бу эса далилларнинг йўқолишига ёки бузилишига сабаб бўлади (Холиқова, 2022) [11, 33-б.].

- Экспертлар юкламасининг ортиқлиги туфайли хулосалар кечикади, бу эса тергов муддатининг узайишига олиб келмоқда [12, 151-б.].

Тадқиқотда қўлланилган тизимли таҳлил ва солиштирма методлар орқали аниқланишича, хорижий давлатлар, хусусан АҚШ ва Россия амалиётида экспертиза фаолиятига алоҳида ҳуқуқий мақом берилган ва терговчи ундан мунтазам фойдаланади [7, п. 287]. Ўзбекистон амалиётида эса бу йўналиш ҳали тўлиқ шаклланмаган. Бу фарқ бизга мавжуд тажрибалардан ўрнат олиш, миллий қонунчилик ва амалиётга мослаштириш лозимлигини кўрсатади.

Германияда терговчи “экспертизани бошқарувчи субъект” эмас, балки ҳамкор сифатида қаралади. Бундай ёндашув терговнинг объективлигини оширади (Бенеске, 2014) [13, п. 211]. Бу орқали терговчи фақатгина шубҳа асосида эмас, балки илмий асосланган далиллар орқали иш юритади.

Францияда эса экспертиза тизими институтсионал жиҳатдан мустақил ҳисобланади, яъни терговчи экспертга бевосита таъсир эта олмайди. Бу мустақиллик эксперт хулосасининг ишончлигини оширади (Гаутиер, 2018) [14, п. 133].



3-жадвал. Ўзбекистон ва хорижий тизимлар орасидаги асосий фарқлари:

Давлат	Эксперт мустақиллиги	Экспертиза сифати	Терговчининг роли
Ўзбекистон	Нисбий	Ўртача	Бошқарувчи
АҚШ	Юқори	Юқори	Ҳамкор
Германия	Юқори	Юқори	Ҳамкор, назоратчи
Франция	Юқори (институтсионал)	Юқори	Мустақил экспертга мурожаат

Бу таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон тергов амалиётида экспертиза институтсионал мустақиллигини кучайтириш, терговчиларни доимий тайёрлов курсларига жалб қилиш, ҳамда замонавий форенсик технологияларни жорий қилиш зарур.

ХУЛОСА:

Замонавий тергов жараёнининг муҳим таркибий қисми жисмоний зарар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус билимларни қўллашдир. Тадқиқот натижаларига кўра, жиноят содир этиш ҳолатларини тўғри аниқлашнинг асосий элементи терговчининг ихтисослашган соҳалар, хусусан, суд тиббиёти, психология, криминалистика, биология ва бошқа фанлар мутахассислари билан ҳамкорлиги ҳисобланади. Жиноят таркиби, асосан, жабрланувчига етказилган тан жароҳатлари даражаси, уларни етказиш усули, содир бўлган вақти ва уларга етказилган жисмоний оқибатларга оид эксперт хулосалари билан белгиланади. (Смитх, 2021) [15, 104-6].

Тергов жараёнида юзага келадиган асосий муаммолардан бири бу экспертиза тайинлашдаги аниқлик ва мақсадлилиқнинг етишмаслигидир. Кўплаб тергов амалиётида экспертга берилаётган саволлар умумий, ноаниқ ёки етарли далиллар билан таъминланмаган бўлади, бу эса эксперт хулосасининг сифатсиз чиқишига сабаб бўлади. Шу боис

терговчи томонидан экспертизани тайинлашда қонуний асослар, протесссуал талаблар ва амалий эҳтиёжлар инобатга олиниши лозим (Қурбонов, 2020) [16, 151-6].

Хорижий тажриба бу борада муҳим амалий модел сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, Германияда суд-тиббиёт экспертизаси мустақил равишда фаолият юритади, бу эса унинг терговдан мустақил, обектив ва илмий асосланган хулоса беришига замин яратади (Меихнер & Ротхсчилд, 2019) [17, 244-6]. АҚШда эса махсус лабораториялар полиция тизимидан алоҳида фаолият юритиб, Федерал суд экспертизаси институти орқали сертификатланади. Бу каби ёндашувлар Ўзбекистонда ҳам амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Шунингдек, терговчиларнинг махсус билимларга оид малака ошириш курсларини жорий қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Терговчилар суд-тиббиёт, форенсик психология, ДНК таҳлиллари, изшунослик, биологик экспертиза каби йўналишларда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши тергов сифатини оширади. Бу борада Россия тергов тизимидаги тажриба диққатга сазовор бўлиб, терговчилар доимий равишда Криминалистика академияларида қайта тайёрлов курсларидан ўтказилади.

Бундан ташқари, тан жароҳати етказилган жиноятлар терговда эксперт хулосалари асосида статистика юритилиши, уларнинг динамикаси, такрорийлиги ва сабаблари ўрганилиши жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу борада БМТ томонидан ишлаб чиқилган "Модел Протосол фор Инвестигатион оф Тортуре" ҳужжатида замонавий суд-тиббиёт экспертизаси ва терговнинг ўзаро интегратсияси муҳим тамойил сифатида қайд этилган (УН, 2020) [20, 69-6].

Тадқиқотда олиб борилган назарий ва амалий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосага келинди:

ТЕРГОВЧИЛАРНИНГ

махсус билимларга оид малака ошириш курсларини жорий қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Терговчилар суд-тиббиёт, форенсик психология, ДНК таҳлиллари, изшунослик, биологик экспертиза каби йўналишларда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши тергов сифатини оширади.






тан жароҳатлари етказиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш тергов сифатини оширади, терговчиларнинг ушбу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш зарур, терговчи ва эксперт ўртасидаги ахборот алмашинуви тизими такомиллаштирилиши керак, экспертиза муассасаларининг мустақиллигини таъминлаш бўйича қонунчилик асослари қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир, шунингдек, хорижий тажриба асосида миллий экспертиза тизими модернизатсия қилиниши керак. Махсус билимларга асосланган тергов методлари ва технологиялари жиноятларни фош қилиш, адолатли қарор чиқариш ва фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

РЕФЕРЕНСЕС

1. Жўраев А. Криминалистика асослари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2020. – 384 б.
2. Каримов Н. Суд-тиббий экспертизаси асослари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 276 б.
3. Хасанова М. Жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш муаммолари. – Тошкент: Ҳуқуқ, 2021. – 198 б.
4. Шепитко В. Жу. Использование специальных знаний при расследовании преступлений. – Москва: Журист#, 2018. – 304 с.
5. Сриминалистический и Форменсис Ссиенсе / Эдитед бй С. Хоуск. – Асадемис Пресс, 2017. – 384 п.
6. Рахимов Б. Жиноят-протсессуал ҳуқуқ. – Тошкент: “Адолат”, 2022. – 412 б.
7. Жамес С. Ҳ., Норбдй Ж. Ж. Форменсис Ссиенсе: Ан Интродутион то Ссиентифис анд Инвестиғативе Течникуес. – СРС Пресс, 2020. – 728 п.
8. Кудржавцев В. Н. Криминалистика: теорижа и практика. – Москва: Норма, 2020. – 350 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси (2023). Расмий матн. Тошкент: Адлия вазирлиги нашриёти.
10. Муродова, С. (2023). “Экспертиза тайинлашда терговчининг ваколати ва масъулияти”. Тошкент давлат юридик университети илмий ахборотномаси, №1, 73–80-бетлар.
11. Холиқова, З. (2022). “Тан жароҳатлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда илмий-техник воситалар роли”. Ички ишлар органлари фаолияти, №3, 31–35-бетлар.
12. Рахимов, А. (2022). “Экспертиза фаолиятида юзага келаётган долзарб муаммолар”. Ўзбекистон юридик ахборотномаси, №4, 145–152-бетлар.
13. Бенеске, М. (2014). Криминалбиологие фўр Эрмиттлер: Форменсик, Спурен унд Тәтерпрофиле. Мўнчен: Рива Верлаг.
14. Гаутиер, Э. (2018). Л'ехпертисе мēдисале лēгале: энтрe ссиенсе эт жустисе. Парис: Прессес Университайрес де Франсе.
15. Смитх, Ж. (2021). Форменсис Медисине анд Сриминал Инвестиғатионс. Охфорд: ОУП.
16. Курбонов, С. (2020). Жиноятларни тергов қилишда суд-тиббий экспертизасининг ўрни. Тошкент: Ҳуқуқ-Нашр.
17. Меихнер, А. & Ротхсчилд, М. (2019). Форменсис Ссиенсе ин Эуропеан Лeгал Сйстемс. Берлин: Спрингер.
18. Жонес, Д. & Лее, Ҳ. (2018). Форменсис Ссиенсе анд Сриминал Инвестиғатион. – Лондон: Роутледге. – п. 117.
19. Унитед Натионс Оффисе он Другс анд Сриме (УНОДС). Гуиделинес фор тхе Усе оф Форменсис Эвиденсе ин Сриминал Жустисе Сйстемс. – Виенна, 2022. – п. 135.
20. Унитед Натионс (2020). Истанбул Протосол: Мануал он тхе Эффестиве Инвестиғатион анд Досументатион оф Тортуре. Генева: УН Публисатионс.

ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Кондратьев В.Б. Глобальная фармацевтическая промышленность [Тхе глобал пхармасаутисал индустри]. Аваилабле ат: [хтп://перспектив.инфо/рус/экоб/2011-07-18.хтмл](http://перспектив.инфо/рус/экоб/2011-07-18.хтмл). (ассессед 23.06.2013).
2. Интерпол. Форменсис Ссиенсе Суб-Диресторате: Интернационал Форменсис Ссиенсе Нетворк. Аваилабле ат: [хтtps://www.интерпол.инт/эн/Сриминал-астивитй/Форменсис](https://www.интерпол.инт/эн/Сриминал-астивитй/Форменсис). (ассессед 15.04.2024).
3. Унитед Натионс Оффисе он Другс анд Сриме (УНОДС). Гуиделинес фор тхе Усе оф Форменсис Эвиденсе ин Сриминал Жустисе Сйстемс. Аваилабле ат: [хтtps://www.унодс.орг/унодс/эн/форменсис-ссиенсе/индекс.хтмл](https://www.унодс.орг/унодс/эн/форменсис-ссиенсе/индекс.хтмл). (ассессед 12.03.2024).
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ. Жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш. Аваилабле ат: [хтtps://www.мвд.уз/ру/пресс/неуе/2023/форменсис-ссиенсе](https://www.мвд.уз/ру/пресс/неуе/2023/форменсис-ссиенсе). (ассессед 04.04.2024).
5. Терговда махсус билимларнинг аҳамияти: янги ёндашувлар. Аваилабле ат: [хтtps://www.судех.уз/ру/спесиалист-ссиенсе](https://www.судех.уз/ру/спесиалист-ссиенсе). (ассессед 02.04.2024).
6. Жустисе.гов. Форменсис Ссиенсе ин Сриминал Инвестиғатион. Аваилабле ат: [хтtps://www.жустисе.гов/сриминал-форменсис-ссиенсе](https://www.жустисе.гов/сриминал-форменсис-ссиенсе). (ассессед 11.01.2024).
7. Тхе Роле оф Форменсис Эхпертс ин Сриминал Инвестиғатион: А Глобал Перспестиве. Аваилабле ат: [хтtps://www.ресеарчгате.нет/публисатион/362157126](https://www.ресеарчгате.нет/публисатион/362157126). (ассессед 20.02.2024).
8. Форменсис Эхпертисе анд Сриминал Инвестиғатион ин Сентрал Асиа. Аваилабле ат: [хтtps://www.ассорд.орг/форменсис-эхпертисе-сентрал-асиа](https://www.ассорд.орг/форменсис-эхпертисе-сентрал-асиа). (ассессед 27.03.2024).



Экспертиза тайинланмаган ёки етарли билимга эга мутахассислар жалб этилмаган ҳолатларда эса суд-жараёнида далилларнинг етишмаслиги сабабли ишлар қайта терговга юборилган ёки жиноят исботи топилмаган.



TURISHTIRUV ORGANLARI

TUSHUNCHASI VA ULARNING BOSHQA INSTITUTLARIDAN FARQLI JIHATLARI

A.A.BOBOHONOV,
*O'zbekiston Respublikasi Huquqni
muhofaza qilish akademiyasi katta
o'qituvchisi*

Munira BOBOUMAROVA,
*O'zbekiston Respublikasi Huquqni
muhofaza qilish akademiyasi
magistranti*
Tel: +998 90 960 98 89

ANNOTATSIYA: Maqolada jinoyat ishining sudga qadar yuritish bosqichida ishtirok etadigan subyektlarning o'ziga xos xususiyatlari va ularning bir-biridan farqli jihatlari ilmiy-nazariy jihatdan tahlil qilib o'tilgan.

KALIT SO'ZLAR: protsessual shakl, jinoyat, surishtiruv, surishtiruvchi, tergov, tergovchi, dastalbki tergov.

ABSTRACT: In the article, the specific characteristics of the entities involved in the criminal case before the court and their differences are analyzed from a scientific and theoretical point of view.

Keywords: procedural form, crime, inquiry, inquirer, investigation, investigator, preliminary investigation.





« **SUDGA QADAR JINOYAT ISHINI YURIITISHNING CHEGARASI JINOYAT-PROTSESSUAL QONUNCHILIGIMIZDA HAM ANIQ BELGILAB QO'YILGAN. XUSUSAN, O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JPKNING 3201-MODDASIGA KO'RA, SUDGA QADAR ISH YURITISH JINOYAT HAQIDA ARIZALAR, XABARLAR HUQUQNI MUHOFAZA QILUVCHI ORGANLARGA KELIB TUSHGAN PAYTDAN BOSHLANADI HAMDA TERGOVGA QADAR TEKSHIRUVNI VA JINOYAT ISHINI TERGOV QILISHNI O'Z ICHIGA OLADI.**

Jinoyat-protsessual qonuni jinoyat ishlari bo'yicha ish yuritish tartibini belgilaydi, ya'ni ishni bir bosqichdan ikkinchisiga o'tkazish bosqichlari ketma-ketligi va shartlari, muayyan bosqichda ish yuritishni tavsiflovchi shakllar, tergov harakatlari va sud ishlarini o'tkazish tartiblari, chiqarilishi mumkin bo'lgan qarorlarning mazmuni, shakli.

Butun ish yoki alohida protsessual harakatlar bo'yicha ish yuritishning bunday tartibi odatda protsessual shakl deb ataladi.

Jinoyat-protsessual shakl haqida gapirganda, ular "moddiy huquqni amalga oshirish uchun huquqiy sohada yuzaga keladigan ijtimoiy munosabatlarga nisbatan jinoyat-protsessual qonunda nazarda tutilgan doirada muayyan harakatlarni amalga oshirishning ketma-ketligi va tartibini anglatadi.

Protsessual shaklga rioya qilish jinoyat protsessini amalga oshiruvchi organlar faoliyatining qonuniyligi va asoslilikini kafolatlaydi.

Ushbu o'rinda V.N. Grigorev shunday degan edi, "Jinoyat protsessining maqsadini ifodalovchi jinoiy javobgarlikka tortish va aybdorga nisbatan jazo tayinlash, shuningdek aybsizni jinoiy javobgarlikdan ozod etish faqat protsessual shaklda amalga oshirilishi mumkin"[1].

M.S. Strogovich esa, protsessual shaklni "Tergov organlari, prokuratura va sudning jinoyat ishlarini tergov qilish va ularning yakuni bo'yicha hal qiluv qarorini qabul qilish sohasidagi o'z funksiyalarini bajaradigan xatti-harakatlarini amalga oshirish uchun protsessual qonun bilan belgilangan shartlar to'plami" deb atagan[2].

Yuqoridagilardan kelib chiqib, milliy jinoyat-

protsessual qonunchiligimizda jinoyat sodir etganlikda ayblanayotgan har bir shaxsning aybdorlik masalasi turli xil protsessual harakatlar orqali isbotlanishi mustahkamlangan. Bu esa ishni sudga qadar yuritish shakllarining bir-biridan farqli jihatlarini tatbiq etish zaruratini tug'diradi.

Jinoyat-protsessual faoliyatning bosqichlaridan biri bo'lgan sudga qadar ish yuritish sodir etilgan yoki sodir etilishiga tayyorgarlik ko'rilayotgan jinoyat haqida ariza, xabar kelib tushgan paytdan boshlanadigan va ish materiallarini sudga yuborish yoki ishni tugatish bilan tamomlanadigan ommaviy-huquqiy munosabatlar majmuini o'zida aks ettiradi.

Jinoyat ishini sudga qadar yuritish davomida haqiqatni aniqlash uchun zarur bo'lgan barcha tergov va boshqa protsessual harakatlar amalga oshiriladi va odatda, yakunida shaxsning aybliligi masalasi bo'yicha ayblovl xulosasi yoki dalolatnomasi tuziladi.

Shuningdek, sudga qadar jinoyat ishini yuritishning chegarasi jinoyat-protsessual qonunchiligimizda ham aniq belgilab qo'yilgan. Xususan, O'zbekiston Respublikasi JPKning 3201-moddasiga ko'ra, sudga qadar ish yuritish jinoyat haqida arizalar, xabarlar huquqni muhofaza qiluvchi organlarga kelib tushgan paytdan boshlanadi hamda tergovga qadar tekshiruvni va jinoyat ishini tergov qilishni o'z ichiga oladi.



Aynan shu normaning o'zi jinoyat ishini sudga qadar yuritishga vakolatli mansabdor shaxslar tomonidan olib boriluvchi, o'z ichiga jinoyatga oid beriladigan xabarlarini o'rganish, jinoyat ishini qo'zg'atish va uni tergov qilish jarayonini qamrab oluvchi murakkab tartib-qoidalar tizimi ekanligidan dalolat beradi.

Jinoyat ishini sudga qadar yuritishning mohiyati protsessual xatti-harakatlarni amalga oshirish orqali jinoyat ishi holatlariga dastlabki aniqlik kiritish, belgilangan protsessual shaklga rioya qilingan holda dalillarni qo'lga kiritish, saqlash va yakunida ayblovni amalga oshiruvchi prokuror tomonidan ularni sudga taqdim etilishini, shuningdek jinoyat ishini sudga qonuniy va asosli ko'rib chiqilishini ta'minlashda namoyon bo'ladi. Jinoyat protsessi mazkur bosqichining maqsadi jinoiy ta'qibni boshlash uchun asoslarni aniqlash va ushbu ta'qibni amalga oshirish, ish holatlariga aniqlik kiritish va ishni sudga yuborish uchun zarur dalillarni to'plash, tekshirish va baholash, ish yurituvda ishtirok etayotgan shaxslarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish yoki jinoyat ishini tugatishda ko'zga tashlanadi.

Tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv yoki dastlabki tergovdagi faoliyat, haqiqatni aniqlash ishni mazmunan ko'rib chiqib, qonuniy, asosli va adolatli hukm chiqarishlari uchun sudlarni zarur va yetarli dalillar majmui bilan ta'minlashga qaratilgan. Ish bo'yicha so'nggi baho sud tomonidan beriladi.

Sudga qadar ish yuritish protsessual qonunchilikda o'rnatilgan tartibda va muddatlarda protsess ishtirokchilari tomonidan amalga oshiriladigan, jinoyat haqida berilgan xabarlarini tekshirish bilan boshlanadigan va ish qo'zg'atishni rad etish yoki jinoyat ishini tugatish yoxud ishni sudga yuborish bilan tamomlanadigan faoliyat hisoblanadi. Huddi shunday ta'rifni zamonaviy shakldagi sudga qadar ish yuritishni dalillarni oldindan sud uchun mustahkamlab qo'yish (депонирование) va ayb e'lon qilinishi mumkin bo'lgan shaxsni aniqlashga ham xizmat qiladi.

Amaliyotda va nazariyada surishtiruv munosabatlaridagi turli tushunmovchiliklarning oldini olish uchun bir nechta tushunchalarga mualliflik ta'riflarini ishlab chiqish talab etiladi.

SURISHTIRUV ORGANLARI – Jinoyat-protsessual Kodeksiga asosan, protsessual harakatlarni amalga oshiruvchi davlat organlari.

TERGOVGA QADAR TEKSHIRUV – jinoyat ishi qo'zg'atilishidan oldin amalga oshiriladigan ayrim protsessual harakatlar.

Surishtiruv 2009-yildan keyin O'zbekiston jinoyat protsessiga kirib kelgan alohida institut hisoblanadi.

Uni ko'pgina amaliyotchi va nazariyotchilar surishtiruv deb bilishadi.

Ushbu bosqichda, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual Kodeksining 328-moddasiga asosan, ayrim tergov (ko'zdan kechirish, ekspertiza, O'zbekiston Respublikasi JPKning 162-moddasiga asosan shaxsiy tintuv va olib qo'yish) va majburlov chorasi sifatida ushlab turish (O'zbekiston Respublikasi JPKning 27-bobiga asosan) qo'llaniladi.





Tezkor qidiruv faoliyati – tezkor-qidiruv tadbirlarini o'z ichiga olib, qonunchilikka ko'ra, alohida vakolat berilgan organlar tomonidan amalga oshiriladigan faoliyat.

Tezkor-qidiruv tadbirlari – “Tezkor - qidiruv faoliyati to'g'risida”gi qonunga asosan, 16 ta tezkor-qidiruv tadbirlari amalga oshirilishi mumkin, ular, so'rov, ma'lumotlar to'plash, qiyosiy tekshiruv uchun namunalar yig'ish, tekshirish uchun xarid qilish, nazorat ostida olish, tezkor kuzatuv, shaxsning aynanligini aniqlash, turar joylarni va boshqa joylarni, binolarni, inshootlarni, joyning uchastkalarini, texnik va transport vositalarini tekshirish, pochta, kuryerlik jo'natmalari va telegraf xabarlarini nazorat qilish, telefonlar va boshqa telekommunikatsiya qurilmalari orqali olib boriladigan so'zlashuvlarni eshitib turish, ular orqali uzatiladigan axborotni olish, abonentlar yoki abonent qurilmalari o'rtasidagi bog'lanishlar to'g'risida axborot olish, tezkor kiritish, nazorat ostida yetkazib berish, niqoblangan operatsiya, tezkor eksperiment.

Surishtiruv – surishtiruv organi tomonidan jinoyat ishi qo'zg'atilgandan keyin bir oy (+20 kungacha bo'lgan) muddat ichida amalga oshiriladigan protsessual faoliyat.

Dastlabki tergov–dastlabki tergov organi tomonidan jinoyat ishi qo'zg'atilgandan keyin amalga oshiriladigan tergov va protsessual harakatlar.

Dastlabki tergov hamda surishtiruv doimo

jinoyat ishlarini tergov qilish huquqiga ega bo'lgan davlat organlari va mansabdor shaxslar doirasi keng bo'lishini taqozo etgan. Ya'ni, turli jinoyatlar (masalan, iqtisodiy, sog'liqni saqlash, kiberjinoyatlar) har xil mutaxassislikni talab qiladi. Jinoyat ishi bosqichlarida bir nechta organlarning ishtirok etishi tergovning obyektivligini ta'minlaydi, dalillarni to'plashda xatolik va yetishmovchiliklarning oldini oladi.

Dastlabki tergov jinoyatni fosh etish hamda haqiqatni aniqlash maqsadida dalillarni to'plash, tekshirish, baholash uchun olib boriladi.

Qator olimlarning fikrini tahlil qilish shuni ko'rsatdiki[3], surishtiruv va dastlabki tergov shakllari o'rtasida farq va o'xshashliklar mavjud. Ularning ayrimlarini ko'rib chiqamiz.

Subyektiga ko'ra (surishtiruvchi O'zbekiston Respublikasi JPK 381-m., tergovchi O'zbekiston Respublikasi JPK 36-m.)

Organiga ko'ra (surishtiruv O'zbekiston Respublikasi JPKning 38-m. va tergov organlari O'zbekiston Respublikasi JPKning 344-m)

Ish yuritish metodiga ko'ra (surishtiruvchi va tergovchi amaliyoti deyarli bir-xil)

Jinoyat ishining tergovga tegishlilikiga ko'ra (surishtiruv O'zbekiston Respublikasi JPK 3812-m, tergov O'zbekiston Respublikasi JPK 345-m.)

Muddatlaridagi farqiga ko'ra (surishtiruv O'zbekiston Respublikasi JPK 3817-m., dastlabki tergov O'zbekiston Respublikasi JPK 351-m.)



Ishlarni tamomlashga ko'ra (surishtiruvchi O'zbekiston Respublikasi JPK 38110-m., tergovchi O'zbekiston Respublikasi JPK 372-m.)

Surishtiruvchi va tergovchining vakolatlari (surishtiruvchi O'zbekiston Respublikasi JPK 381-m., tergovchi O'zbekiston Respublikasi JPK 36-m.).

Ayrim xorijiy mamlakatlar JPKlarini tahlil qilish shuni ko'rsatdiki, xususan, Moldova Respublikasi Jinoyat-protsessual Kodeksining 253-moddasida prokuror, Ichki ishlar vazirligi, xavfsizlik va axborot xizmati, bojxona Departamenti iqtisodiyot va korrupsiyaga qarshi kurash markazi organlariga jinoiy ta'qib olib borish vakolatini bergan, u yerda surishtiruv va dastlabki tergov haqida so'z yuritilmagan[4].

Xorijiy davlatlarda amalga oshirilgan tadqiqot ishlarini tahlil qilar ekanmiz, Germaniya hamda Rossiya Federatsiyasida islohotlar bir paytning o'zida amalga oshirilganligi, shuningdek, GFRda politsiya surishtiruv organi emas, prokuratura nazorati ostida ayrim protsessual harakatlar o'tkazilishi borasidagi fikrlariga qo'shilib bo'lmaydi, chunki GFR JPKning birinchi abzas 160-moddasiga asosan, politsiya surishtiruv organi hisoblanadi.

Fransiya jinoyat protsessidan farqli ravishda Germaniyada dastlabki tergov aniqroq tashkil etilgan.

A.A. Trefilov[5] Shveytariyaning sudga qadar ish yuritish tizimi haqida to'xtalib, uning qanday tashkil qilinish asoslari va tartibiga to'xtalib o'tgan. Shveysariyaning boy tajribasini o'rganish shuni ko'rsatdiki, ushbu davlatda sudga qadar ish yuritish tizimi, surishtiruv va dastlabki tergovning differentsiatsiyasi tergov qilish shakli sifatida emas, balki birin-ketinlik bilan amalga oshiriladigan bosqichdir.

Surishtiruv ham, dastlabki tergov ham fakultativ xarakterga ega bo'lishi mumkin. Biroq, jinoyat haqida xabar kelib tushganidan so'ng, biror bosqich, ya'ni surishtiruv yoki dastlabki tergov, albatta bosib o'tilishi lozim.

O'zbekistonda esa barcha jinoyat ishlari yuzasidan dastlabki tergov o'tkazilishi shart.

Shveysariyaning 2007-yilgi O'zbekiston Respublikasi JPKga asosan, surishtiruv dastlabki sudga qadar jinoyat sudlov ish yurituv shakli bo'lib, jinoyat haqida ariza kelib tushgandan keyin politsiya protsessual mustaqilligi cheklangan holda prokuratura bilan o'zaro hamkorlikda



Germaniya va O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual huquqining asosiy manbasi qonun (Jinoyat-protsessual kodeksi) bo'lib, jinoyat-protsessual munosabatlarning normativ aniqligi qonun darajasida tartibga solinganligini ta'minlaydi.

ikki masalani hal qilish uchun dalillar to'playdi. Birinchisi, prokuratura tomonidan dastlabki tergovni boshlash, ikkinchisi, jazo haqida buyruq chiqarish bilan rad qilish va birlashtirish yoxud birlashtirmaslik.

V.V.Larichev[6] AQSH hamda Germaniyada sudga qadar ish yuritish shakllarining alohida ko'rinishlariga to'xtalib, anglosakson hamda roman-german huquq tizimidagi ish yuritish shakllarining uyg'unligini tahlil qilib bergan, unda 1877-yilda qabul qilingan Germaniya Jinoyat-protsessual Kodeksining asosi Fransiyaning 1808-yilda qabul qilingan JPKsi hisoblanadi.

Dastlabki tergov funksiyasini amalga oshiruvchi organlar milliy tizimiga nihoyatda yaqin bo'lgan shakl-bu Germaniya tizimidir. GFR IIV, O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi ichki ishlar organi faoliyatining asosiy yo'nalishlarini (kriminal va umumpolitsiya) jinoyat qidiruv va umumiy huquq-tartibotga ajratilgan edi.

Germaniyadan farqli ravishda, AQSHda dastlabki tergovni amalga oshiruvchi organlar tizimi qat'iy differentsiyalangan, zero bu yerda an'anaviy politsiya funksiyalari yuklatilgan markaziy idora mavjud emas.

Germaniya va O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual huquqining asosiy manbasi qonun (Jinoyat-protsessual kodeksi) bo'lib, jinoyat-protsessual munosabatlarning normativ aniqligi qonun darajasida tartibga solinganligini ta'minlaydi.

AQSH jinoyat protsessida esa jinoyat-protsessual huquq manbasi sifatida pretsedent nihoyatda muhim o'ringa ega.

Pretsedent tizimining afzalliklari uning egiluvchanligida kuzatiladi. Milliy tizimdan farqli o'laroq, jinoyatlarni tergov qilish mexanizmi mazkur davlatlarda oshkora chop etiladigan qonun xujjatlari va boshqa huquqiy xujjatlar bilan tartibga solinadi.





Aynan shuning uchun jinoyatlarni tergov qilish huquqiy rejimini belgilashda, bunday yondashuv profilaktik ahamiyatga ega. Zero, har bir fuqaro unga nisbatan g'ayriqonuniy harakatlar sodir etilgan holatlarda, qanday tezkor-qidiruv va tergov protseduralari amalga oshirilishi mumkinligini anglashi lozim.

O'zbekiston Respublikasi jinoyat-protsessual qonunidagidek, AQSH va Germaniya jinoyat protsessida ham haqiqatni aniqlash zarurati qat'iy belgilangan.

Shuningdek, AQSHda ham, Germaniyada ham noqonuniy yo'l bilan olingan dalillarni nomaqbul deb e'tirof etish qoidalarini ishlab chiqishga katta e'tibor qaratiladi.

Lekin, shu bilan birga, AQSHda Germaniya va O'zbekiston Respublikasidan farqli ravishda ayblanuvchining unga qo'yilgan ayblovga roziligi munosabati bilan sud qarori qabul qilish mexanizmi "aybiga iqrorlik bitimi" instituti amal qiladi. Ammo, hozirda AQSH jinoyat protsessi nazariyasi va amaliyotida mazkur institut qo'llanilishiga ikkiyoqlama munosabat kuzatiladi.

AQSH va Germaniyada jinoyat ishini qo'zg'atishning formal shakli mavjud emasligi, jinoyatlarni tez va samarali tergov qilishga xizmat qiladi. Mazkur davlatlarda surishtiruv dastlabki tekshiruvdan iborat bo'lib, uni mazmun mohiyatiga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual Kodeksida nazarda tutilgan tergovga qadar tekshiruvga tenglashtirish mumkin. Bu ikki tekshiruvdagi asosiy farq shundaki, politsiya bizning qonunimizga

binoan jinoyat ishi qo'zg'atilgandan keyin o'tkazilishi mumkin bo'lgan tergov harakatlarini ham amalga oshirish vakolatiga ega.

Mazkur davlatlar qonunchiligining o'ziga xos jihati, jinoyatlarni tergov qilishda, uning nihoyatda ratsionalligida namoyon bo'ladi, ya'ni kuch va vositalarni tejashga intilish, normalarda qaytarilish va parallelizmga yo'l qo'ymaslik tendensiyasi ustuvor.

Jinoyatchilikka qarshi kurash borasida, jahon tajribasi avvaldan har bir jinoyatni fosh etish va jinoyatlarni ochishda 100% natijaga erishishdan voz kechgan. Mazkur pastulatning amalda tatbiq etilishi jinoyatlarni ro'yhatga olishdan yashirishda manfaaddorlik, ochilmagan jinoyatlarni ochilgan jinoyatlar toifasiga asossiz o'tkazish va statistikani boshqa shakllarda manipulyatsiya qilish holatlariga chek qo'ydi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, surishtiruv ishlari jinoyat ishini tergov qilish jarayonining ilk bosqichida amalga oshiriladigan faoliyatdir. Surishtiruv jinoyatni tergov qilishda katta ahamiyat kasb etadi.

Shunday ekan, surishtiruvning qanday olib borilishi ko'p jihatdan jinoyat ishining ijobiy yoki salbiy yakun topishiga asos bo'la oladi. Ma'lumki, jinoyat ishi yuzasidan ma'lumotlarni aniqlash surishtiruv ishlari orqali amalga oshirilib, aynan ushbu faoliyat orqali kerakli ma'lumotga erishiladi.

Tergov harakatlari va tezkor-qidiruv choralari birgalikda olib borish surishtiruvning o'ziga xos jihati hisoblanadi.

Tergovchi surishtiruvchidek jinoyatning kelib chiqish sabab va sharoitlarini aniqlash va ularga yo'l qo'ymaslik choralari ko'rishi shart.

Tergovchi surishtiruvchiga nisbatan mustaqil hisoblanadi. Buni quyidagi misollarda ko'rish mumkin.





Tergovchi va surishtiruvchining yurituvdagi ishi yuzasidan qonunga muvofiq bergan yozma topshiriqlari va chiqargan qarorlari barcha korxonalar, muassasalar, tashkilotlar, mansabdor shaxslar va fuqarolar tomonidan ijro etilishi majburiydir.

Qonun surishtiruvchi va tergovchiga qator majburiyatlarni ham yuklaydi. Ulardan biri, bu prinsip darajasiga chiqarilgan jinoyat ishini qo'zg'atishdir.

Masalan, 2024-yilning yanvar-noyabr oylarida Toshkent shahar ichki ishlar organlarining tergovchilari va surishtiruvchilari tomonidan birgina qasddan badanga shikast yetkazish (105, 106, 107, 108-moddalar) jinoyatlari bo'yicha tamomlangan jinoyat ishlari statistikasi shuni ko'rsatadiki, dastlabki tergovda 45 ta jinoyat ishi doirasida 46 ta shaxsga nisbatan, surishtiruv esa 20 ta ish doirasida 20 ta shaxsga nisbatan jinoyat ishi qo'zg'atilib, dastlabki tergov va surishtiruv tamomlangan.

Bundan tashqari, amaliyotda surishtiruv jinoyat ishi qo'zg'atilgan kundan boshlab, bir oydan oshmagan muddatda tamomlanishi lozim, ba'zi jinoyat ishlarining xususiyatiga ko'ra, qo'shimcha tergov o'tkazilishi, ekspert xulosalarining kechikishi yoki ularni olish bilan bog'liq muammolar muddatni buzilishiga olib kelmoqda. Ushbu holatda, surishtiruvchilar jinoyat ishini dastlabki tergovga o'tkazishi lozim, ammo ular tomonidan jinoyat ishlarini davom ettirish holatlari hamda yakunida jinoyat ishi tergovchining imzosi bilan keyingi protsessual harakatlarga o'tkazish holatlari kuzatilmoqda. Bu kabi holatlar tergovchining ish yuklamasi ko'pligi bilan bog'liq.

Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, ish yuklamasining ikki institut vakillari uchun notengligi o'z navbatida, dastlabki tergovni murakkab shakl, surishtiruvni esa soddalashtirilgan shakl deb hisoblanishi, shuningdek, surishtiruvni esa dastlabki tergovning surishtiruv shakli sifatida bayon etish maqsadga muvofiq.

Shu bilan birga, surishtiruvchini lavozim yoki protsessual maqom sifatida alohida isbot qilish ishtirokchilari qatoridan chiqarib, jinoyat ishi bo'yicha dastlabki tergov o'tkazishning soddalashtirilgan shakli sifatida e'tirof etilsa, amaliyotdagi turli ish hajmi notengligi, protsessual muddatlar va boshqa muammolarga joiybi yechim topilar edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- [1] Григорьев V.N. Фемида в поисках удобной формы (о некоторых современных тенденциях в развитии уголовно-процессуальной формы) // Актуальные проблемы российского права. 2015. № 12. С. 116.
- [2] Strogovich M.S. Курс советского уголовного процесса. М., 1968. Т. 1. С. 51.
- [3] Строгович М. С. Курс сов. уголовного процесса, Т. 2, М.: 1978 -27-6; Рустамбаев М.Х, Никифорова Е.Н. "Правоохранительные органы" Т.: 2002. 281б; Громов Н.А., Аннелков С.И., Кузнецова Ю.В. Дознание и предварительное следствия сущность, задачи и значения стадии предварительного расследования. // Следователь. 2000. №4. 13-б.; "Правоохранительные органы" учебник для вузов под редакций профессора К.Ф. Гуценко (издание четвертое, переработанное и дополненное) изд. "Зерцало" -М.: 1998. 318-б; Уголовный процесс Республики Казахстан (особенная часть) схемы и определения Алматы Библиотека Казахского Государственного Юридического Университета 1999. 12-б.; Жогин N.V., Фаткуллин Ф.Н. "Предварительное следствие" изд. "Юридическая литература" - М.: 1965. 49-б; "Уголовно-процессуальное право Российской Федерации" под редакцией проф. Лупинская П.А глава X (издание второе, переработанное и дополненное) М.: издательство "Юристъ" 1997. 249-б; Уголовный процесс Республики Казахстан (особенная часть) схемы и определения г. Алматы 1999. изд. Библиотека Казахского Государственного Юридического Университета. 11-б; Рыжаков А.П. "Краткий курс уголовного процесса". Учебное пособие. "Филин" -М.: 1998. 208-б; Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М.: Фирма "СПАРК", 1995. 130-б.
- [4] Elektron manba: URL: <http://lex.justice.md/viewdoc.php?id=326970&lang=2>
- [5] Трефилов А. А. Организация досудебного производства по УПК Швейцарии 2007 года. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Москва - 2014. с 8-9.
- [6] Ларичев В. В. Предварительное расследование преступлений США и Германии. Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Москва, 2004.




**ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИНИ**

ТЕРГОВГА КАДАР ТЕКШИРУВ

**ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ**

**THE SOCIAL NECESSITY OF
IMPROVING THE PROCEDURAL
ACTIVITIES OF PRE-INVESTIGATIVE
INSPECTIONS CONDUCTED BY LAW
ENFORCEMENT AGENCIES**



Асроржон ЭРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Ташкилий
департамент, Мурожаатлар
билан ишлаш бошқармаси
бош инспектори,
подполковник

Asrorjon ERALIEV,
Chief Inspector of the
Appeals Handling
Department, Organizational
Department of the Ministry
of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan,
Lieutenant Colonel





Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат бўлиб, терговга қадар текширувни ўтказиш ошириш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.¹

Ислохотлар натижаси ўлароқ, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев илгари сурган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя тобора давлат сиёсатида устуворлик касб этиб бормоқда.²

Дарҳақиқат, бугунги шиддат билан ривожланаётган замонда, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда ички ишлар органларининг терговга қадар текширув фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Терговга қадар текширув жиноят процесси босқичларидан бири бўлиб, қуйида ушбу босқичлар ҳақида тўхталиб ўтишни лозим. Жиноят процесси нафақат давлат органлари ва шахсларнинг қатъий белгиланган тартибдаги фаолиятини, балки жиноят ишини юритиш босқичларига ажратилган процессуал ҳаракатлар тизими ҳам қамраб олади. Бундай ҳаракатлар тизими муайян босқичларда фаолият олиб боришни таъминлайди. Жиноят процессининг босқичи умумий вазифалар билан бирлаштирил-

ган ҳамда ваколатли органлар иш бўйича чиқарадиган ҳулосалар билан яқунланувчи процессуал ҳаракатлар ва қарорлар мажмуидир. ҳар бир босқич кейинги босқичларда муваффақиятли фаолият кўрсатилиши учун зарур шарт-шароит яратади.

Жиноят процесси терговга қадар текширув (жиноят ишини қўзғатиш), жиноят ишини тергов қилиш (суриштирув ва дастлабки тергов), жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш, суд муҳокамаси (суд мажлиси), апелляция тартибида иш юритиш, кассация тартибида иш юритиш, тафтиш тартибида иш юритиш, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш каби босқичлардан иборат.³

2017 йил 6 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни мамлакатимизда терговга қадар текширувни мустақил институт сифатидаги мақомини мустаҳкамлади ҳамда терговга қадар текширувни тезкорлик билан ўтказилишини таъминлашга, суриштирув фаолияти сифатини оширишга, шунингдек жиноят ишларини текширишда бир-бирини такрорлашларнинг олдини олишга хизмат қилди.⁴





И



Ички ишлар органларининг терговга қадар текширув фаолиятини очиб беришдан олдин “терговга қадар текширув” тушунчасига ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Терговга қадар текширув-жиноят процессининг биринчи ва зарурий босқич бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят иши қўзғатиш учун сабаб ва асос мавжудлигига доир масалани ҳал қилади, жиноят аломатлари аниқланганда жиноят иши қўзғатади, ёки мавжуд асосларга кўра жиноят иши қўзғатишни рад этади.

“Терговга қадар текширув деганда, жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни” тушунилади.⁵

А.Султонов, М.Саттаров
ва бошқаларнинг фикрича эса, терговга қадар текширув



ТЕРГОВГА

қадар текширув-жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотларни рўйхатга олиш, ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади.

деганда жиноятчиликка қарши курашиш вазибаларини бажаришга қаратилган, Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмас тергов ва бошқа барча ҳаракатларни ўтказиш фаолиятдан иборат бўлган ишни судга қадар юритишнинг алоҳида шакли тушунилади.

Терговга қадар текширув фаолияти содир этилган жиноятни аниқлаш, жиноят содир этган шахсни топиш ва уни жиноий жавобгарликка тортиш учун терговга қадар текширув органлари томонидан амалга ошириладиган жиноят-процессуал фаолият бўлиб, жиноят ишининг тез ва тўла, холисона, ҳар томонлама тергов қилиниши ва жиноят содир этган шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат⁶.

Терговга қадар текширув-жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотларни рўйхатга олиш, ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади.

Терговга қадар текширувни ўтказиш амалиёти турли давлатларда турлича тартибга солинган. Европа Иттифоқи ва



АҚШда терговга қадар жараён шаффоф ва ахборот технологиялари асосида амалга оширилади. Францияда тергов судьялари мустақил равишда текширув ўтказиб, жиноят ишларини назорат қилади⁷. Германияда эса терговга қадар жараён прокурор назоратида олиб борилади⁸. Россияда ички ишлар органлари ҳамда ФСБ ушбу жараёни ташкил этади⁹. Россияда терговга қадар текширув жараёни ички ишлар органлари ва прокуратура томонидан бошқарилади. Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, полиция ходимлари дастлабки суриштирувни амалга оширади ва топилган далиллар асосида иш юритиш тўғрисида қарор қабул қила-

ди. Шунингдек, Россияда терговга қадар текширув жараёнида прокуратуранинг назорат функцияси кенг ёйилган бўлиб, бу жараённинг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади¹⁰.

Тожикистонда эса терговга қадар текширув жараёни ички ишлар органлари, прокуратура ва давлат хавфсизлик хизмати томонидан олиб борилади. Тожикистон Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича дастлабки текширувни ички ишлар органлари амалга оширади, кейин эса прокуратура назоратида иш юритилади¹¹.

Жиноят ва ходисаларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан ўтказиладиган терговга қадар текширув ҳаракатлари жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 14 та терговга қадар текширув органлари мавжуд бўлиб улардан энг асосий ички ишлар органлари ҳисобланади¹².

Ички ишлар органларининг терговга қадар текширув билан боғлиқ фаолияти таҳлиллари жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, етказилган зарарни қоплаш ва жавобгарликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиб келаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жиноят-процессуал кодекси ва идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларда жиноят ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш ва кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланмаганлиги, терговга қадар текширув ўтказиш тартиби ва мансabdор шахсларнинг ваколатлар аниқ белгиланмагани, далилларни тўплашда айрим тергов ҳаракатлари фақатгина жиноят иши қўзғатилгандан сўнггина ўтказилиши сабабли, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш

Р Россияда терговга қадар текширув жараёни ички ишлар органлари ва прокуратура томонидан бошқарилади.





Ички ишлар вазирлигига терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларидан норозилик масаласида келиб тушган мурожаатлар 2022 йилда жами келиб тушган мурожаатларни 9,3 фоиз¹³ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 10,7 фоиз¹⁴ни ташкил этиб, 1,4 фоизга кўпайган.

ва жиноят содир этган шахсларни жавобгарлигини таъминлаш, жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклашда муаммолар юзага келмоқда.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида йўл қўйилаётган тизимли камчиликлар эса фуқароларни давлат органларига нисбатан ишончсизлик билан норози кайфиятда юқори инстанцияларга шикоят қилишларига замин яратмоқда. Мисол учун, Ички ишлар вазирлигига терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларидан норозилик масаласида келиб тушган мурожаатлар 2022 йилда жами келиб тушган мурожаатларни **9,3 фоиз¹³**ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда **10,7 фоиз¹⁴**ни ташкил этиб, 1,4 фоизга кўпайган.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларидан норозилик масаласидаги мурожаатлар 2023 йилда 2022 йилга нисбатан эса **16 фоизга** ошиб кетган.

Ички ишлар органлари томонидан жиноятчилик-

ка қарши курашда терговга қадар текширув фаолияти муҳим ўрин тутиб, у жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатмаслик ҳақида қарор қабул қилиш учун дастлабки далилларни йиғишни ўз ичига олса-да, амалиётда ушбу жараёнда қатор муаммолар мавжудлиги асосан инсон ҳуқуқлари бузилишига, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг 39¹-моддасида белгиланган терговга қадар текширув органлари вазифа ва функциялари ўрганилганда модданинг 1-бандида ички ишлар органлари кўрсатилган бир пайтда 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари алоҳида терговга қадар текширув органи сифатида белгиланган. Ваҳоланки, Жазони ижро этиш департаментининг ўзи ҳам Ички ишлар вазирлигининг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг тизими-Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари),



**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ,
СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДАН
НОРОЗИЛИК МАСАЛАСИДАГИ
МУРОЖААТЛАР**

2023 ЙИЛДА
2022 ЙИЛГА НИСБАТАН ЭСА 16 ФОИЗГА
ОШИБ КЕТГАН.



жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборат¹⁵.

Ўрганишлар давомида эса, амалиётда жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари томонидан терговга қадар текширув ўтказилмаслиги, терговга қадар текширув ҳаракатлари жазони ижро этиш муассасалари тезкор вакиллари томонидан ўтказилиши, тезкор вакиллар томонидан жиноят-процессуал кодексининг 330-моддасига асосан қабул қилинган қарорлар эса жазони ижро этиш муассасаси бошлиқлари томонидан тасдиқланаётганлиги аниқланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 39¹-моддаси биринчи қисми 4-бандида кўрсатилган терговга қадар текширув органи (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича) 1-бандида кўрсатилган ички ишлар органлари таркибига кириши сабабли ушбу бандни жиноят-процессуал кодексдан чиқариб ташлаш таклиф этилади.



Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ички ишлар органларининг терговга қадар текширув ўтказиш бўйича процессуал фаолиятини такомиллаштириш ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳим масала бўлиб, унинг самарадорлиги жамиятда қонунийликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали ҳуқуқ-тартибот органларининг ишончли ва самарали фаолиятига ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари тўла таъминланишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғриси” ги 2026 ЎРҚ-407-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>
2. Электрон манба. <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/22/islohotlar>
3. Д.М. Миразов, Б.Б. Муродов, Ш.А.Қулматов, А.А.Султонов ва бошқалар Жиноят процессуал ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академик лицейлари учун дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т., 2019. 13 –6
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ЎРҚ-442-сон Қонуни. Тошкент ш. 2017 йил 6 сентябрь.
5. Д.М. Миразов, Б.Б. Муродов, Ш.А.Қулматов, А.А.Султонов ва бошқалар Жиноят процессуал ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академик лицейлари учун дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т., 2019. 13 – 146.
6. Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генералмайор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 8 б
7. Code de procédure pénale, Франция, 2020.
8. StPO (Strafprozessordnung), Германия, 2021.
9. Жиноят-процессуал кодекси, Россия, 2022.
10. Федеральный закон «О полиции» РФ, 2021.
11. Жиноят-процессуал кодекси, Тожикистон, 2021.
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 2024. <https://lex.uz/docs/111460#3347244>
13. Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департамент Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг 2022 йил якунлари бўйича таҳлилий маълумоти.
14. Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департамент Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг 2023 йил якунлари бўйича таҳлилий маълумоти.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғриси” ги 2026 ЎРҚ-407-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>



Alisher G'AYBULLAYEV,
*O'zbekiston Respublikasi IIV
Tashkiliy departament Yuridik
ta'minlash boshqarmasi bo'lim
boshlig'i, podpolkovnik, Yuridik
fanlar doktori
O'zbekiston, 100029, Toshkent sh.,
Yakkasaroy tumani, Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1-uy. Elektron pochta:
info@mvd.uz
* Xat yozish:
alisher.law@gmail.com*

OMONAT SAQLASH

**SHARTNOMASI BO'YICHA YECHIMINI
KUTAYOTGAN AYRIM MASALALAR**

**SOME ISSUES AWAITING A
SOLUTION ON STORAGE**





ANNOTATSIYA:

Jahonda omonat saqlash munosabatlarining iqtisodiy sektorda tutgan o'rnini aniqlash hamda uning yangi turlarini o'rganishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Huquqiy maydon tashqarisida amalda bo'lib kelayotgan ayrim omonat saqlash munosabatlarida ashyoning tasodifiy nobud bo'lish xavfini o'tkazishga doir muammolar esa muayyan ilmiy metodologik yondashuvlarni o'rganish va tahlil etishni taqozo etadi.

Shu bois, ushbu maqolada omonat saqlash munosabatlarining jaxon amaliyotida bo'lib kelayotgan ayrim turlari, bu borada O'zbekiston qonunchiligida o'z yechimini kutayotgan masalalar, omonat saqlashning ushbu turlari huquqiy maqomi va ularda saqlash bilan bog'liq qoidalarini belgilash, mazkur muammolar yechimiga oid normalarni qonunchilikka singdirish kabi jihatlar tahlil qilgan holda o'rganilgan.

Materials and methods of research (Tadqiqotning usullari): Tadqiqotda tarixiy va tizimli yondashuv, analiz va sintez, qiyosiy-huquqiy va tahlil qilish, normativ-huquqiy va amaliy tahlil, statistik ma'lumotlarni umumlashtirish va yakuniy xulosani shakllantirish, mantiqiylik, huquqni qo'llash kabi usullardan foydalanilgan.

Results of the study (Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi): O'tkazilgan izlanish natijasida banklar o'zining moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirishi jarayonida hujjatlarni yoki qimmatliklarni saqlash uchun maxsus binolarni yoki ularning ichidagi seyflarni ijaraga berishi mumkinligi to'g'risidagi takliflar O'zbekiston Respublikasining "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi 05.11.2019-yildagi O'RQ-580-son Qonunning 5-moddasi birinchi qismi o'n beshinchi xatboshisini ishlab chiqilishida foydalanilgan.

Conclusion (Xulosa): Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi amalda mavjud bo'lgan barcha saqlash munosabatlarini qamrab olmaydi. Fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish, qonun hujjatlari va huquqni qo'llash amaliyotiga rioya etilishini ta'minlash maqsadida mulkning ayrim turlarini, shu jumladan avtotransport vositalarini saqlashga doir munosabatlarni tartibga soluvchi normalarni joriy etish maqsadga muvofiq.

KEY WORDS (KALIT SO'ZLAR): omonat saqlash, majburiyat, huquq, shartnoma, fuqarolik huquqi, omonat saqlovchi, yuk topshiruvchi, depozitariy, notariat faoliyatda omonat saqlash, transport vositalarini omonat saqlash.

ABSTRACT:

In the world, special attention is paid to the contract of storage of property and the comprehension of their new types, the definition of the place of these relations in the economy. Problems associated with the transfer of the risk of accidental loss of property in individual contracts for storage, existing outside the legal field, require a different approach and analysis, including the establishment of scientific and methodological analysis.

This article examines some types of storage existing in world practice, analyzes special problems and issues awaiting their solution in the legislation of Uzbekistan, considers the introduction of new norms in legislation related to the decision on special types of storage, studies the legal statuses and rules related to storage.

Materials and methods of research: A number of methods of scientific knowledge were used in writing this dissertation. In particular, such methods as a systemic approach, logic, comparative legal analysis, preparation of analytical material, generalization of statistical data and formation of the final conclusion were effectively used in writing the work.

Results of the study: The results obtained from the research were used in proposals on the possibility of banks providing for rent special premises or safes located in them for storing documents or valuables were reflected in the development of paragraph fifteen of part one of Article 5 of the Law of the Republic of Uzbekistan «On banks and banking activities» dated 05.11.2019 No. ZRU-580;

Conclusion: It should be noted that the Civil Code of the Republic of Uzbekistan does not cover all types of storage that exist in practice. In order to improve civil legislation and ensure compliance of legislation and law enforcement practice, it is advisable to introduce rules governing relations on the storage of certain types of property, including vehicles in parking lots as a separate type of storage.

KEY WORDS: storage, obligation, right, contract, civil law, responsible for storage, principal, supplier of the thing, depository, storage in notarial activities, storage of vehicles.



1. INTRODUCTION (KIRISH)

Mamlakatimizda hozirgi kunda, omonat saqlash faoliyati ko'plab sohalarida qo'llanilmoqda. "Yurtimizda izchillik bilan amalga oshirilayotgan huquqiy islohotlar sharoitida sohaga doir qonunchilikni xalqaro standart talablariga muvofiqlashtirish bo'yicha tegishli takliflar ishlab chiqish ustuvor vazifa sanaladi"[1]. Prezidentimiz tomonidan "tayyor mahsulotlarni saqlash va qayta ishlash jarayoniga zamonaviy innovatsion, resurs tejaydigan texnologiyalarni joriy qilish masalalariga alohida e'tibor qaratish"[2] lozimligi bo'yicha aniq choralarini ko'rish yuzasidan topshiriq berilishi bejiz emas albatta. Shu bois, omonat saqlashning yangi turlari: biomateriallarni omonat saqlash, konsignatsiya omborida omonat saqlash, pullik avtoturargohlarda avtotransport vositalarini omonat saqlash, sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish tovar omborida omonat saqlovchilariga nisbatan majburiy talab sifatida belgilashga oid huquqiy qoidalarni belgilash alohida dolzarblik kasb etadi.

Bir jihatga alohida ahamiyat berish zarur. Zamonaviy shaharlarining rivojlanishi, birinchi navbatda, infratuzilmani rivojlantirish, turar-joy binolari, savdo markazlarini ommaviy qurish, binolarni zichlashtirish, turar-joy binolarining qavatlarini sonini ko'paytirish va buning natijasida aholi zichligini oshirish bilan bog'liq. O'tgan asrning oxiridan boshlab esa avtomobillar soni sezilarli darajada ortdi. "2024-yilning 1-yanvar holatiga ko'ra, O'zbekistonda jismoniy shaxslarga tegishli

davlat ro'yxatidan o'tgan yuk avtomobillari soni 240 917 tani tashkil etgan.

2023-yilning 1-yanvar holatiga ushbu ko'rsatkich 219 628 tani tashkil etgan bo'lib, bir yil davomida jismoniy shaxslarga tegishli yuk avtomobillari soni 21 289 taga ko'paygan[3].

2024-yil 1-yanvar holatiga respublikada jismoniy shaxslarga tegishli jami 4 020 744 ta avtotransport vositalari mavjud. Hududlar orasida eng ko'p transport vositalari Toshkent shahrida (624 022 ta), Samarqand (448 702 ta) va Toshkent (439 660 ta) viloyatlarida qayd etilgan. Hisobotda qayd etilishicha, ushbu hududlar mamlakat aholisiga tegishli avtomobillar umumiy sonining 37,6 foizini tashkil qiladi [4].

Vaqt o'tishi bilan yengil avtomobillar parki yanada ko'payib borishi aniq. Misol uchun, kelgusi yilda mamlakatimizning iqtisodiy sektori tomonidan 450 ming dona avtomobil ishlab chiqarish rejalashtirilgan, eksport hajmi esa 700 million dollarga yetishi kutilmoqda.

Statistika agentligining 2024-yilning to'qqiz oylik e'lon qilgan ma'lumotiga qaraganda, yanvardan sentabrgacha O'zbekistonda 297 ming yengil avtomobil ishlab chiqarilgan. Shundan kelib chiqib, mamlakatimizda har oyda o'rtacha 40 mingga yaqin yengil avtomobillar ishlab





chiqarilmoqda desa ham xato bo'lmaydi[5].

Albatta, yengil avtomobillarning normal harakatini tashkil etish ularga texnik xizmat ko'rsatishga, shuningdek, doimiy (masalan, egalarining yashash joylarida) va vaqtincha (alohida obyektlar yaqinida) saqlash shartlariga bog'liq.

Kuzatishlar davomida ma'lum bo'lishicha, shaharlarda bitta individual yengil avtomobilning o'rtacha yillik yurishi 10-15 ming km.dan oshmaydi. Har bir alohida yengil avtomobil har kuni o'rtacha 1-3 soatdan ko'p bo'lmagan (yiliga taxminan 400-1000 soat) vaqt oralig'ida harakatlansa, to'xtash joylarida esa kuniga 21 soatdan 23 soatgacha bo'lib keladi. Afsuski shaharsozlikda bu holatlarga kam ahamiyat beriladi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, zamonaviy shaharlarda transport vositalarini saqlash uchun joylar shahar bosh rejasida ajratilishi kerak. Biroq, bugungi kunda bu masala ideal darajada o'z yechimini topgan ham deb bo'lmaydi. Bundan tashqari, avtotransportning jadal rivojlanishi muayyan muammolarni keltirib chiqarishi, ularni hal qilishning ilmiy yondashuvlarini talab qilishi sir emas.

2. MATERIALS AND METHODS: (MATERIALLAR VA USULLAR)

Amaldagi Fuqarolik kodeksi bugungi kunda amaliyotda keng qo'llanilayotgan omonat

TRANSPORT

vositalarini saqlash tadbirkorlik subyekti tomonidan amalga oshirilgan taqdirda, bunday shartnoma ommaviy va qo'shilish shartnomasi sifatida talqin etilishi kerak. Pulli avtoturargohlarda nafaqat jismoniy shaxslarga, balki tashkilotlarga ham xizmat ko'rsatilishi, zamonaviy bozor iqtisodiyotining ajralmas qismi bo'lib sanaladi.

saqlashning ayrim turlarini nazarda tutmaydi. Masalan, FKda transport vositalarini saqlash, muayyan ashyolarni saqlash kabi shartnomalar mavjud emas. Bundan farqli ravishda Ukraina Grajdanklik kodeksining 977-978-moddalarida omonat saqlashning mazkur turlari o'z ifodasini topgan. Yaponiyada esa tashrif buyuruvchilarga maishiy qulayliklar yaratish maqsadida bepul avtoturargoh xizmatining tashkil etilishi bo'yicha qonuniy asoslar mustahkamlanganligini e'tirof etish mumkin.

Milliy qonunchiligimizda yuridik shaxslar tomonidan avtomototransport vositalarini saqlash xizmatlari ko'rsatish sohasidagi faoliyatni amalga oshirish tartibini belgilagan hujjat bo'lib Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 31-iyuldagi 213-son qarori bilan tasdiqlangan "Avtomototransport vositalarini doimiy va vaqtincha saqlash joylarini tashkil etish va ulardan foydalanish tartibi to'g'risida" nizom[6] sanalsa-da, ushbu hujjat ham avtomototransport vositalarini omonat saqlash bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solmaydi.

Xususan, transport vositalarini saqlash tadbirkorlik subyekti tomonidan amalga oshirilgan taqdirda, bunday shartnoma ommaviy va qo'shilish shartnomasi sifatida talqin etilishi kerak. Pulli avtoturargohlarda nafaqat jismoniy shaxslarga, balki tashkilotlarga ham xizmat ko'rsatilishi, zamonaviy bozor iqtisodiyotining ajralmas qismi bo'lib sanaladi.



3. RESULTS: (TADQIQOT NATIJALARI):

Transport vositalarining to'g'ri saqlanishiga, ularning tashqi ko'rinishiga ta'sir ko'rsatilmaligi hamda ularga nisbatan sodir etilishi mumkin bo'lgan barcha xavfni bartaraf etilishini ta'minlash, birinchi iltimosiga binoan transport vositasini qaytarish majburiyatining transport vositalarini saqlashni amalga oshirayotgan tadbirkorlik subyekti zimmasiga yuklanishi hozirgi kunga qadar ochiq qolmoqda. Qonunchilikni takomillashtirish bir vaqtning o'zida omonat saqlash shartnomasi bilan qo'riqlash shartnomasining jihatlarini yoritib borishni ham talab etadi.

Masalan, Rossiya Federatsiyasi Shaharsozlik kodeksi 1-moddasi 21-bandida va Yo'l harakati qoidalarining 1.2 bandiga binoan to'xtash joyi (парковка), qoida tariqasida, avtomobil yo'lga, yer osti o'tish joylariga yoki ko'priklarga, maydonlarga va yo'l tarmog'ining boshqa obyektlariga, binolar, inshootlar yoki qurilmalarga qo'shimcha obodonlashtirish elementi sifatida yaratilgan joy bo'lib, uning vazifasi transport vositalarini tashkiliy to'xtash joyini shakllantirish bo'lib hisoblanadi[7].

Avtoturargoh esa – bu avtotransport vositalarini saqlash uchun mo'ljallangan bino, inshoot (bino, inshootning bir qismi) yoki maxsus ochiq maydon bo'lib sanaladi[8].

Rossiya Federatsiyasi Hukumatining qarori bilan tasdiqlangan To'xtash joyi xizmatlarini ko'rsatish qoidalarining 32-bandida esa, agar shartnomada boshqacha qoida nazarda tutilgan bo'lmasa, xizmat ko'rsatuvchi provayder transport vositasining to'g'ri saqlanishi uchun javobgar bo'lishi va uning o'g'irlanishi, shikastlanganligi yoki to'liqligi yo'qolgan

taqdirda yo'qotishlarni qoplashi shartligi to'g'ridan to'g'ri ko'rsatilgan.

Biroq, qonunchilikni chuqur tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, hudud qachon to'xtash joyi va qachon avtoturargoh ekanligini farqlashga imkon beradigan universal qoida yo'q. Amaliyotda har bir aniq holatda bu masalani sud hal qilishi kerak bo'lib qolmoqda. Avtoturargoh egalari va avtomobil egalari o'rtasida avtomobillar ichidagi narsalarni yoki ularning butlovchi qismlarini, avtomagnitola hamda boshqa turdagi mol mulkini o'g'irlash holatlari bo'yicha nizolar kam uchraydi albatta, lekin ularni inkor etib bo'lmaydi.

Fikrimizcha, biz ham milliy qonunchiligimizda Ukraina, Rossiya Federatsiyasi yoki Yaponiya kabi mamlakatlarning tajribasidan foydalanish o'rinli bo'lar edi. Bu bilan fuqarolik huquqiy normalarning tekin xizmat ko'rsatish segmentini qonuniy kengaytirilishi hamda yashirin iqtisodiyotdan qonuniy (legal) iqtisodiyotga o'tilishning huquqiy asoslari yaratilgan bo'lar edi.

Bundan tashqari, ko'plab mamlakatlarda inson, uning daxlsizligi va huquqlari ma'lum bir shartnomalarning predmeti bo'lib sanaladi. Masalan Armanistonning "Xususiy xavfsizlik faoliyati" to'g'risidagi qonunida "o'zining hayoti va sog'lig'ini yoki shartnomada ko'rsatilgan shaxslarning hayoti va sog'lig'ini himoya qilish uchun qo'riqlash va qo'riqlash faoliyatini amalga oshiruvchi nodavlat tashkilot bilan pullik asosda shartnoma tuzgan jismoniy shaxs qo'riqlanadigan shaxs"[9] bo'lib sanalishi belgilangan.

Д.В. Бездетко o'zining izlanishlarida inson hayoti va sog'lig'iga doir shartnoma predmetini tahlil qilishga alohida e'tibor qaratib, hayot va sog'liqni



shartnoma bo'yicha qo'riqlanadigan ne'matlar sifatida o'rganadi[10].

Shu bilan bir qatorda, biz uy hayvonlarini ham saqlash xizmatlari ko'plab davlatlarda keng qo'llanilayotligini ta'kidlashimiz joiz (shu jumladan ushbu xizmat turi bizning mamlakatimizda ham o'z faoliyatini olib bormoqda). Bu bilan bir jihatga e'tibor qaratish lozim bo'ladi, demak saqlash predmeti doirasi bugungi kunda nafaqat jonsiz narsalarni, balki inson yoki hayvonni ham predmet sifatida qamrab olayotganligini ko'rishimiz mumkin. Biroq, ushbu munosabat ham Fuqarolik kodeksida umumiy qoidalar bilan tartibga solinishi kerakligidan kelib chiqib, uning huquqiy asosi sifatidagi maxsus normani kodeksga kiritish kerakligi ta'kidlanadi.

Qolaversa umumiy qoidaga ko'ra "qonunchilikda boshqacha tartib belgilangan bo'lmasa, mol-mulk to'g'risidagi umumiy qoidalar hayvonlarga nisbatan ham qo'llanilishi"[11] (FK-93) ham belgilangan.

Shunga ko'ra, nazarimizda mamlakatimizning amaldagi Fuqarolik kodeksiga "Avtotransport vositalarini saqlash" va "Qo'riqlash shartnomasi" kabi moddalarni kiritish maqsaddan holi bo'lmaydi.

Saqlashning yana bir turi bo'lib sanalgan "fan, adabiyot va san'at asarlarini (mualliflik huquqi), ijrolar, fonogrammalar, efir yoki kabel orqali ko'rsatuv yoxud eshittirish beruvchi tashkilotlarning ko'rsatuvlari yoki eshittirishlarini (turdosh huquqlar)"[12] predmetlarini saqlash



KO'PLAB MAMLAKATLARDA INSON, UNING DAXLSIZLIGI VA HUQUQLARI MA'LUM BIR SHARTNOMALARNING PREDMETI BO'LIB SANALADI. MASALAN ARMANISTONNING "XUSUSIY XAVFSIZLIK FAOLIYATI" TO'G'RSIDAGI QONUNIDA "O'ZINING HAYOTI VA SOG'LIG'INI YOKI SHARTNOMADA KO'RSATILGAN SHAXSLARNING HAYOTI VA SOG'LIG'INI HIMOYA QILISH UCHUN QO'RIQLASH VA QO'RIQLASH FAOLIYATINI AMALGA OSHIRUVCHI NODAVLAT TASHKILOT BILAN PULLIK ASOSDA SHARTNOMA TUZGAN JISMONIY SHAXS QO'RIQLANADIGAN SHAXS" BO'LIB SANALISHI BELGILANGAN.

munosabatlarini ko'rib chiqsak.

Mazkur munosabatlar O'zbekistonda "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida"gi qonun bilan tartibga solinadi. Ushbu qonunga muvofiq (22-modda) asar saqlash uchun har kimning foydalanishi mumkin bo'lgan saqlash joyiga (depozitariyga), ommaviy shartnoma asosida topshirilishi mumkin. Mualliflik huquqi va turdosh huquqlarga oid munosabatlar Fuqarolik kodeksining 1041-1081-moddalari bilan ham tartibga solinadi.

Mazkur munosabat jahonda qanday tartibga solinganligiga ahamiyat berilsa agar, "leagal deposit" (yuridik omonat) - bu shaxs yoki bir guruh odamlarning nashrlari yoki ular nusxalarini saqlash uchun topshirish munosabati bo'lib tushuniladi. Odatda saqlash uchun topshiriladigan joy bo'lib kutubxonalar (shu jumladan, milliy kutubxonalar)





hisoblanadi. Topshirishda nusxalar soniga nisbatan talablar ham mavjud bo'lib, ular turli davlatlarda farq qiladi. Mazkur talabni tartibga soluvchi qonunchilik turli davlatlarda farq qilsa-da, lekin u ko'pincha mualliflik huquqini tartibga soluvchi qonunlarida o'z ifodasini topadi. Masalan ayrim davlatlarda Hukumat ham hujjatlar nusxalarini saqlash uchun bu kabi kutubxonalarga yuborishi shart bo'lib hisoblanadi.

XX-asrning oxirigacha "leagal deposit" faqat bosma (audiovizual) materiallarga nisbatan qo'llanilgan bo'lsa, biroq raqamli asrning talabidan kelib chiqib, bu munosabatning obyekti elektron ko'rinishini ham egalladi. Ushbu talabning yuzaga kelishini yana bir jihati shu bilan bog'liq bo'ldiki, milliy "leagal deposit"larda saqlanadigan kitoblar soni yildan-yilga ko'payishi oqibatida, ularning raqamli shakliga bo'lgan talabning sezilarli o'sishi hisoblandi[13].

Masalan, Avstraliyada chop etilgan barcha materiallarning nusxalarini uning Milliy kutubxonasiga saqlashni talabi mavjud (1968-yildagi Mualliflik huquqi to'g'risidagi qonuni 201-bo'limi). Xitoyda har bir bosma nashrning uchta nusxasi uning Milliy, Nashrlar arxivi kutubxonalari va Davlat arxiviga topshirilishi kerakligi mustahkamlangan (2001-yildagi Nashrlarni boshqarish to'g'risida nizom 22-band).

Fransiyada bu kabi saqlash munosabatlari 1537-yildagi Monpele farmoniga ko'ra boshlangan bo'lib, dastlab har qanday nashr etilgan kitobning nusxasi qirolik kutubxonasiga saqlanish uchun yetkazilishi kerak bo'lgan. Bugungi kundagi asosiy saqlash joyi bo'lib Fransiya Milliy kutubxonasi sanaladi. Mazkur davlatdagi "leagal deposit" munosabatlarining ahamiyatli jihati shundan iborat-ki, u yerda saqlash predmeti nafaqat bosma materiallarni, balki multimedia arxivlari va hatto ba'zi veb-sahifalarni ham qamrab oladi. Ushbu davlatda shuningdek, parfumeriya formulalarini saqlash uchun dunyoda yagona bo'lgan "Osmothèque" depozitariy faoliyati ham mavjud.

Buyuk Britaniya qonunchiligiga binoan oltita qonuniy depozitariy kutubxonalari mavjud (Britaniya kutubxonasi, Shotlandiya Milliy kutubxonasi, Uels Milliy kutubxonasi, Oksford universiteti Bodley kutubxonasi, Kembrij universiteti kutubxonasi va Triniti kolleji Dublin kutubxonasi). Qizig'i shundaki, Irlandiya 1922-yilda mustaqillikni qo'lga kiritgan bo'lsa-da, u yerdagi Triniti kolleji hanuzgacha Britaniyaning depozitar kutubxonasi bo'lib qolmoqda, shu bilan bir vaqtda Britaniya kutubxonalari ham Irlandiya nashrlarini o'zida saqlash huquqini saqlab qolgan.

Shu o'rinda, omonat saqlash munosabatlarida intellektual mulk obyekti predmetlarining roli, bunday mulklardan elektron nusxa ko'chirish tartibi va fuqarolik javobgarligi masalalari, xususan sun'iy intellektning omonat saqlash munosabatlaridagi o'rnini belgilash, umumiy javobgarlik shakli, huquqiy axborot saqlashning elektron (virtual) maydonda amalga oshirilishi, bu kabi munosabatlarning an'anaviy omonat saqlash turlaridan farqli jihatlari, umumiy omonat saqlash munosabatlaridagi roli ushbu masala bo'yicha yangi-yangi izlanishlar olib borish zaruriyatini yuzaga keltiradi.

Odatda, omonat saqlash shartnomalarida boshqa majburiyatlar ham belgilanishi mumkin, ularni bajarmaganlik uchun taraflar tegishli choralarni belgilashlari mumkin va agar ular belgilanmagan bo'lsa, sud Fuqarolik kodeksi 51-bob qoidalariga amal qilishi kerak.

Har qanday shartnoma yuridik fakt va huquqiy munosabatlar sifatida fuqarolik huquqlari va (yoki) majburiyatlarining paydo bo'lishi, o'zgarishi yoki bekor



**ROSSIYA FEDERATSIYASI
HUKUMATINING QARORI BILAN
TASDIQLANGAN TO'XTASH JOYI
XIZMATLARINI KO'RSATISH
QOIDALARINING 32-BANDIDA
ESA, AGAR SHARTNOMADA
BOSHQACHA QOIDA NAZARDA
TUTILGAN BO'LMASA, XIZMAT
KO'RSATUVCHI PROVAYDER
TRANSPORT VOSITASINING TO'G'RI
SAQLANISHI UCHUN JAVOBGAR
BO'LISHI VA UNING O'G'IRLANISHI,
SHIKASTLANGANLIGI YOKI
TO'LIQLIGI YO'QOLGAN TAQDIRDA
YO'QOTISHLARNI QOPLASHI
SHARTLIGI TO'G'RIDAN TO'G'RI
KO'RSATILGAN.**





qilinishiga qaratilgan. Shartnoma taraflari tomonidan fuqarolik huquqlarini amalga oshirish va majburiyatlarni bajarish ular buzilgan taqdirda majburiy himoya qilish mexanizmini yaratishni, shu jumladan majburiyatlarning bajarilishini ta'minlashni talab qiladi.

Fuqarolik kodeksining 10-moddasiga binoan har bir shaxs o'zining shaxsiy nomulkiy huquqlari va manfaatlarini himoya qilish uchun sudga murojaat qilish huquqiga ega. Bunda shaxs Fuqarolik kodeksining 11-moddasida belgilangan himoya usullaridan foydalanishga haqli, masalan, zararni qoplash, huquqni tan olish, ma'naviy ziyonni qoplash va shu kabilar.

Umumiy jihatdan qaraganda, professional saqlovchining xatti-harakatlarida ayb mavjud bo'lsa, mol-mulkni to'liq saqlamaganlik uchun javobgarligini belgilashda, javobgarlik choralarining to'liq qo'llanilishi lozim bo'lib sanaladi. Bunga Fuqarolik kodeksining 324-moddasi qoidasi (majburiyatlarni buzgan qarzidor kreditorga bu bilan yetkazilgan zararni qoplashi kerakligi)dan kelib chiqib ham yondashildi. Ya'ni, bu yerda zararining barcha turlari, shu jumladan ma'naviy ziyon ham nazarda tutish lozimligi ko'rinmoqda.

Fuqarolik kodeksining 1021-moddasida zarar yetkazuvchining aybi bo'lgan taqdirda, ma'naviy zararni qoplash, ushbu shaxs tomonidan amalga oshirishi shartligi ham ko'rsatilgan. Shu nuqtayi nazardan yondashilganda, bizning holatimizda esa shartnoma talablarini aybli ravishda buzgan omonat saqlovchi ham ma'naviy ziyonni to'lovchilar sifatida qaralishi kerak bo'lib qolmoqda.

Umumiy qoidaga ko'ra "iste'molchining huquqlari buzilishi tufayli unga yetkazilgan ma'naviy zarar uchun uni yetkazgan shaxs, u aybdor bo'lgan taqdirda, haq to'lashi lozim ekanligi, ma'naviy zarar uchun to'lanadigan haq miqdorini sud belgilashi hamda haq to'lash mulkiy ziyon va iste'molchi ko'rgan zararining o'zni qoplanishidan qat'iy nazar, amalga oshirilishi lozimligi belgilangan"[14].

Fikrimizcha, g'ayriqonuniy harakatlar (harakatsizlik)ning obyekti bo'lib esa shaxsning mulkiy huquqlarini buzilishi bo'lib sanaladi.

Shu bilan birga, amaldagi qoidalardan kelib chiqib qaralganda, mulkdor yoki titulli boshqa egalik qiluvchilar o'z huquqlarining har qanday buzishlarni bartaraf etish to'g'risidagi da'vo talablari bo'yicha muddat talab etilmasligini inobatga olish joizdir (FK 163-m).

Shulardan kelib chiqib, Fuqarolik kodeksining 890-moddasi tarkibiga aniqlashtiruvchi qoidani kiritish (4-qism "Professional omonat saqlovchi ashyoning yo'qolishi (yetishmasligi), shikastlanishi natijasida yetkazilgan zararni to'liq hajmda qoplaydi"), ushbu qoida mazkur munosabatlarning amal qilish doirasi ma'naviy ziyonni qoplashni ham qamrab olishga xizmat qilishi mumkinligi bildiriladi.

FKning 11-moddasida belgilangan usullarning aksariyati omonat saqlash shartnomasi taraflarining huquqlarini himoya qilish uchun ham qo'llanilishi mumkin. Biroq, bu vositalardan foydalanish majburiyatlarni buzgan shaxs uchun ma'lum salbiy huquqiy oqibatlarga olib keladi. Yuridik fanda fuqarolik huquqlarini himoya

qilish muammolari bo'yicha juda ko'p turli xil nuqtai-nazarlar mavjud, chunki bu huquqiy kategoriya talqin qilish uchun ko'p qirrali. Binobarin, omonat saqlash majburiyatlari buzilgan taqdirda, huquqbuzarga nisbatan fuqarolik-huquqiy javobgarlik choralari ham, boshqa huquqiy oqibatlar ham qo'llanilishi mumkin. Lekin har qanday holatda ham bu huquqiy oqibatlar orasida fuqarolik-huquqiy javobgarlik markaziy o'rinni egallaydi.

Shu bilan birga yana bir holatga e'tibor berish kerak. Meros mulkini qo'riqlanishiga doir chora-tadbirlar ko'rish hamda hujjatlarni saqlash



PROFESSIONAL SAQLOVCHINING XATTI-HARAKATLARIDA AYB MAVJUD BO'LSA, MOL-MULKNI TO'LIQ SAQLAMAGANLIK UCHUN JAVOBGARLIGINI BELGILASHDA, JAVOBGARLIK CHORALARINING TO'LIQ QO'LLANILISHI LOZIM BO'LIB SANALADI.



uchun qabul qilib olishda notariuslar nam o'zlarining notarial harakatlarni amalga oshirish chog'ida omonat saqlash subyekti sifatida ishtirok etadi[15]. Bunda ular qimmatliklarga, chet el valyutasiga, chet el valyutasida berilgan to'lov hujjatlariga, hujjatli shakldagi qimmatli qog'ozlarga alohida ro'yxat tuzib, muhrlab, plombalaydi va merosxo'rlarga berilgunicha yoki meros olish huquqi bo'yicha meros mol-mulki davlatga o'tish holatida davlat foydasiga topshirilgunga qadar, tegishli bankka saqlash uchun topshiradi. Xuddi shu kabi: hujjatsiz shakldagi qimmatli qog'ozlarni Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysiga; bazaviy hisoblash miqdorining o'n baravaridan kam bo'lgan narxdagi qimmatbaho ashyolar (buyumlar) meros mol-mulki saqlash uchun topshirilgan shaxslarga; oziq-ovqat mahsulotlarini merosxo'rlarga, ular bo'lmaganda tegishli tashkilotlarga realizatsiya uchun; uy hayvonlarini, merosxo'rlarning roziligi bilan ularning biriga, merosxo'rlar bo'lmaganida esa boshqa shaxslarga dalolatnoma tuzish orqali; omonat daftarchalari va marhumga tegishli bo'lgan narsalarga lombard tomonidan berilgan garov pattalari merosxo'rlarga, ular bo'lmagan taqdirda, notarius tomonidan meros mulkini saqlash uchun tayinlangan boshqa shaxslarga; marhumning mol-mulki tarkibida bo'lgan barcha turdagi qurol va portlovchi moddalar O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasiga; orden, medallar, faxriy unvonlar, ko'krak nishonlari, shuningdek ularni taqdirlash to'g'risidagi hujjatlar esdalik sifatida saqlash uchun meros qoldiruvchining oila a'zolariga yoki ularning roziligi bilan muzeylarga; qimmatbaho qo'lyozmalar, adabiyot asarlari, tarixiy yozishmalar merosxo'rlarga yoki tegishli tashkilotlarga;

ahamiyatli hujjatlar ularni saqlash uchun topshirgan shaxsga yoki uning qonuniy vakiliga guvohnoma va (yoki) ro'yxatni taqdim etganidan keyin yoki sudning qaroriga ko'ra topshiriladi.

Ta'kidlash joizki ushbu munosabatlar sekvestr munosabatining bir ko'rinishi sifatida gavdalanishib, notariusning nafaqat omonat saqlovchi subyekt sifatida balki uni uchinchi shaxs tomonidan saqlash predmetiga nisbatan majburiyat yuklovchi tomon ko'rinishdagi o'rnini ham belgilaydi. Shuningdek, notariusda saqlanadigan hujjatlarning saqlash muddati doirasi, notariusning o'zi ham vafot etganida, ishdan bo'shatilganida yoki faoliyati tugatilganida (to'xtatilganida) saqlash bilan bog'liq bo'lgan harakatlarning taqdiri, bu kabi notarial harakatlarni amalga oshirish chog'ida notariusning mavjud bo'lmashligi va shunga o'xshash qator masalalar yuzasidan amaldagi qonunchilik hujjatlari asosida qo'shimcha izlanishlar olib borish zaruriyatini yuzaga keltiradi.

5. CONCLUSIONS: (XULOSALAR)

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, omonat saqlash munosabatlarini fuqaroviy-huquqiy tartibga solishda bir jihatiga alohida ahamiyat qaratish zarur bo'ladi. Mazkur shartnoma majburiyatning yo'naltirilganligi belgisi bo'yicha xizmat ko'rsatish shartnomalari tizimiga kirsada, lekin uning ayrim alohida turlari ham borki, ushbu shartnomalar o'zining tarkibiga qator boshqa shartnomalar elementlarini ham birlashtirishi mumkin. Umumiy qoidaga ko'ra "omonat saqlashning alohida turlari to'g'risidagi qoidalarda, boshqa qonunchilik hujjatlarida o'zgacha



tartib belgilab qo'yilgan bo'lmasa, omonat saqlash haqidagi umumiy qoidalar uning alohida turlariga ham tatbiq etilishi"[16] (FK-893) belgilangan. Shu sababli qonun chiqaruvchi omonat saqlashning alohida turlarini FKda aniq ko'rsatishga harakat qiladi. Masalan bankning yakka tartibdagi po'lat sandig'ida boyliklarni saqlash yoki pullik to'xtab turish joylarida avtotransport vositalarini saqlash bilan bog'liq shartnomalarda qo'riqlash shartnomalari elementlari ham mavjud, xuddi shu kabi konsignatsiya shartnomasida ham oldi-sotdi, komissiya, vositachilik hamda boshqa shartnomalar elementlarini birlashtirganligini ham kuzatish mumkin. Aynan shu sababli, omonat saqlash munosabatlarining zamonaviy yangi turlarini tadqiq etish va ular yuzasidan maxsus normalarni Fuqarolik kodeksimizga mustahkamlash lozim bo'lib sanaladi.



Author Contributions:

G'AYBULLAYEV A.I. – Omonat saqlash shartnomasining fuqarolik-huquqiy tartibga solinishi munosabatlarini, shu jumladan, omonat saqlash shartnomasi b'uyicha echimini kuta'etgan ayrim masalalarni atroflicha tahlil qilingan.

– Ishning barcha jihatlar uchun javobgar bo'lishga rozilik bildirilgan va taqdim etilgan tadqiqot ishining har qanday qismini puxta va vijdonan bajarish bilan bog'liq masalalar o'rganilgan va hal qilingan.

Funding: Tadqiqot ishi moliyalashtirilmagan.

Institutional Review Board Statement: Tadqiqot ishi barcha standartlarga muvofiq amalga oshirilgan. Tadqiqot protokoli axloqiy qo'mita tomonidan tasdiqlangan.

Informed Consent Statement: Tadqiqotda boshqa mualliflar ishtirok etmagan.

Data Availability Statement: Tadqiqotda taqdim etilgan asl materiallar maqolaga kiritilgan. Muallifga qo'shimcha so'rovlar yuborilishi mumkin.

Conflicts of Interest: Manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelmagan.

REFERENCES: (ADABIYOTLAR)

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "Yangi O'zbekistonning 2022-2026-yillarga mo'ljallangan taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2022-y., 06/22/113/0330-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 07.03.2019-yildagi PQ-4231-son qarori. 9-band, to'rtinchi xatboshi.
<https://lex.uz/docs/-4231026>
3. Xabar.uz ma'lumoti. Aholi qo'lida qancha yuk avtomobili borligi ma'lum qilindi. <http://m.xabar.uz/post/aholi-qolida-qancha-yuk-avtomobil>
4. «Vzglyad.uz» ma'lumoti. O'zbekistonda jismoniy shaxslar 4 milliondan ortiq avtomobilga ega. <https://vzglyad.uz/uz/2024/02/06/ozbekistonda-jismoniy-shaxslar-4-milliondan-ortiq-avtomobilga-ega/>
5. UZ24 ma'lumoti. В 2025 году будет произведено 450 тысяч автомобилей <https://uz24.uz/ru/articles/avtomobil-11-26>
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Avtomototransport vositalarini doimiy va vaqtincha saqlash joylarini tashkil etish va ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida" 2013-yil 31-avgustdagi 213-son qarori. <https://www.lex.uz/ru/docs/2216937>
7. Pravo.ru. Автостоянка или парковка: ВС объяснил, кто отвечает за сгоревший автомобиль. <https://pravo.ru/story/view/131644/>
8. Правил оказания услуг автостоянок, утвержденных постановлением Правительства РФ от 17 ноября 2001 года. п. 2.
9. Закон Республики Армения "О частной охранной деятельности". ст.2. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=4421&lang=rus>.
10. Договор охраны жизни и здоровья физического лица (телеохранения) по законодательству Украины: автореф. дис. ... канд. Юрид. наук: 12.00.03 / Д. В. Бездетко; руководитель. работы В. Л. Яроцкий; Нац. Юрид. ун-т им. Ярослава Мудрого. – Харьков, 2015 г. – 19 с.
11. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 93-modda. <https://lex.uz/docs/111189#152891>.
12. O'zbekistonda 20.07.2006-y. "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida"gi qonun. 1-modda.
13. Обязательный депозит - Legal deposit Wikipedia site:wiki5.ru.
14. O'zbekiston Respublikasi «Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida» Qonuni. 1996-y. 22-modda.
15. Notariuslar tomonidan notarial harakatlarni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma (04.01.2019-yilda ro'yxatdan o'tgan, ro'yxat raqami 3113) 13, 27-§. <https://lex.uz/docs/4138215>.
16. FK.893-modda. <https://lex.uz/ru/docs/180552>



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА

Фаррух БОЗОРБОЕВ,
*Тошкент шаҳар ИБББ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси ходими*
farruhibragimovich91@gmail.com

Farrukh BOZORBOYEV,
farruhibragimovich91@gmail.com

Акрамхон БОБОХОНОВ,
akramkhon.bobokhonov@mail.ru
*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
катта ўқитувчиси*

Akramkhon BOBOKHONOV,
akramkhon.bobokhonov@mail.ru
Law Enforcement Academy

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

“THE IMPORTANCE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES IN
SIMPLIFYING AND IMPROVING PROCEDURAL ACTIONS IN THE
PRELIMINARY INVESTIGATION STAGE”

Аннотация: Ушбу мақола сунъий интеллектнинг тергов жараёнларидаги аҳамиятини ўрганади. Мақолада сунъий интеллект технологияларининг терговчиларга маълумот йиғиш, таҳлил қилиш ва узоқ вақт талаб қиладиган процессуал ҳаракатларни енгиллаштиришда қандай ёрдам бериши таърифланади. Шунингдек, сунъий интеллектнинг тергов ва процессуал ҳаракатларда қўлланилишининг амалий ҳамда назарий жиҳатлари ёритилган, унинг қўлланилишига оид қонуний чегараларни аниқлаш имконини беради. Мақолада келтирилган маълумотлар тергов органларининг фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: сунъий интеллект технологиялари, тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар, дастлабки тергов, терговчи, прокурор, суд.

Abstract: This article explores the significance of artificial intelligence in the process of criminal investigation. It describes how AI technologies assist investigators in collecting and analyzing information, as well as in simplifying time-consuming procedural actions. The article also highlights both the practical and theoretical aspects of using artificial intelligence in investigative and procedural activities, offering insights into the legal boundaries of its application. The data presented in the article contribute to expanding the possibilities of employing AI in the work of investigative bodies and enhancing the overall efficiency of their operations.

Keywords: artificial intelligence technologies, investigative actions, procedural actions, preliminary investigation, investigator, prosecutor, court.



Сунъий интеллект (AI) бугунги кунда фан ва техника соҳасининг турли йўналишларида кенг қўлланилаётган, жадал суръатлар билан ривожланаётган замонавий технологиялардан бири ҳисобланади. Унинг имкониятлари нафақат саноат ёки таълим соҳаларида, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, жумладан, тергов жараёнларида ҳам янги имкониятлар эшигини очиши мумкин. XXI асрнинг энг трансформацияловчи технологияларидан бири сифатида сунъий интеллект турли соҳаларда иш юритиш тизимларини қайта кўриб чиқиш ва самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Сунъий интеллект технологиялари нафақат жараёнларни автоматлаштириш, балки инсон қобилиятини кенгайтириш, мураккаб вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, умумий самарадорлик ва ишончлилини оширишга қаратилган. Айниқса, тергов каби масъулиятли ва аниқлик талаб қиладиган жараёнларда ушбу технологиялар тезкорлик, аниқлик ва инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтиришда муҳим ўрин тутати. Шу боисдан, ушбу технологиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида кенг қамровда татбиқ этилиши жиноятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни фош этиш жараёнларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Сунъий интеллект (СИ) — инсоннинг интеллектуал фаолиятларини имитация қилишга қаратилган технологиялар тўпламидир. У инсон қобилиятларини аниқ моделлаштириш, муаммоларни ҳал қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва таҳминлар қилишга ёрдам берувчи дастурий таъминотни ўз ичига олади. Машҳур олим Жон Маккарти (John McCarthy), сунъий интеллектнинг асосчиларидан бири, СИни «машина, инсон интеллектининг хоссаларини тасвирлаш ва амалга оширишга қодир бўлган

дастурлар ёки тизимлар» деб таърифлаган. Унинг фикрига кўра, СИнинг мақсади — машинага ўз шахсиятини ва инсоннинг ақлий қобилиятларини қўллаш орқали муаммоларни ечиш имконини беришдир¹.

СИ — бу катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш учун компьютер қурилмалари қувватидан фойдаланиш имконини берадиган технологиядир. Лекин ўз табиатига кўра, СИ инсон омили — яъни ҳис-туйғуларнинг йўқлиги сабабли ишлаш тезлиги ва сифатида устунликка эга².

Ўзбекистон Республикасида суд тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2023–2026-йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, унда суд фаолиятида СИ технологияларини жорий этиш назарда тутилган. Бу орқали судьяларнинг иш юкини камайтириш, ишлар кўриб чиқилишини тезлаштириш ва суд қарорларининг сифатини ошириш мақсад қилинган.

¹ McCarthy, J. What is artificial intelligence? [Электронный ресурс]. – 2007. – Режим доступа: <https://www-formal.stanford.edu>

² Использование искусственного интеллекта в работе следователя [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://conf.siblu.ru/ispolzovanie-iskusstvennogo-intellekta-v-rabote-sledovatelya> (дата обращения: 13.04.2025).



М

Мазкур стратегия доирасида, 2024-йил 14-октябрда Президентнинг ПҚ-358-сонли қарори қабул қилиниб³, унга кўра 2030-йилга қадар СИ технологияларини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда СИ технологияларини турли соҳаларга, жумладан, суд тизимида жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Шунингдек, 2025-йил 13-февралда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “Суд ишларини юритишда СИни жорий этиш истиқболлари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Тадбирда суд тизимида СИ технологияларини интеграция қилиш, уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, халқаро тажриба ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди⁴.

Хорижий давлатларда СИнинг қўлланилиши жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқий ёрдам соҳасида жуда муҳим ўсишни кўрсатади. Коррупцияга қарши курашда Сингапурдаги коррупцияга қарши кураш бўйича бюро (CPIB) СИ асосидаги хавфларни баҳолаш платформаларини жорий этган. Бу платформалар маъмурий ва жиноий сўровларни автоматик таҳлил қилишга ёрдам беради, яъни тез ва аниқ қарорларни қабул қилишни таъминлайди. Эстония прокурорлари ва судлари СИ ёрдамида қарор лойиҳаларини тайёрлашда ва даъволарни классификация қилишда фойдаланишади. Шунингдек, суд-онлайн платформаларида табиий тилни қайта ишлаш (NLP) асосида чат-ботлар ишлайди, бу суд жараёнларининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

АҚШда FBI, IRS ва DOJ (Adversarial AI) агентликлари тергов ва молиявий таҳлилда СИдан фойдаланишади. Бу ерда Predictive Policing ва Crime Pattern Recognition моделлари орқали жиноят хавфини олдиндан башорат қилиш мумкин. Шу билан бирга, электрон далилларни (e-discovery) таҳлил қилиш учун NLP технологияларидан фойдаланилади. Шунингдек, АҚШда баъзи штатларда суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш тажрибалари мавжуд. Масалан, суд жараёнларида такрорий вазифаларни автоматлаштириш ва суд қарорларини таҳлил қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали самарадорликни оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Жанубий Кореядаги ҳуқуқий ёрдам платформалари (AI Counsel) СИни қўллаш орқали фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда самарадорликни оширмоқда. Суд органларида автоматик ҳужжат таҳрири, баённома таҳлили ва СИ ёрдамида хулосалар генерацияси амалга оширилади.

Бирлашган араб амирлиги прокуратураси СИ асосида сўровлар ва шикоятларни автоматик таҳлил қилиш амалиётини жорий этган. Шунингдек, СИ ёрдамида текширувни бошлаш ёки рад этиш бўйича тавсиялар автоматик равишда берилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий базаси – <https://www.lex.uz/uz/docs/7158604> (мурожаат қилинган сана: 13.04.2025).

⁴ ProAcademy.uz. (2025 йил 13 февраль). “Суд процесларида сунъий интеллектни жорий қилиш бўйича Республиканинг илмий-амалий конференцияси” // Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси расмий сайти — <https://proacademy.uz/en/news/view?alias=2269> (мурожаат қилинган сана: 13.04.2025).





Саудия Арабистони СИ соҳасидаги давлат стратегиялари индексида дунё бўйича етакчи ўринни эгаллади. Бу натижа мамлакатнинг СИ технологияларини, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам фаол равишда татбиқ этаётганини кўрсатади.

Хитойда эса бу технологиялар суд ишларида кенг қамровда қўлланилмоқда. Жумладан, иш материалларини таҳлил қилиш, далилларни баҳолаш ва ҳатто айрим ҳолларда ҳукм чиқариш жараёнларида СИ воситаларидан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган. Хитой ҳукумати томонидан амалга оширилаётган “Ақлли судлар” (Smart Courts) ташаббуси орқали суд тизими рақамлаштирилмоқда, бу эса суд ишларининг тезкор ва самарали ечим топишини таъминлашга қаратилган⁵.

Умуман олганда, дунёдаги қўплаб давлатлар сингари, Ўзбекистонда ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларида замонавий ахборот технологияларидан, жумладан, СИдан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

“СИни тергов органлари фаолиятига интеграция қилиш ва умуман жиноятчиликка қарши курашда қўллаш орқали юқори самарали ҳисобланади, ҳатто айрим ҳолларда мукамаллик даражасига етади. Шу билан бирга, бу ҳодиса эҳтимолий жиноятларни прогноз

ЖИНОЯТ
ишини судга қадар юритиш жараёнида СИдан фойдаланиш имкониятлари жуда катта аҳамият касб этади. Айниқса, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида СИ қатор муҳим вазифаларни бажариши мумкин.

қилиш имконини ҳам беради, бу эса девиант хулқ белгилари юзага чиқишининг олдини олиш бўйича чораларни тезроқ кўришга ёрдам беради”⁶.

Жиноят ишини судга қадар юритиш жараёнида СИдан фойдаланиш имкониятлари жуда катта аҳамият касб этади. Айниқса, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида СИ қатор муҳим вазифаларни бажариши мумкин.

1 Биринчи навбатда, бу технология кўп ҳажмли мурожаатлар, илтимосномалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни (эксперт хулосалари, ёзма далиллар ва бошқалар) қисқа фурсат ичида таҳлил қилиш, уларнинг мазмунини аниқлаш ҳамда зарур маълумотларни тезкор тарзда қайд этиш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, мурожаатлар билан ишлаш механизминини соддалаштиради ва самарадорликни оширади.

⁵ Абдураимова, Н. (2025, 28 январь). Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Миллий маркази расмий веб-сайти. Тошкент. Олинган манба: <http://nhrc.uz/uz>.

⁶ Кравцов, Д.А. (2018). Искусственный разум: предупреждение и прогнозирование преступности. Вестник Московского университета МВД России, 1, 42-бет.



2 Иккинчидан, СИга асосланган махсус дастурлар ёрдамида овозни матнга, матнни овозга айлантириш имкони мавжуд. Терговчининг сўроқ, юзлаштириш, кўздан кечириш каби тергов ҳаракатлари жараёнида қайд этиладиган маълумотларни автоматик тарзда стенограмма шаклида расмийлаштириш СИ ёрдамида юқори аниқлик билан амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, аудио ва видео ёзувлардаги маълумотларни матнга айлантириш орқали процессуал ҳужжатларни тайёрлаш жараёни сезиларли даражада тезлашади. Ушбу жараёнларда тил ва юридик хусусиятларни инобатга олувчи модуль (Google TTS, STT), яъни СИ асосидаги Text-to-Speech (TTS) ва Speech-to-Text (STT) тизимларидан фойдаланиш мумкин. TTS ёзувни овозга айлантиради, STT эса овозни ёзувга айлантиради. Шунингдек, ўзимизнинг биринчи миллий ўзбек тилидаги нутқни аниқлаш ва синтез қилиш UzbekVoiceAI дастури ишлаб чиқилган ва унинг келгусида такомиллаштирилиши бу йўналишда жуда кенг имкониятлар яратади. UzbekVoiceAI — бу тизим бўлиб, ўзбек тилидаги овозли маълумотларни матнга айлантириш, шунингдек, овозли киритиш ва таржима қилиш имконини беради. У дастур ва веб-сервис шаклида фойдаланиш учун мавжуд бўлиб, фойдаланувчиларга овозли маълумотларни аниқ ва тез тарзда ишлашга ёрдам беради.

Сидан фойдаланиш орқали катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва далил материалларини аниқ ва тўлиқ қайд этиш мумкин. Масалан, ҳужжатларни кўздан кечириш каби тергов ҳаракатида СИ технологиялари электрон ва қоғоз шаклидаги ҳужжатлар матнларини қайта ишлаш имконини беради. СИ асосидаги автотўлдириш дастури терговчининг ишини осонлаштиради ва тезлаштиради, умумий реквизитларни автоматик тўлдириш, хатоларни тузатиш ва баённомани тўғри расмийлаштиришга ёрдам беради.

Дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўта муҳим процессуал ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Сўроқ сири, тўғри ва аниқ маълумотларни аниқлашга қаратилганлиги боис, унинг ўтказилишида процессуал тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этиш талаб этилади. Агар сўроқ қилинувчи шахс бошқа миллат вакили бўлиб, давлат тилини билмайдиган бўлса, бу ҳолатда таржимон иштирокини таъминлаш зарур ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тергов жараёнида иштирок этувчи ҳар бир шахсга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ тушунарли бўлиши шарт.

Айни шу жараёнда СИ технологияларидан фойдаланиш муҳим инновацион ечим сифатида намоён бўлади. Хусусан, СИ орқали сўроқ жараёнида айтилаётган нутқни реал вақтда автоматик таржима қилиш ва иккала тилда баённома шакллантириш имконияти юзага келади. Бу эса, биринчи навбатда, инсон омили билан боғлиқ хатолар ва тушунмовчиликларни камайтиради, иккинчидан, процессуал ҳаракатлар мазмунининг ҳар икки тарафга ҳам



ҲАР ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА БАРЧА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ РЕЙТИНГНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

тўлиқ ва аниқ етказилишини таъминлайди. Шу йўсинда, сўроқ жараёнининг шаффофлиги, ҳаққонийлиги ва қонунийлиги юқори даражада таъминланади.

Бундан ташқари, СИ ёрдамида тузилган иккала тилдаги баённома тергов материалларининг аниқлигини ошириб, кейинги босқичларда суд органлари ёки ҳимоя томони томонидан қайта баҳоланишда ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, жиноят-процессуал фаолиятда ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқини таъминлашда ушбу ёндашув катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, кўп миллатли жамиятларда тергов жараёнида СИ технологияларидан фойдаланиш нафақат жараён самарадорлигини оширади, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлашда муҳим воситага айланади. Шу боисдан, СИнинг мазкур соҳадаги қўлланилишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

3 Учинчидан, амалиётда баъзан терговчи ўнлаб, ҳатто юзлаб жилддан иборат жиноят иши материалларини таҳлил қилишига тўғри келади. Бундай вазиятларда СИ қўлланилганда, терговчи жиноят иши материалларига аниқ саволлар юзасидан жавоб олиш орқали зарур далилларни тезкорлик билан аниқлаш ва баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун Республикамизда тергов органларидаги мавжуд архивларда сақланаётган жиноят ишларини рақамлаштириш ва ҳимояланган электрон тизимларга ўтказиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бундай электрон архивлар нафақат тергов жараёни самарадорлигини оширади, балки прокурор ва идоравий назорат фаолиятида ҳам янги босқични таъминлайди. Натижада, терговчи ва суриштирувчиларнинг вақт ва ресурслари самарали тақсимланади.

Тўртинчидан, айрим тоифадаги бир жиноят иши (масалан фирибгарлик, ўғрилик ва б.) юзасидан Республика бўйича юзлаб, ҳаттоки минглаб шахслар жабрланувчи тариқасида

ишга жалб қилинадилар. Албатта, айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан эълон қилинадиган айблов қарорида ва айблов хулосасида ҳар бир эпизод алоҳида тартибда, жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари, айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ва бошқа ҳолатлар батафсил ёритилиши лозим. Айнан шу тартибдаги техник ишларга тергов органи ойлар, баъзи ҳолларда йил давомида вақтини сарфлайди. Ахборот технологиялари ривожланган замонда терговчига техник жараёнларни амалга оширишга вақт сарфлаш ўрнига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноятни фош қилишга асосий эътиборни қаратиш муҳимроқдир.

Бугунги кунда қарор лойиҳасини генерация қилишда СИ асосидаги модуллар, масалан, GPT, Claude, T5, BART, NLPлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу технологиялар, Natural Language Processing (NLP) принципларига асосланган бўлиб, турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилади ва уларни аниқ, ривожланган ва белгиланган форматда қисқа ва мантиқий шаклда тақдим этади. Масалан, GPT ва Claude каби тизимлар юридик қарорларни тез ва самарали тарзда яратишда фойдаланилади, бу эса инсон ва вақт ресурсларини тежашга ёрдам беради.

Шунингдек, келгусида СИ орқали криминалистикага оид маълумотлар базасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш мумкин бўлади. Криминалистик рўйхатлар — жиноятларга оид турли объектлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, кўп даражали ва мураккаб тасниф тизими ҳисобланади. Ушбу рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (ИИВ),





Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ), Бош прокуратура, Солиқ қўмитаси ва бошқа бир қатор мутасадди идоралар маълумотлар базаларига асосланиши мумкин.

Бундан ташқари, СИ технологиялари ёрдамида жиноятчи томонидан қолдирилган рақамли изларни аниқлаш имкони пайдо бўлади. Бундай рақамли излар мобил алоқа тармоқлари, компьютер тизимлари, рақамли қурилмалар ва бошқа техник воситаларда сақланиши ҳамда таҳлил қилиниши мумкин.

Ш.К.Матчанов ҳам ушбу мавзуда тадқиқот ўтказган бўлиб, унга кўра "...тергов жараёнида жиноятга оид маълумотлар СИ томонидан мустақил таҳлил қилиниб, илгари шунга ўхшаш жиноятни содир қилган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг қисқа вақт ичида шакллантирилиши каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин"⁷.

Бизнинг фикримизга кўра, СИНинг катта потенциали инкор этилмасда, бу технологиялар малакали терговчининг ўрнини тўлиқ алмаштира олмайди. Чунки, рақамли реаллик шароитида ҳам робот ҳал қила олмайдиган мураккаб ва ноёб юридик вазифалар мавжуд. СИ фақат ёрдамчи восита сифатида қаралиши лозим ва "сунъий интелектга асосланган робот терговчи ёки судья"га айланмаслиги керак. Тергов ҳаракатларини такомиллаштириш эволюцион йўл билан амалга оширилиши лозим, бу эса терговчи касбининг йўқолишига олиб келмайди. Марк Туллий Цицерон айтганидек, "қонунларни билиш уларнинг сўзларини тушунишда эмас, балки маъносини англашдадир". Бу эса,

СИ

фақат ёрдамчи восита сифатида қаралиши лозим ва "сунъий интелектга асосланган робот терговчи ёки судья"га айланмаслиги керак. Тергов ҳаракатларини такомиллаштириш эволюцион йўл билан амалга оширилиши лозим, бу эса терговчи касбининг йўқолишига олиб келмайди.

⁷ Матчанов, Ш.К. (2023). Жиноят ишини тергов қилишда сунъий интелектдан фойдаланиш масалалари. Сўбатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журналі. 09. Тошкент. ISSN 2181-3477.

терговчи инновацион технологияларни тушуниши ва СИ имкониятларидан фойдаланишини инкор этмайди.

СИ тергов ҳаракатларини янги сифат даражасида ва қисқа муддатларда амалга ошириш имконини беради, бу эса терговчилар юкламасини камайтириб, уларнинг профессионал маҳоратларини оширади. Аммо, амалдаги ЖПКда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва баённома расмийлаштиришнинг умумий ва махсус қоидалари мураккаблиги сақланиб қолмоқда. Профессор О.В.Гладышева таъкидлаганидек, "тергов ҳаракатларини соддалаштириш тенденцияси ҳалигача уларга таъсир кўрсатмади".

Мазкур технологияни жамиятнинг муҳим соҳаларига киритишда фақат аниқ қоидаларга, яъни қандай фойдаланилиши ва кимлар билан қандай ишлаши лозимлигига асосланиши керак деб ўйлаймиз.

О.Н. Ковалева, Л.В. Рябова ва Н.Ф. Феофори́диснинг фикрларига кўра, жиноят процессида СИни қўллашнинг олтита асосий принципи белгиланган:

1. Розилик принципи — бу принципга кўра, СИ қўлланишида жиноят иши билан боғлиқ барча манфаатдор процесс иштирокчилари, хусусан, жабрланувчи ва айбланувчи ёзма розилик беришлари лозим. Улар ёки уларнинг вакиллари, СИ билан ишлашга рози эканлигини аниқ кўрсатишлари керак.

2. Бўйсунуш принципи — бу принцип СИ томонидан қабул қилинган қарорлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд ва терговчилар томонидан текширилиши ва назорат қилиниши





ҲАР ҚАНДАЙ ПРОЦЕССУАЛ ҚАРОРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ТЕРГОВЧИ ЖАВОБГАРДИР.

⁸. Ковалева, О. Н., Рябова, Л. В., & Феодоридис, Н. Ф. (2022). Принципы использования искусственного интеллекта в практике уголовного правоприменения и в сфере уголовно-процессуальной деятельности. Журнал юридических исследований, 2, 119-125. URL: https://naukaru.ru/ru/nauka/article/51486/view?utm_source=perplexity (дата обращения: 07.04.2025).

кераклигини билдиришини англатади. Сунъий интеллектнинг қарорлари ҳар доим мантикий текшириш ва илмий асослар билан ишланиши лозим.

3. Сунъий интеллект қарорларининг орқага қайтарилиши мумкинлиги принципи — бу принципда сунъий интеллект қабул қилган қарорлар кейинчалик ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги таъкидланади. Бунда, сунъий интеллект ишлатилган қарорлар катта ҳуқуқий ва амалий оқибатларга олиб келмасдан, уларни кейинчалик тўғрилаш ёки қайта кўриб чиқиш имкони бўлиши керак.

4. Стандартлаштириш принципи — жиноят ишларини юритишда фойдаланиладиган сунъий интеллект ҳар бир ҳолатда бир хил стандартга асосланган бўлиши керак. Барча тергов органлари ва судлар бир хил сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишлари керак, бу эса ишларнинг адолатли ва тенг шароитларда олиб борилишини таъминлайди.

5. Ҳолатни ёмонлаштирмаслик принципи — сунъий интеллект жиноят ишида фойдаланилаётганда, у жабрланувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқларини ёмонлаштирмаслиги керак. Ушбу принцип инсоннинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва адолатни таъминлашга қаратилган.

6. Махсуслаштириш принципи — сунъий интеллект жиноят процессида фақат аниқ бир вазифани бажариш учун ишлатилиши керак. У барча жараёнларда эмас, балки аниқ шундай жиноят-ҳуқуқий вазифаларда ишлатилиши лозим, масалан, жиноятларни аниқлаш, хулоса қилиш ёки жиноятнинг вазиятини баҳолаш⁸.

Жиноят процессида СИ технологиялари жараёни соддалаштириш ва тезлаштириш билан бир қаторда уни амалиётга қўллашда салбий оқибатларини ҳам башорат қилиш мумкин. Авваламбор, ушбу технологияларни жорий қилиш ҳуқуқат томонидан маълум миқдорда маблағ ажратилишини талаб қилади.

Иккинчидан, ушбу тизим маълумотларга асосланганлиги сабабли, агар маълумотлар тўлиқ ёки тўғри бўлмаса, адолатсиз қарорларга олиб келиши мумкин. Учинчидан, маълумотларнинг махфийлигини таъминлашда айрим муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, ушбу технология тизимлари кўп миқдорда маълумотлар билан ишлашга мажбур бўлганлиги сабабли, уларнинг махфийлиги ва ҳимояси масаласи кўтарила бошлайди. Шу сабабли, бу турдаги технологияларни жорий қилишда маълумотларнинг махфийлигини тўлақонли ҳимоя қилувчи дастурларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Бироқ, дастлабки терговда процессуал ҳаракатларни соддалаштиришда СИ технологияларидан фойдаланишдан кутилаётган натижалар ва юқорида келтирилган фикрлар уларнинг эҳтимолий салбий оқибатларидан муҳимроқ деб ҳисоблаймиз.

Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳати шуки, ҳар қандай процессуал қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва тўғрилиги учун терговчи жавобгардир. СИ бу жараёнда техник ёрдамчи сифатида хизмат қилиб, тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш, тезлаштириш ва автоматлаштириш орқали самарадорликни оширишда ёрдам беради холос.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бошқа муҳим соҳаларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам дастлабки тергов босқичида процессуал ҳаракатларни соддалаштириш ва такомиллаштиришда СИ технологияларини жорий этиш вақти келди. Шу билан бирга, ушбу технологияларни самарали татбиқ этиш учун мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларни замонавий талаблар асосида мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.



Фарход БОБОМУРДОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ягона тезкор
бошқарув марказининг масъул ходими, ю.ф.ф.д.(PhD),
Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси.
farxodbobomurodov663@gmail.com



ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ

**ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ
ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД
ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ ТАҲЛИЛИ**

**ANALYSIS OF LEGAL RELATIONS REGARDING THE PROVISION
OF HUMAN RIGHTS, FREEDOMS AND LEGITIMATE
INTERESTS IN OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES**





АННОТАЦИЯ: Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни таҳлил қилиниб, тезкор-қидирув фаолияти иштирокчиларининг рўйхати таснифланган. Мазкур масалада йигирмадан ортиқ ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари билан илмий баҳсга киришиб, “Тезкор-қидирув муносабатлари” тушунчасига муаллифлик таъриф ишлаб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, жиноятларни тез ва тўла очишда, мақбул далилларни инсон омилисиз тўплаш масаласида шахсни иқдорлик кўрсатуви олиш эмас, балки замонавий криминалистик ва суд экспертиза тадқиқотлари ўтказилиб, ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда уларнинг айбини бошқа далиллар билан исботлашга устуворлик бериш ёндашувида фаолиятни ташкил этишга эътибор қаратиш, шунингдек, аксарият МДХ давлатларининг Олий аттестация комиссияси белгиланган юридик фанлар тармоғининг ихтисосликлар рўйхати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида ташкил этилган “Криминалистика ва суд экспертизаси” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” йўналишидаги кафедларда ўқитиладиган мутахассислик фанларнинг номлашига мувофиқ “12.00.09” ихтисослик номини “Жиноят просесси. Криминалистика ва суд экспертизаси; тезкор-қидирув фаолияти” мазмунида баён этиш мантиқан тўғри деб ҳисоблаб, мазкур йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш учун “Тезкор-қидирув фаолиятининг илмий-таълим портали”ни яратиш таклифи илгари сурилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: инсон ҳуқуқлари, эркинлик, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқий муносабатлар, мақбул далиллар, ихтисослик, таълим портали.

ANNOTATION: The article analyzes that the organizational activities of the practice staff to ensure human rights, freedoms and legitimate interests in operational investigative activities do not fully meet the requirements of the time, based on empirical material and the study of the problems faced by the practice. The author's definition of the concept of “operational search relations” was developed on this issue, which entered into a scientific dispute with the opinions of more than twenty legal scholars. The author believes that with the rapid and complete detection of crimes, in the issue of collecting optimal evidence without the human factor, it is important not only to obtain recognition of the individual, but also to focus on organizing activities in an approach to prioritizing proving one's guilt with other evidence in modern forensic and forensic research, the widespread use of information technology, as well as, The Higher Attestation Commission of most CIS countries, in accordance with the list of specialties of the established branch of legal sciences and the name of the specialties taught at the departments of “Criminalistics and Forensic examination” and “Operational search activities” established in law enforcement institutions of higher education, defines the name of the specialty “12.00.09” as “Criminal procedure. Criminalistics and forensic examination; operational search activities”, a proposal was put forward to create a “Scientific and educational portal of operational search activities” to conduct research in these areas.

KEYWORDS: human rights, freedom, operational investigative activities, legal relations, acceptable evidence, specialization, educational portal.

Тезкор-қидирув фаолиятида (кейинги ўринларда – ТҚФ деб юритилади) инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида, барча ТҚФ иштирокчилари (томонлар)нинг қонуний ҳақ ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим. Бунда фақат жиноятни содир этишда гумонланаётган, жабрланганлар, гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш эмас, балки давлат органи мансабдор шахснинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши назарда тутилмоғи лозим. Жиноятни фош этишга масъул бўлган ходимлар қонуний чораларни кўриш асосида гумондор ва унинг қилмишини исботловчи зарур далилий ашёни топиб, тўпланган процессуал ҳужжатларни тергов органига тақдим этади. Айбдор шахснинг жавобгарликдан қутулиб қолишни исташи ёки бошқа субъектив (шахсий адоват ва бошқ.) омилларга кўра, жиноятни фош этган тезкор ходимга нисбатан турли босим, ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши амалиётда учраб туради. Масалан, провокацион ҳаракат билан ходимга уйдирма туҳмат уюштириш, лавозимини пасайтириш ёки бошқа хизматга ўтказиш ва ҳ.к. Шунингдек, ушбу ходимларнинг иш юкламасининг кўплиги, иш вақтининг давомийлик чегараси бўйича меҳнат қонунчилигига риоя қилмаслик каби ҳолатларни бугун республикаимизнинг барча ҳудудларида кузатишимиз мумкин.



ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун биринчи навбатда ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини белгилаб олиш зарур. Мазкур шахсларнинг рўйхатини қўйидагича уч гуруҳга таснифлаш мумкин: ТҚФни амалга оширишда иштирок этувчи мансабдор шахслар (тезкор ходим ва ТҚФ орган раҳбари, адвокат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд); ТҚФда иштирок этаётган тезкор аҳамиятга эга шахс (жиноятни содир этишни ният қилган, режалаштираётган, тайёрланаётган, гумонланган шахс); ТҚФни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар (ТҚФга ошкора ва ноошкора кўмаклашувчи фуқаролар, жабрланувчилар, гувоҳ, эксперт, мутахассис, холислар). ТҚФнинг ушбу таснифининг шакллантирилиши ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликларни ва қонуний манфаатлари таъминланиши шарт бўлган шахслар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга, шу йўналишда мақсад ва вазифаларни белгилаб олинишига имконият яратади.

ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда уч гуруҳга ажратилган ТҚФнинг иштирокчилари орасида асосан иккинчи гуруҳга киритилган тезкор ходимлар ва ТҚФ орган раҳбари бошқа иштирокчилар билан ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга киришади. Айнан ушбу муносабатларга киришишда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши зарур. ТҚФ соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида фикр билдиришда, “ижтимоий”, “ҳуқуқий” ва “ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини билишимиз муҳимдир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан маълумки, ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси фанда алоҳида категория, институт сифатида ўрганилиб, ҳуқуқий муносабатларнинг таянчи, ижтимоий муносабатларга асосланади. Ижтимоий муносабатларнинг муайян қисми ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, уларга барқарор, изчиллик, мақсад сари йўналтирилганлик хусусиятларини бахш этиб туради. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий муносабатларни ташкил қилади [1, 43–48-б; 2, 307–322-б; 3, 182–185-б].

Профессор Х.Т.Одилқориев фикрича: “ҳуқуқий муносабатлар субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар билан ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар натижасида юзага келади” [4, 292–296-б.; 5, 90–93-б.]. Изоҳли луғатда “ижтимоий” атамаси арабча сўздан олинган жамоа, жамиятга оид [6, 177-б]; “ҳуқуқий” атамаси арабча сўздан олинган ҳуқуққа, одиллик ва адолатга оид [7, 569-б.] маъносида қўлланиши, ички ишлар органлари ТҚФ жараёнидаги турли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар асосан инсон билан инсон ўртасида ҳамда инсон билан давлат ўртасидаги муносабатлардан иборат эканлиги ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўлишга ундайди, қолаверса, ТҚФ жараёнида ҳуқуқий муносабатлар ТҚФ иштирокчиларининг хатти-ҳаракати қонун-қоидалар асосида амалга оширилишини белгилайди. Хўш, ТҚФдаги ҳуқуқий муносабатлар қачондан юзага келади. Биринчидан, ТҚФнинг иштирокчиси сифатида жисмоний шахслар ҳамда ваколатли давлат органининг ходимлари ўртасидаги муайян муносабатларда, масалан, ТҚФни амалга оширувчи тезкор ходимлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида тезкор аҳамиятга эга шахслар билан мулоқотга киришиб, махсус суҳбат – сўров ва маълумотлар тўплаш ҳамда бошқа ТҚТларини ўтказишда; иккинчидан, ТҚФни амалга оширувчи субъектлар жисмоний шахсни жалб этишда ёки улар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашишда ижобий натижага эришилганда, уларни муносиб тарзда қўллаб-қувватлаш (масалан, ТҚФни амалга оширувчи орган ходими ва унга фаол ёрдам берган фуқарони моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш билан боғлиқ ҳолатлар) да юзага келади. ТҚФда юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни айрим ҳуқуқшунос олим, мутахассислар ушбу фаолиятнинг категорияси, ҳуқуқнинг соҳалари билан боғлиқлигини таъкидлашади. Жумладан, М.А.Утаев: “ТҚФда ҳуқуқий муносабатлар фаолиятнинг қонуний асосда ташкил этилиши, яъни, соҳанинг мақсади ва вазифалари; асосий принциплари; куч ва воситаларидан тўғри фойдаланиш; тезкор-қидирув чораларни ўтказиш асослари, шартларига риоя қилинишида юзага келади” [8, 39–43-б] деб таъкидлайди. Бунда ТҚФни амалга оширувчи ходимлар қонунга оғишмай амал қилиши, шахс



ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол қилмаслик, ижтимоий муносабатга киришишнинг асосий шарти бўлиши лозим.

Г.Н.Василенко, Н.Изотова, В.Каримов, Е.В.Кузнецов ва В.О.Ивенинлар: “ТҚФда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ тармоғини, яъни, ҳуқуқ соҳасининг жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқлигини, ТҚФ соҳасида жиноий-ҳуқуқий муносабатлар, ТҚФ иштирокчилари – тезкор ходим ва кўмаклашувчи фуқаро жиноят қонунчилиги нормаларида назарда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этилиши натижасида юзага келишини, ички ишлар органлари ТҚФда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос шарти ва табиатига эга бўлиб, жиноятчиликка қарши курашда дастлабки тезкор-қидирув тадбирларини(кейинги ўринларда – ТҚТ деб юритилади) амалга оширишда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар таянч ҳисобланиши, ички ишлар органлари ТҚФ объектининг аксарияти маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар (масалан, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда тайёрловчи равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш; ўзганинг мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш) дан келиб чиқиши, шу боис ҳар доим ҳам ТҚФ соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларни яқка тартибда қўллаш орқали ТҚФ вазифасини ҳал этиш




ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда уч гуруҳга ажратилган ТҚФнинг иштирокчилари орасида асосан иккинчи гуруҳга киритилган тезкор ходимлар ва ТҚФ орган раҳбари бошқа иштирокчилар билан ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга киришади. Айнан ушбу муносабатларга киришишда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши зарур.

илк механизмнинг тартибга солиниши”, [9; 10; 11, 75–76-б.; 12, 269–272-б.; 13, 163–174-б.] деб таъкидлайдилар. Албатта, ТҚФда жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўрни беқиёсдир. ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда тезкор вакиллар, биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноятнинг чегарасини белгилаб олиши; иккинчидан, ТҚФга кўмаклашувчи фуқароларни ҳуқуқбузарлик содир этишга, провакацион ҳаракатларга жалб этмаслиги талаб этилади.

А.Л.Аганесян, А.Е.Витовтов, И.Ф.Гаскаров, Т.В.Зеленская, М.Р.Котухов, Д.М.Клёнов, А.Ю.Козловский, С.Л.Миролюбов, Е.Х.Рашаева, Т.Р.Родичева, Р.С.Рижов, В.Ю.Сафонов, А.Ю.Сафронов, В.В.Уткин, М.Г.Шананин ва Д.Г.Шашинлар фикрича эса:

“ТҚФда жиноят-процессуал муносабатлар ТҚФ натижаларидан терговга қадар текширув, жиноят процессининг турли (ишни судга қадар юритиш ва суд) босқичларида фойдаланиш натижасида юзага келиб [14; 15; 16], асосан жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш билан боғлиқ ТҚТларини ўтказиш [17; 18; 19], тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва процессуал ҳужжатларни тузишда[20; 21; 22; 23; 24], суд ишларини юритиш чоғида тезкор-қидирув





маълумотларни далил сифатида тақдим этиш, яъни, исботлаш жараёнини таъминлаш воситаси сифатида тезкор-қидирув тадбирларнинг ўтказилишида намоён бўлади” [25; 26; 27; 28; 29] деб фикр билдиришган. ТҚФнинг ошкора шакли жиноят-процессуал муносабатларга асосланиши лозим. Утказилган ТҚТларнинг натижаси юзасидан расмийлаштирилган процессуал ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ бўлганда, ушланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиб, қонун бузилишига йўл қўйилмайди.

Жазони ижро этиш тизимида ТҚФни ташкил этиш ва тактикасининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида илмий ишлар олиб борган Л.Е.Щетнёв: “ТҚФ соҳасидаги жиноят-ижроия муносабатлари, биринчи навбатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юзага келишини, шу муносабат билан жазони ижро этиш муассасасида ТҚФни ташкил этиш ва тактикасини белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларни, яъни, қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шу асосда ТҚФнинг турли вазифалари (жиноят-ларни олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш, фош этиш, жиноят содир этилишига ният қилган, тайёргарлик кўраётган ва режалаштирган шахсларни аниқлаш ва бошқ.)ни ҳал этишда ТҚФнинг кучлари (орган ходими ва ҳамкорликка жалб этилган шахс), воситалари (махсус ҳисоб йиғмажилдлари, тезкор-техника ва қидирув итлари), усули (ошкора, хуфёна), шунингдек, ҳақиқатга

яқин ўйлаб топилган афсона ва тезкор комбинациядан фойдаланиб, ТҚТларини жазони ижро этиш муассасаларида ўтказиш жараёнида вужудга келиши” [30] ҳақида фикр билдиради. Жазони ижро этиш муассасаларида асосан жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш ишлари амалга оширилади. ТҚФнинг ушбу муҳим вазифаларини адо этишда тезкор ходимлар томонидан иш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида жазо ўтаётган маҳкумга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар (жиноятни бўйнига қўйиш, уриш, қийнаш ва ҳ.к.) содир этилмаслиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

В.А.Черков фикрича: “ТҚФ соҳасида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар ТҚФни амалга оширувчи давлат органлари билан жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида шартномавий ҳуқуқий муносабатлар жараёнида юзага келиб, ушбу ҳаракатлар ҳар доим ёзма равишда амалга оширилиши керак”лигини таъкилайди[31]. ТҚФдаги ушбу муносабатлар оғзаки шаклда ҳам бўлиши мумкин, лекин ўзаро келишув ва ихтириёрийликка асосланиши, инсон ҳуқуқларини таъминлашга тўлиқ хизмат қилади.

С.Р.Матвеев эса: “ТҚФ соҳасидаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар меҳнат қонунчилигини умумий талаблари ва тезкор-қидирув қонунчилигига биноан ТҚФни амалга оширувчи орган ходими ва ҳамкорликка жалб этилган



фуқаролар ўртасида меҳнат шартномасини тузилишига, шу асосда ноошкора ходимларга уларнинг иш стажидан келиб чиққан ҳолда пенсия тайинлаш жараёнида юзага келиши” [32] мазмунида фикр-мулоҳазаларни билдиради. Амалиётда ушбу муносабатларга киришишда меҳнат қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя этилмайди. Бунинг боиси, ходимнинг иш вақти ва юкламалари аниқ белгилаб берилмаслиги ва бошқ. Ушбу омилни бартараф этишда, биринчидан, тезкор ходимнинг кунлик иш вақтининг ҳажмини белгилаш ва унга риоя этилишини таъминлаш; иккинчидан, тезкор ходим ва унга кўмаклашаётган фуқароларга алоҳида шароитда ва ортиқча ишлаган вақти учун қўшимча ҳақ белгиланиши лозим. Шу орқали ТҚФ субъектларининг ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланади.

Р.В.Гоннов ва К.Ю.Ефремовлар: “ТҚФ соҳасидаги молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ТҚФни амалга оширувчи давлат

орган ходимлари, уларга кўмаклашаётган шахслар қонун ва қонуности ҳужжатларга биноан ТҚТларини самарали амалга ошириб, ижобий натижаларга эришгани учун уларга бир маротабалик пул мукофоти, қимматбаҳо совға, буюмларни бериш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши[33, 54–56-б.], шунингдек, ҳар ойда қўшимча махсус ва тезкор-техник воситаларни қўллашда ишлатиладиган маблағлар, тезкор-қидирув тадбирларини



Йигирмадан ортиқ ТҚФда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақида ўз мулоҳазасини билдирган олим ва мутахассисларнинг фикрларини ўргандик.

ўтказиш учун зарур бўлган ашё ва буюмларни харид қилиш, иш юритиш учун зарур бўлган нарсаларни харид қилиш, ушбу тадбирларни конспирация

принципига асосан ниқоблаш, ҳамкорликка жалб этилган шахслар билан учрашувларни таъминлаш учун ишлатиладиган сарф-харажатлар ҳам ТҚФни молиялаштириш ҳисобидан амалга оширилиши жуда муҳим ва зарурлигини”[34] таъкидлашади. Молиялаштириш, фаолиятнинг ривожланишига хизмат қилиб, бунинг учун ТҚФни молиявий таъминлаш тизимининг муқобил механизминини ишлаб чиқиш лозим. ТҚФни амалга оширувчи органларнинг қонуний асослар ва шартларга биноан ўтказилган ТҚТлари натижасига

кўра аниқланган ноқонуний валюта қимматликлари, товар-моддий бойликларни, шунингдек, мулкый турдаги жиноятларнинг фош этилишида етказилган моддий зарарни терговга қадар текширув вақтида қоплаш чоралари таъминланиб, судгача сақлаш учун махсус депозит ҳисобварақларини ташкил этиш ҳамда ушбу ҳисобварақларида маълум миқдордаги (10-15 фоизгача) маблағларнинг шаклланишига катта ҳисса қўшган тезкор ходим ва унга фаол кўмаклашган фуқарони моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши, ТҚФда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали усулидан бири деб ҳисоблаймиз.

Юқорида йигирмадан ортиқ ТҚФда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақида ўз мулоҳазасини билдирган олим ва мутахассисларнинг фикрларини ўргандик. Уларнинг фикрига кўра, ТҚФда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, биринчидан, ушбу фаолиятнинг асосий категориялари билан боғлиқлиги; иккинчидан, ТҚФдаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан биргаликда вужудга келишини таъкидлашгани маълум бўлди. Бироқ, уларнинг фикрлари турлича бўлиб, ТҚФда юзага келаётган ижтимоий-ҳуқуқий





муносабатлар айнан қайси ҳуқуқ соҳаси билан бирга, ўзаро уйғунликда вужудга келиши ҳақида қисқача фикр билдирилган. Фикримизча, ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда вужудга келаётган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, тезкор-қидирув муносабатлар дейилиб, ушбу тушунчага қуйидаги мазмунда таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Тезкор-қидирув муносабатлари деганда ТҚФ иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган объектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ муносабатлар тушунилади”.

Бундан ташқари, ТҚФда ташкилий-бошқарув муносабатлари мавжуд. Ушбу масалада Т.Б.Токалов, В.Т.Томин ва Н.П.Поповлар қуйидагича таъкидлайдилар: “Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида ташкилий-бошқарув муносабатлари ТҚФни вазифаларини ҳал этишда муҳим ҳисобланиб, идоравий назоратни амалга оширувчи субъект учун ташкилий-бошқарув муносабатларни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ҳамда унда тезкор бўлинмаларнинг ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш зарур” [35; 36, 81-6.]. Демак, ТҚФда ташкилий-

бошқарув муносабатлари ТҚФни амалга оширувчи тезкор ходим ва тезкор хизмат раҳбари томонидан ТҚФнинг вазифаларини ижобий ҳал этиш учун ТҚТларини ташкил этиш ва ўтказиш, кўмаклашувчи фуқаролар билан ишни самарали амалга оширишда вужудга келади.

Профессор В.Каримов эса: “Тезкор-қидирув муносабатларини қуйидагича: а) раҳбар – ходим; б) ходим – ходим; д) тезкор ходим – кўмаклашувчи шахс; э) кўмаклашувчи шахс – гумонланувчи шахс; ф) тезкор ходим – гумонланувчи шахс ўртасида вужудга келади”, [37, 132-6.] деб ҳисоблайди. Назаримизда, ушбу таснифлашда ТҚФ иштирокчиларининг рўйхати тўлиқ эмас. Бунинг боиси, юқорида тезкор-қидирув муносабатлари тушунчасига берилган таърифда 7 та ҳуқуқ соҳалари билан биргаликда тезкор-қидирув муносабатлари вужудга келиши ҳақида конкрет тўхтамга келгандик. Бизнингча, тезкор-қидирув муносабатлари ТҚФнинг қуйидаги:

1) ТҚФни амалга оширишда иштирок этувчи мансабдор шахслар (адвокат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) - идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбар ўртасидаги муносабат. Ушбу муносабатлар тезкор ходимнинг кундалик хизмат фаолиятини Ўзбекистон

Республикаси Жиноят -процессуал кодексига биноан ташкил этилишини таъминлаш ва назорат қилинишини англатади. Масалан, терговга қадар текширув натижалари юзасидан жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш ҳақида қарори қабул қилиниши, шахсни ушлаб туриш ва тўпланган ҳужжатларни тергов органига тақдим этиш ва бошқ.; 2) идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбар - тезкор ходим ўртасида муносабат. Ушбу муносабатда орган раҳбари тезкор ходимнинг кундалик хизмат вазифаларни тўғри ташкил этилишини таъминлайди; 3) тезкор ходим - тезкор ходим ўртасидаги муносабат. Ушбу муносабатлар ҳамкорлик асосида ТҚФ вазифаларининг ҳал этилишига хизмат қилади. Масалан, ички ҳамкорлик ИИБ тизимидаги тезкор бўлинмалар ўртасида, ташқи ҳамкорлик ТҚФни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, бошқа давлатларнинг ТҚФни амалга оширувчи органлари билан Ўзбекистонда ТҚФни амалга оширувчи тезкор бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорликни мисол келтириш мумкин; 4) тезкор ходим - ТҚФда иштирок этаётган тезкор аҳамиятга эга шахс (жиноят содир этишни ният қилган, режалаштираётган, тайёрланган, гумонланган шахс) ўртасидаги муносабат. Ушбу муносабатлар ТҚФ вазифаларини ижобий ҳал этишда ЖПК талаблари асосида ҳуқуқий муносабатга киришишни англатади;

5) тезкор ходимлар - ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар ҳамда холислар ўртасидаги муносабат. Ушбу муносабатлар ТҚФнинг вазифаларини самарали ҳал этишда ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролардан тезкор аҳамиятга эга шахс ҳақида тезкор қизиқувга эга бўлган маълумотларни олиш, уларни тезкор-қидирув тадбирларга жалб қилиш ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни англатади; 6) ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар - шоҳид, гувоҳ





Ўртасидаги муносабатлар. Ушбу муносабатлар ТҚФнинг мақсадига эришиш ва вазифаларини амалга ошириш учун ТҚФнинг махсус икки тамойили асосида ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар томонидан шохид, гувоҳ, гумон қилинувчи шахсдан тезкор аҳамиятга эга тезкор ахборотлар тўплашни англатади; 7) ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар-идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбар ҳамда суриштирувчи, терговчи каби иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Мазкур муносабатлар, биринчидан, ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар билан сифатли ишни ташкил этишга; иккинчидан, жиноятларни фош этишда фаол қатнашган шахс хавфсизлиги таъминланиб, холислик асосида тергов жараёнига жалб этилишига, ТҚФ иштирокчилари ҳуқуқларини таъминланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, мазкур масалага илмий жиҳатдан ёндашиб, ТҚФнинг назарияси ва амалиётини ривожлантиришда, энг аввало, тадқиқот ишига тааллуқли ОАКнинг ихтисослик номига тузатиш киритишдан бошламоқ даркор. Бунга асосий сабаб, биринчидан, хорижий давлатлардан, жумладан, Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларида ОАК юридик фанлар тармоғининг ихтисослик рўйхатида “Жиноят процесси, криминалистика ва суд экспертизаси; тезкор-қидирув фаолияти”, “Криминалистика; суд-экспертиза фаолияти; тезкор-қидирув фаолияти” номи илмий-тадқиқот иши амалга оширилмоқда; тўртинчидан, ТҚФни амалга оширувчи органлар исботлашни амалга оширишда аксарият ўтказилган ТҚТлари (қийёсий текширув учун намуналар йиғиш, предметларни ва ҳужжатларни текшириш, шахснинг айнанлигини аниқлаш, маълумотлар тўплаш ва б.)ни натижалари лабораторияларда ўтказилган криминалистик ва суд экспертизаси билан боғлиқ тадқиқотларга асосланиши; бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сон фармони билан ташкил этилиб, шу вақтда “Оператив-қидирув фаолияти” жумласи назария ва амалиётида қўлланилиб келинганлиги, ордан йигирма йил ўтиб, 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан илк маротаба “Тезкор-қидирув фаолияти” жумласи қўлланилиб, ҳозиргача ушбу тушунчадан кенг фойдаланиб келинаётганлиги, унга “оператив-қидирув ҳуқуқи”, “оператив-қидирув усуллари” каби ибораларни ишлатилганлиги, мазкур қонуннинг номланишидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, “тезкор-қидирув ҳуқуқи” ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг алоҳида фан тармоғи, соҳаси бўлсада, бироқ “тезкор-қидирув фаолияти” учун хизмат қилиши, масалан, ТҚФни амалга оширувчи органлар ҳуқуқлари; ушбу органнинг ходимлари, уларга кўмаклашаётган шахсларнинг ва уларнинг оила аъзосини ижтимоий-ҳуқуқий (моддий-маънавий рағбатлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш ва б.) жиҳатдан ҳимоя қилишга доир қатор нормалар амалдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинганлиги; олтинчидан, ХМҚОларнинг олий таълим муассасаларидаги ихтисослик кафедраларнинг номи таҳлил қилинганида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “Тезкор-қидирув фаолияти ва кибархуқуқ”; “Ички ишлар вазирлиги академиясида “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси ташкил этилган бўлиб, уч йилда “Тезкор-қидирув фаолияти йўналиши” мутахассислиги



фан йўналишлари ҳисобланганлиги боис, ушбу сўзларни ихтисосликнинг номида ёнма-ён ифодаланиши мантиқан тўғридир (Масалан, Тошкент давлат юридик университетидан “Криминалистика ва суд экспертизаси” кафедраси ташкил этилган бўлиб, “Криминалистика”, “Суд экспертизаси” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” номи йўналишларда ўқув ва илмий-тадқиқот иши амалга оширилмоқда); тўртинчидан, ТҚФни амалга оширувчи органлар исботлашни амалга оширишда аксарият ўтказилган ТҚТлари (қийёсий текширув учун намуналар йиғиш, предметларни ва ҳужжатларни текшириш, шахснинг айнанлигини аниқлаш, маълумотлар тўплаш ва б.)ни натижалари лабораторияларда ўтказилган криминалистик ва суд экспертизаси билан боғлиқ тадқиқотларга асосланиши; бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сон фармони билан ташкил этилиб, шу вақтда “Оператив-қидирув фаолияти” жумласи назария ва амалиётида қўлланилиб келинганлиги, ордан йигирма йил ўтиб, 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан илк маротаба “Тезкор-қидирув фаолияти” жумласи қўлланилиб, ҳозиргача ушбу тушунчадан кенг фойдаланиб келинаётганлиги, унга “оператив-қидирув ҳуқуқи”, “оператив-қидирув усуллари” каби ибораларни ишлатилганлиги, мазкур қонуннинг номланишидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, “тезкор-қидирув ҳуқуқи” ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг алоҳида фан тармоғи, соҳаси бўлсада, бироқ “тезкор-қидирув фаолияти” учун хизмат қилиши, масалан, ТҚФни амалга оширувчи органлар ҳуқуқлари; ушбу органнинг ходимлари, уларга кўмаклашаётган шахсларнинг ва уларнинг оила аъзосини ижтимоий-ҳуқуқий (моддий-маънавий рағбатлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш ва б.) жиҳатдан ҳимоя қилишга доир қатор нормалар амалдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинганлиги; олтинчидан, ХМҚОларнинг олий таълим муассасаларидаги ихтисослик кафедраларнинг номи таҳлил қилинганида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “Тезкор-қидирув фаолияти ва кибархуқуқ”; “Ички ишлар вазирлиги академиясида “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси ташкил этилган бўлиб, уч йилда “Тезкор-қидирув фаолияти йўналиши” мутахассислиги



бўйича таҳсил олаётган курсантларга “Тезкор-қидирув фаолияти” фанидан турли шаклдаги машғулотлар ўтказилиб, ТҚФни амалга оширувчи давлат органлари учун етук мутахассислар тайёрланаётганлиги, таҳлилларга асосланиб, “12.00.09” ихтисосликдаги “тезкор-қидирув ҳуқуқ” сўзини “тезкор-қидирув фаолияти”- га ўзгартириш орқали ихтисослик номини “12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика ва суд экспертизаси, тезкор-қидирув фаолияти” деб баён этиш, бундан ташқари, ХМҚОлари тизимидаги олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат юридик университети, Божхона институти, Жамоат хавфсизлиги университети, Ички ишлар вазирлиги академияси ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси)да ўқитиладиган “Тезкор-қидирув ҳуқуқи”, “Тезкор-қидирув фаолияти” фанларнинг ўқув дастури ўрганилганда “ТҚФнинг ривожланиш

тарихи; ТҚФни ҳуқуқий асослари; тушунчаси, мақсади; асосий вазифаси; Конституциявий ва махсус принциплари; ТҚФни амалга оширувчи органларнинг таснифи ва уларнинг мақоми; ТҚТларининг турлари ва тушунчаси, ТҚТларини ўтказишнинг асослари ва шартлари; ТҚФдаги чекловлар; ТҚФга оид маълумотларни муҳофаза қилиш; ТҚФнинг натижаларидан фойдаланиш; ТҚТларига оид қарорларни кўриб чиқиш тартиби; ТҚФни амалга оширувчи субъектларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси; ТҚФни устидан идоравий ва прокурор назорати; ТҚФни молиялаштириш; ТҚФда ҳамкорлик; шунингдек, ЖКнинг Махсус қисмида назарда тутилган, ҳозирда кўп содир этиладиган жиноятлар бўйича алоҳида мавзулар ўтилиши белгиланиб, “ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш” мавзусининг йўқлиги маълум бўлди. Мазкур мавзунини ушбу дастурга

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

- Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.43-48.
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2009. – Б.307-322.
- Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: ТДЮ, 2021. – 182-185.
- Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: «Адолат», 2018. – 528 б.
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, доцент Н.П.Азизов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.90-93.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. I –Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. X –Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 571 б.
- Утаев М.А. О классификации оперативно-розыскной деятельности // Жиноятчиликка қарши курашда оператив қидирув фаолияти назарияси ва амалиёти: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 166 б.
- Василенко Г.Н. Административно-правовое регулирование оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2005. – 28 с.
- Изотова Н.В. Использование оперативно-розыскной информации в обеспечении доказывания в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Воронеж, 2003 24 с.
- Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. – Т., 2018. – 360 б.
- Кузнецов Е. В. Характерные признаки и классификация оперативно-розыскных правоотношений / Вестник Омского университета. Серия «Право». 2012.№ 3 (32). С.269-272.
- Ивенин В.О. Об уголовно-правовом обеспечении оперативно-розыскной деятельности в зарубежном законодательстве // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева № 2, том 1, 2018. С.163-174.
- Аганесян А.Л. Теоретические и правовые основы использования результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир, 2005. – 24 с.
- Вытовтов А.Е. Результаты оперативно-розыскной деятельности как средства доказывания в уголовном судопроизводстве (по материалам уголовных дел экономической направленности): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2020. 24 с.
- Шашин Д.Г. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в методике расследования и поддержания государственного обвинения по уголовным делам о незаконном сбыте наркотиков: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2008. – 22 с.
- Гаскаров И.Ф. Тактико-криминалистические особенности использования результатов оперативно-розыскной деятельности в расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Екатеринбург, 2005. – 32 с.
- Зеленская Т.В. Соотношение уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Иркутск, 2007. 26 с.
- Котухов М.П. Перевод результатов оперативно-розыскной деятельности в доказательства: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Казань., 2001. – С.177.
- Клёнов Д.И. Процессуальный порядок



алоҳида мавзу сифатида киритиб, бўлғуси ТҚФ орган ходимлари билимини ошириш лозим. Шунингдек, ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш талаб этилиб, бунинг учун амалиёт ходимлари ва тадқиқотчиларга методик жиҳатдан ёрдам берилиши талаб этилади. Шу боис, илмий мактаб учун DSc ва PhD диссертация мавзуларини шакллантириш, ТҚФ йўналишида ҳимоя қилинган тадқиқот ишларининг авторефератлари ҳамда илмий мактаб учун DSc ва PhD диссертация мавзулари рўйхати,

илмий грантлар лойиҳалари, фаолиятга тааллуқли халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув-услубий адабиётлар(дарслик, монография, ўқув-амалий қўлланма ва б.)нинг электрон базасини шакллантиришда "Тезкор-қидирув фаолиятининг илмий-таълим портали"ни яратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таълим платформасининг афзаллиги республика миқёсида тезкор ходимларнинг амалиётдаги долзарб муаммо ва уларнинг ечими бўйича тадқиқот иши билан шуғулланишга имконият яратиб, талабгор ва тадқиқотчиларга ёрдам беради.



использования результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании на досудебных стадиях производства по уголовным делам: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Ижевск – 2005. 24 с.
21. Козловский А.Ю. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе расследования таможенных преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2006. – 28 с.
22. Миролюбов С.Л. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам (на примере преступлений, совершаемых в учреждениях уголовно-исполнительной системы): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир ВЮИ ФСИН России, 2012. – 22 с.
23. Пашева Э.Х. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при принятии процессуальных решений (на примере уголовных дел о незаконном сбыте наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Томск, 2017. 23 с.
24. Родичева Т.П. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при раскрытии к расследованию преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2006. – 24 с.
25. Рыжов Р.С. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе как правовой институт: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Нижний Новгород, 2004. 32 с.
26. Сафонов В.Ю. Правовые предпосылки и этапы реализации результатов оперативно-розыскной деятельности в досудебном производстве: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Екатеринбург 2005. 24 с.
27. Сафронов А.Ю. Расследование фальсификации доказательств по уголовному делу и результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2020. 30 с.
28. Уткин В.В. Использование в судебном доказывании по уголовным делам результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис.

... канд. юрид.наук. – Нижний Новгород, 2020. 35 с.
29. Шананин М.Г. Тактика использования результатов, оперативно-розыскной деятельности для подготовки и проведения следственных действий (генезис, теория и практика): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Санкт-Петербург, 2004. 24 с.
30. Щетнёв Л.Е. Правовое регулирование организации и тактики оперативно-розыскной деятельности в уголовно-исполнительной системе Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2005 – 25 с.
31. Черков В.А. Правоотношения в сфере оперативно-розыскной деятельности и их классификация/ Зарубежный опыт/ <https://cyberleninka.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.11.2021 й).
32. Матвеев С.П. К вопросу о правовой природе контракта в сфере ОРД / <https://cyberleninka.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 12.10.2021 й).
33. Гоннов Р.В. Проблемные вопросы финансирования оперативно-розыскной деятельности ОВД / Вестник экономики, права и социологии 2021, № 3 С.54-56.
34. Ефремов К.Ю. Особенности финансового обеспечения ОРД / Актуальные проблемы теории и практики оперативно-розыскной деятельности материалы В Всероссийской научно-практической конференции (Краснодар, 25 ноября 2016 года) Краснодарский университет МВД России.2017. – С.72-76. <https://www.elibrary.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.10.2021 й).
35. Токалов Т.Б. Теоретические, правовые и организационно-управленческие проблем оперативно-розыскной деятельности ОВД Республики Казахстан в борьбе с преступностью: системе Автореф. дис. ... д-ра. юрид.наук. – М., 2007 53 с.
36. Томин В.Т., Попов Н.П. Эффективное уголовное судопроизводство: управленческие, социальные и правовые аспекты. Пятигорск, 2003. С.81.
37. Каримов Ваҳобжон, Тезкор-қидирув фаолияти: Дарслик / В.Каримов. – Т.: Lesson Press, 2021. – 420 б.



Sardorbek XUSANBOEV,
Toshkent viloyati IIBB Tezkor
qidiruv xizmati Terrorizmga
qarshi kurashish boshqarmasi
katta tezkor vakili mayor,
O'zbekiston Respublikasi IIV
mustaqil izlanuvchisi.

Sardorbek KHUSANBOEV,
Applicant of the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of
Uzbekistan

**ICHKI ISHLAR
ORGANLARINING**

EKSTREMISTIK

**GURUHLAR FAOLIYATIGA QARSHI
KURASHISHNING SAMARALI YO'LLARI: ILMIY-
NAZARIY VA AMALIY YONDASHUVLAR**

**EFFECTIVE METHODS OF COMBATTING
THE ACTIVITIES OF EXTREMIST GROUPS BY
INTERNAL AFFAIRS BODIES: SCIENTIFIC-
THEORETICAL AND PRACTICAL APPROACHES**



ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada zamonaviy ekstremizm tahdidlariga qarshi kurashda ichki ishlar organlarining roli, tizimli va hamkorlikka asoslangan yondashuvlarning samaradorligi ilmiy tahlil qilingan. Shuningdek, xorijiy mamlakatlar tajribasi misolida axborot almashinuvi, kibernetika va yoshlar bilan ishlash bo'yicha amaliy takliflar ilgari surilgan. Maqolada mamlakatimizda ekstremistik faoliyatni aniqlash, uning oldini olish va profilaktika qilishda davlat, jamiyat va idoralararo hamkorlikning ahamiyati yoritilgan.

KALIT SO'ZLAR: Ekstremizm, radikalizm, terrorizm, ichki ishlar organlari, tezkor bo'linmalar, axborot almashinuvi, kiberjinoyat, kibernetika, yoshlar profilaktikasi, mafkuraviy immunitet, idoralararo hamkorlik, axborot, targ'ibot, monitoring, strategiya, xavfsizlik.

ABSTRACT: This article provides a scientific analysis of the role of internal affairs agencies in combating the threats of modern extremism, as well as the effectiveness of systemic and collaborative approaches. In addition, practical proposals for information exchange, cyber control and work with young people are put forward based on the experience of foreign countries. The article highlights the importance of state, public and interdepartmental cooperation in identifying, preventing and preventing extremist activity in our country.

KEY WORDS: Extremism, radicalism, terrorism, internal affairs agencies, operational units, information exchange, cybercrime, cyber control, prevention among young people, ideological immunity, interdepartmental interaction, information, propaganda, monitoring, strategy, security.

N



Hozirgi zamonaviy geosiyosiy vaziyatda ekstremizm masalasi jahon hamjamiyati uchun jiddiy xavf hisoblanadi. U turli hududlarda ijtimoiy notinchlik, diniy nizolar, terrorchilik faoliyati va jinoyatchilikning keskin o'sishiga sabab bo'lmoqda. Bu borada ichki ishlar organlarining, ayniqsa, tezkor xizmatlarining roli hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Ekstremistik guruhlarining faoliyatini fosh etish borasidagi samarali choralar, takliflar va ularning amalga oshirilishi bugungi kunning dolzarb ilmiy-amaliy masalalaridan biridir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev "Biz yaxshi tushunamizki, bizning mintaqamiz ham, Yevropa Ittifoqi ham xavfsizlik sohasida, jumladan, terrorizm, ekstremizm va transmilliy jinoyatchilikka, giyohvand moddalarning noqonuniy aylanmasiga qarshi kurash masalalarida umumiy tahdid va xatarlarga duch kelmoqda" [1] deya ta'kidlab o'tgan.

Jahon tajribasi shundan dalolat bermoqdaki, ekstremistik harakatlarga qarshi faqat repressiv choralar bilan emas, balki keng qamrovli ijtimoiy, axborot, profilaktik va tezkor choralar orqali kurashish mumkin. B.E. Bagmetning fikriga ko'ra: "Ekstremizmga qarshi kurashning murakkabligi uning o'zgaruvchanligida yotadi: ko'cha tajovuzidan to kibermakongacha bo'lgan ko'rinishlari, bu esa idoralararo hamkorlik va intellektual yondashuvni talab etadi"[2]. Bu fikr asosida IIO tizimidagi tezkor bo'linmalar faoliyati faqat kuzatish, qo'lga olish bilan chegaralanmasligi, balki tahlil, diagnostika va samarali hamkorlikni qamrab olishi lozim demoqchi.

Ekstremizm – bu murakkab ijtimoiy-siyosiy, madaniy va iqtisodiy omillar bilan bog'liq hodisa bo'lib, uni faqat bir tarafdin – masalan, faqat huquqni muhofaza qiluvchi idoralar vositasida yoki faqat diniy targ'ibot orqali bartaraf etish mumkin emas. Shu bois, xorijiy ilmiy tadqiqotlarda ekstremizmga qarshi kurashda kompleks, ya'ni tizimli yondashuv muhimligi alohida ta'kidlanadi.

Olimlar N. B. Baal, Ye. N. Grechkina R. O. Kocherginlar [3] ekstremizmni fosh etish va profilaktikasida axborot texnologiyalari hamda jamoatchilikni jalb qilishning ahamiyatiga e'tibor qaratgan, ularning fikricha ekstremizmga qarshi kurashning zamonaviy usullari faqatgina kuch ishlatish choralari emas, balki aholini ma'rifatli qilish, internet makonini nazorat qilish, ijtimoiy tarmoqlar orqali yoshlarni faol jalb etishni ham o'z ichiga olishi lozim.



Хuddi shuningdek, Rossiya, Germaniya, AQSh va boshqa davlatlarda ekstremizmga qarshi kurashda tizimli yondashuv asosida ko'p sohali hamkorliklar yo'lga qo'yilgan. Bu tizimda huquqni muhofaza qilish organlari, ta'lim muassasalari, psixologlar, diniy jamoatlar va axborot texnologiyalari markazlari birgalikda faoliyat yuritadilar.

Xorijiy olimlar fikriga ko'ra, ekstremizmga qarshi kurashda tizimli yondashuv – bu murakkab ijtimoiy, madaniy va texnologik jarayonlarni birlashtiruvchi kompleks chora-tadbirlar majmuasidir. Unda huquqiy, profilaktik, ma'rifiy va texnologik mexanizmlar bir vaqtning o'zida ishga tushiriladi. Bu yondashuvning muhim jihati – jamoatchilikning faol ishtirok etishi va idoralararo hamkorlikni mustahkamlashdir.

Ekstremizmga qarshi kurashidagi hamkorlikning elementlaridan biri bo'lgan o'zaro axborot almashish masalasida to'xtalib o'tadigan bo'lsak, bu sohada amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar juda ko'pdir. Misol uchun IIO, DXX, Favqulodda vaziyatlar, kiberxavfsizlik markazlari va boshqa idoralar o'rtasida birlashgan axborot bazasi yaratish, qo'shni davlatlar bilan hamkorlikda transchegaraviy ma'lumot almashinuvi mexanizmlarini ishlab chiqish zarur deb hisoblaymiz. Fikrimizcha, tezkor axborot almashinuvi – ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashda muhim element bo'lib, turli idoralar va davlatlar o'rtasidagi hamkorlikni ta'minlaydi. Ushbu jarayon chet davlatlarda quyidagi shakllarda amalga oshiriladi:

AQSH TAJRIBASI. AQShda ichki xavfsizlik sohasida ma'lumot almashinuvi uchun bir qator markazlar tashkil etilgan. Masalan, Fusion Centers — turli huquqni muhofaza qiluvchi idoralar, razvedka xizmatlari va mahalliy hokimiyatlar o'rtasida ma'lumotni birlashtiruvchi markazlar hisoblanadi. Ushbu markazlar radikalizm va terrorizmga oid axborotni tezkor to'plash, tahlil qilish va tarqatishga yo'naltirilgan. AQSh Departamentining 2019 yildagi hisobotiga ko'ra, Fusion Centers 2015–2019 yillar mobaynida ekstremistik tahdidlarni samarali aniqlashda muhim rol o'ynaydi [4].

YEVROPA ITTIFOQI (EI) TAJRIBASI. Yel doirasida ham bir qator barcha a'zolar uchun umumiy ma'lumot almashish tizimlari yo'lga qo'yilgan. Masalan: Europol's European Counter Terrorism Centre (ECTC) ekstremizmga qarshi kurashda ahamiyatli axborot almashish platforma sifatida faoliyat ko'rsatadi. ECTC a'zolari — huquqni muhofaza qilish organlari, razvedka idoralari va migratsiya xizmatlari — radikallashuv jarayonlarini monitoring qiladi va tezkor xabardorlik tizimlarini ishga soladi [5].

BUYUK BRITANIYA TAJRIBASI. Buyuk Britaniyada Prevent Strategy (Profilaktika strategiyasi) doirasida ko'p sohali ma'lumot almashinuvi mexanizmlari yaratilgan. Bu

strategiya majburiy ravishda politsiya, ta'lim muassasalari, sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar o'rtasida axborot almashinuvi ta'minlaydi. 2017-yilgi tahlilga ko'ra, bu tizim yoshlarning radikallashuvini aniqlash va oldini olishda muhim samara ko'rsatgan [6].

KANADA TAJRIBASI. Kanadada Integrated National Security Enforcement Teams (INSETs) — milliy xavfsizlik bilan bog'liq qo'shma qidiruv guruhlarini tuzilgan. Ular turli idoralarning tezkor axborot almashinuvi va tezkor harakatlarni muvofiqlashtiradi. Kanada Hukumatining 2020-yilgi hisobotiga ko'ra, INSETlar terrorizm va ekstremizm tahdidlarini monitoring qilishda ko'p sohali hamkorlikni tashkil etgan [7].

Demak, har bir davlat tezkor axborot almashinuvi kuchaytirish maqsadida turli modellar ishlab chiqqan bo'lib, ularning asosiy xususiyati – bir nechta sohalar va idoralar o'rtasida tezkor, samarali hamkorlikni ta'minlashdir. Bu tizimlar ekstremizmga qarshi kurashda barcha manbalardan kelayotgan axborotni tez va aniq tahlil qilish, shubhali holatlarni o'z vaqtida aniqlash imkonini beradi degan fikrdamiz.

Bugungi kunda ekstremizmni oldini olishning yana bir choralaridan biri bu ijtimoiy tarmoqlarda kibernetikani kuchaytirish lozim (onlayn ekstremizmga qarshi kurash) deb hisoblaymiz.





B Bunda, ijtimoiy tarmoqlar va messengerlarda shifrlangan, yopiq guruhlarini tahlil qilish uchun maxsus kiberguruh tashkil etish; Radikal kontentni avtomat tarzda aniqlovchi dasturlar (AI, ML)dan foydalanish; IP manzillar orqali ekstremistik kontent tarqatganlarni fosh etish va qonuniy chora ko'rish lozim deb hisoblaymiz.

Internet va ijtimoiy tarmoqlar onlayn ekstremizm tarqalishida muhim platformaga aylanib, bugungi kunga kelib radikal guruhlar va ekstremistik g'oyalarni tarqatishda keng foydalanmoqda. Shu sababli, kibernetika va onlayn muhitni monitoring qilish – ekstremizmga qarshi kurashda asosiy yo'nalishlardan biri hisoblanadi. Ushbu yo'nalishda chet el tajribalarini keltirib o'tish mumkin.

AQSH TAJRIBASI. AQShda Federal Bureau of Investigation (FBI) va Department of Homeland Security (DHS) internetdagi radikal kontentga qarshi kurashda maxsus kiberguruhlarini faoliyatga kiritgan bo'lib, bular, ijtimoiy tarmoqlar va messengerlarda ekstremistik va terrorchilik kontentini avtomatik aniqlash uchun sun'iy intellekt (AI) va mashina o'rganish (ML) texnologiyalaridan foydalanadi. Facebook, Twitter, YouTube kabi yirik platformalar bilan hamkorlikda radikal kontentni tezda olib tashlashga harakat qiladi [8].

YEVROPA ITTIFOQI TAJRIBASI. Yevropa Ittifoqida European Union Internet Referral Unit (IRU) bo'linmasi tuzilgan bo'lib, mazkur bo'linma internetdagi zo'ravonlik va radikal kontentni aniqlash va uni internet platformalaridan chiqarish bilan shug'ullanadi. IRU avtomatlashtirilgan algoritmlar va inson tahlilini birlashtirib, kibernetika tomonidan kurashda samarali

monitoring olib boradi. 2020 yilda IRU 94,000 dan ortiq radikal video va postlarni internetdan olib tashlagan [9].

BUYUK BRITANIYADA Online Harms White Paper doirasida kibernetika tomonidan kuchaytirish va ijtimoiy tarmoqlardagi ekstremistik kontentga qarshi samarali choralar ko'rish uchun qonunchilik bazasi yaratilmoqda. Platformalarga radikal kontentni yo'q qilish majburiyati yuklatilgan. Shuningdek, Hukumatning Counter Extremism Project dasturi doirasida kibernetikadagi radikalashuvga qarshi kurashish uchun jamoatchilik va xususiy sektor hamkorligi kuchaytirilmoqda [10].

AVSTRALIYA TAJRIBASI. Avstraliyada Australian Cyber Security Centre (ACSC) internetda ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashda monitoring qilish uchun kuchli kibernetika tomonidan ishlab chiqargan. ACSC shifrlangan xabarlar va yopiq guruhlar faoliyatini tahlil qilishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanadi. Shuningdek, Avstraliya hukumati 2021 yilda internetdagi ekstremistik kontentga qarshi yangi qonunchilikni qabul qilib, radikal materiallarni tezkor olib tashlashni majburiy etdi [11].

Demak, chet el davlatlar tajribasidan ko'rinadiki, onlayn ekstremizmga qarshi kurashish uchun kibernetika tomonidan rivojlanishi muhim ahamiyatga ega ekan. Bu jarayon sun'iy intellekt va mashina o'rganish texnologiyalari, maxsus kiberguruhlar, davlat va xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlikni o'z ichiga oladi. Qonunchilik asosida platforma mas'uliyati oshirilishi va internetdagi radikal kontentning tezda olib tashlanishi – muvaffaqiyatli kibernetika tomonidan asosiy elementlaridan biri hisoblanadi.

Ma'lumki, yoshlar ekstremistik g'oyalarga eng ko'p ta'sirlanadigan va ularga jalb qilinadigan guruh hisoblanadi. Shu sababli yoshlar bilan maqsadli profilaktik va



targ'ibot ishlarini olib borish — ekstremizmga qarshi kurashda, o'zini yuksak ma'naviyatli inson deb bilgan har bir kishi ezigulikni yovuzlikdan farqlay olishi, doimo ogoh va hushyor bo'lishi, zamonaviy tahdidlar va mafkuraviy bunday xurujlarga qarshi tura olishi eng muhim vazifadir [12]. Buning uchun internet ta'lim kurslari, videoroliklar, real hayot misollari orqali radikalizmning oqibatlari haqida axborot tarqatish lozim. Shuningdek, madaniyat, sport va ta'lim muassasalarida profilaktik tadbirlarni muntazam o'tkazish; radikal ta'sirga moyil yoshlar bilan individual profilaktika suhbatlari tashkil etish zarur deb hisoblaymiz.

Mazkur yo'nalishda chet el tajribasi o'rganilib chiqildi va ushbu davlatlar quyidagi profilaktik ishlar yo'lga qo'yilganligi tadqiqot davomida aniqlanadi, jumladan:

GERMANIYA TAJRIBASI. "Germaniyada "Demokratie leben!" (Hayot demokratiya bilan!) dasturi yoshlar o'rtasida radikallashuvga qarshi profilaktika tadbirlarini tashkil etadi. Ushbu dastur maktablarda va mahalliy jamoatlarda diniy va madaniy muloqotni rivojlantirish, yoshlarga radikal g'oyalarni tanqidiy fikrlash orqali tushuntirish hamda ijtimoiy faollikka jalb qilishga qaratilgan" [13].

NIDERLAND TAJRIBASI. Niderlandda "Veiligheidshuis" (Xavfsizlik uyi) konsepsiyasi doirasida maktablar, ijtimoiy xizmatlar va politsiya o'rtasidagi hamkorlik orqali radikallashuvga moyil yoshlarni aniqlash va ular bilan individual ishlash tizimi joriy etilgan. Har bir yoshga alohida profilaktika rejasi ishlab chiqiladi hamda internet xavfsizligiga oid kurslar tashkil etiladi" [14].

AQSH TAJRIBASI. "AQShda «Building Resilience Against Violent Extremism» (Zo'ravonlikka qarshi chidamlilikni kuchaytirish) dasturi doirasida yoshlarni radikallashuvdan asrash maqsadida onlayn platformalar,

psixologik yordam va muhokama forumlari tashkil etilgan. Bu tashabbus radikal g'oyalarga qarshi immunitet shakllantirishga qaratilgan [15].

Yoshlar bilan maqsadli ishlashda individual yondashuv, ta'lim-targ'ibot ishlari, psixologik qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy faollikni oshirish muhim ahamiyatga ega. Boshqa davlatlarning tajribalari yoshlar orasida radikallashuvga qarshi tizimli profilaktik ishlarni tashkil etishda samarali modellar sifatida xizmat qiladi.

Respublikamizda yoshlarni ekstremistik va terrorchilik faoliyatiga jalb etilishidan himoyalashda birqator chora tadbirlar amalga oshirilmoqda. Hozirgi zamonda ekstremizm va terrorizm milliy xavfsizlik uchun eng katta tahdidlardan biri hisoblanadi. Bu tahdidlar orasida ayniqsa yoshlar katta xavf ostida turibdi, chunki ular ko'pincha radikal g'oyalar ta'siriga uchrab, noqonuniy faoliyatga jalb qilinadi. Davlat yoshlarni bu xavflardan himoyalashda asosiy o'rinni egallaydi. Ushbu maqolaning maqsadi — Rossiya, AQSh va Yevropa misolida yoshlarni muhofaza qilishning samarali davlat yondashuvlarini tahlil qilish hamda yetakchi olimlar fikrlarini ko'rib chiqdik. Jumladan,

Ekstremizmga qarshi kurashda asosiy omillardan biri qonunchilikni rivojlantirish hisoblanadi. Rossiyalik olim A.F.Xaliullin qonunchilikni kuchaytirish, ekstremizm va terrorizmni targ'ib qilish uchun javobgarlikni mustahkamlash, bolalar va o'smirlarda vatanparvarlik tarbiyasi hamda bag'rikenglikni rivojlantirishdir hamda profilaktik choralarni joriy etish zarurligini ta'kidlaydi [16].

AQShda esa qonunlar nafaqat jazo choralari, balki "Countering Violent Extremism" [17] (CVE) dasturlari orqali profilaktikani ham qamrab oladi. Amerikalik mutaxassislarning fikriga ko'ra, bu dasturlar yoshlar va xavfli guruhlar bilan ishlash hamda radikallashuv ehtimoli bo'lgan shaxslarni reabilitatsiya qilishni o'z ichiga oladi [18].

Fikrimizcha, "Countering Violent Extremism" (CVE) dasturlaridan foydalanish, ya'ni, ekstremizmga qarshi kurash



CHET EL DAVLATLAR TAJRIBASIDAN KO'RINADIKI, ONLAYN EKSTREMIZMGA QARSHI KURASHISH UCHUN KIBERNAZORATNING RIVOJLANISHI MUHIM AHAMIYATGA EGA EKAN. BU JARAYON SUN'YI INTELEKT VA MASHINA O'RGANISH TEXNOLOGIYALARI, MAXSUS KIBERGURUHLAR, DAVLAT VA XUSUSIY SEKTOR O'RTASIDAGI HAMKORLIKNI O'Z ICHIGA OLADI.



“

Yoshlar bilan maqsadli ishlashda individual yondashuv, ta'lim-targ'ibot ishlari, psixologik qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy faollikni oshirish muhim ahamiyatga ega. Boshqa davlatlarning tajribalari yoshlar orasida radikallashtirishga qarshi tizimli profilaktik ishlarni tashkil etishda samarali modellar sifatida xizmat qiladi.

faqat jazo choralari bilan cheklanmasdan, balki profilaktika, yoshlar va xavf ostidagi guruhlar bilan ishlash hamda radikallashtirish shaxslarni reabilitatsiya qilishni o'z ichiga olishi kerakligi – murakkab ijtimoiy jarayonlarga ilmiy va pragmatik yondashuvni aks ettiradi. Bu fikrga ijobiy munosabat bildirish mumkin, chunki:

1. PROFILAKTIKANING AHAMIYATI: Faqat jazo orqali ekstremizmni kamaytirish muvaffaqiyatli emas, xavfli guruhlar bilan ishlash orqali ekstremistik g'oyalarning ildiziga yetib borish va ularning tarqalishining oldini olish mumkin.

2. REABILITATSIYANING SAMARASI: Radikallashtirish yo'liga kirgan shaxslarni jamiyatga qayta moslashtirish, ularga alternativ hayotiy yo'lni ko'rsatish orqali ekstremistik oqimlar tarkibining kengayishining oldi olinadi. Bu, ayniqsa, yoshlar orasida radikal g'oyalarning tarqalishini cheklashda samarali vosita bo'lishi mumkin.

3. INSONPARVARLIK YONDASHUVI: CVE dasturlari inson huquqlarini hurmat qilgan holda, jazodan ko'ra ta'lim, psixologik yordam va ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni ustuvor qiladi. Bu yechimlar jamiyatda barqarorlikni ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Davlatning aholi, ayniqsa yoshlarni ekstremistik va terrorchilik faoliyatiga jalb etilishidan himoyalashga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini ishlab chiqishi uchun quyidagi asosiy yo'nalishlarda ish olib borishi zarur deb hisoblaymiz, jumladan,

1. Qonunchilik va huquqiy baza takomillashtirish. Mazkur yo'nalishda :

◆ Ekstremizm va terrorizmga qarshi mustahkam qonunchilikni yaratish va amalda samarali qo'llash.

◆ Jinoyatlarni aniq ta'riflash, jazo choralari qat'iylashtirish va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vakolatlarini kengaytirish.

◆ Yoshlarni ekstremistik faoliyatga jalb etishga qarshi maxsus qonunchilik mexanizmlarini joriy etish zaruriyati mavjud.

2. Profilaktika va targ'ibot ishlari samarali tashkil etish bo'yicha:

◆ Maktablar, oliy ta'lim muassasalari, korxona va tashkilotlarda ekstremizmga qarshi kurashish maqsadida ta'lim dasturlari va targ'ibot tadbirlarini joriy etish.

◆ Yoshlar orasida radikal g'oyalarning oqibatlarini va xavf-xatarlari to'g'risidagi ma'lumotlarni mahalliy va ommaviy axborot vositalari orqali tarqatish.

◆ Yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish va ularni salbiy ta'sirlardan himoya qilish maqsadida sport, madaniyat va ijtimoiy sohalaridagi loyihalarni rivojlantirish zaruriyati mavjud.

3. Mehnat va ijtimoiy rivojlantirish masalasi:

◆ Yoshlarni ish bilan ta'minlash, ular uchun iqtidorlarini rivojlantirish imkoniyatlarini yaratish zarur. Buning uchun ularning bandligini ta'minlash borasida samarali chora-tadbirlarni amalga oshirish, shuningdek, ularning salohiyati va iqtidorlarini to'liq namoyon etishlari uchun tegishli shart-sharoitlar yaratish, masalan, malaka oshirish kurslari, kasbiy ta'lim dasturlari, startap va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash, innovatsion g'oyalarni amalga oshirishda yordam berish kabi imkoniyatlarni yaratish orqali yosh avlodning jamiyatda munosib o'rin egallashiga ko'maklashish lozim.

◆ Ijtimoiy qo'llab-quvvatlash dasturlari orqali kambag'allik va ijtimoiy noaniqliklarni bartaraf etish. Bu esa ijtimoiy qo'llab-quvvatlash dasturlari orqali, ayniqsa, yosh avlod o'rtasida kambag'allik va ijtimoiy noaniqliklarni bartaraf etishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish; buning uchun yoshlar uchun maxsus grantlar, stipendiyalar, uy-joy va kredit imtiyozlari, kasbiy o'quv kurslari hamda ish bilan ta'minlash dasturlarini joriy etish orqali ularning moddiy barqarorligini ta'minlash va jamiyatda munosib o'rin egallashlariga ko'maklashish muhim ahamiyat kasb etadi.

◆ Yoshlar uchun innovatsion va tajriba almashish loyihalarini amalga oshirish. Bunda, yoshlarning intellektual salohiyatini rivojlantirish, ularning zamonaviy bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlarini ta'minlash maqsadida innovatsion g'oyalarni qo'llab-quvvatlash, ilg'or tajribalarni o'rganish va tatbiq etishga yo'naltirilgan loyihalarni amalga oshirish; bu orqali yoshlar o'rtasida yangicha fikrlash, kreativ yondashuv va startap tashabbuslarini rag'batlantirish,





Davlatning aholi, ayniqsa yoshlarni ekstremistik va terrorchilik faoliyatiga jalb etilishidan himoyalashga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini ishlab chiqishi uchun quyidagi asosiy yo'nalishlarda ish olib borishi zarur.

xalqaro tajriba almashinuvi, seminar va treninglar orqali ularni yangi imkoniyatlar bilan tanishtirish hamda ularning jamiyatda faol ishtirokini ta'minlash zarur.

4. Diniy va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikni tashkil etish:

♦ Diniy yetakchilar va imomlar orqali yoshlarni radikal g'oyalardan himoya qilish. Ichki ishlar organlari tomonidan diniy yetakchilar, imomlar va boshqa jamoat arboblari bilan yaqin hamkorlik o'rnatish orqali yoshlarni radikal g'oyalardan himoya qilishga qaratilgan ma'rifiy va profilaktik tadbirlarni amalga oshirish; bu jarayonda yoshlar orasida ma'naviy tarbiyani mustahkamlash, ularning diniy bilimlarini to'g'ri shakllantirish va salbiy ekstremistik ta'sirlardan saqlash uchun diniy arboblarning ta'sirchanligidan faol foydalanish muhim ahamiyatga ega.

♦ Ichki ishlar organlari mahalla va jamoat tashkilotlari bilan uzviy hamkorlikda profilaktik tadbirlarni samarali amalga oshirishga qaratilgan tizimli ishlar olib borish zarur. Bu jarayonda mahallalardagi jamoatchilik faollari, yetakchi shaxslar va fuqarolar bilan birgalikda yoshlarning ijtimoiy muammolarini aniqlash, salbiy holatlarni oldini olish, ma'naviy-axloqiy tarbiya berish hamda ularni jamiyatga moslashtirish borasida ko'maklashish muhim ahamiyat kasb etadi.

♦ Jamoatchilikni "hushyor fuqaro" tamoyili asosida tarbiyalash, ularni jamoat xavfsizligiga mas'uliyat bilan yondashishga uyg'otish hamda turli xavfli holatlar, jumladan jinoyat va ekstremistik faoliyatlar to'g'risida zudlik bilan ma'lumot berishga faol jalb etish, bu orqali jamoatchilik ishtirokini oshirish, mahalliy xavfsizlikni ta'minlashda fuqarolarning hamkorligini mustahkamlash muhim ahamiyatga ega deb hisoblaymiz.

♦ Yoshlar uchun onlayn ta'lim kurslari, videoroliklar va interaktiv platformalarni joriy etish orqali ekstremizmga qarshi ta'lim berish tizimini takomillashtirish; bu jarayonda yoshlar orasida radikal g'oyalarning zararli ta'sirini kamaytirish, ularning ma'naviy-axloqiy savodxonligini oshirish

hamda barqaror ijtimoiy muhitni shakllantirishga qaratilgan innovatsion va samarali usullar qo'llaniladi.

♦ Ijtimoiy tarmoqlar moderatorlari ishtirokida xavfli va radikal kontentga qarshi samarali kurashish tizimini yo'lga qo'yish, bu jarayonda ularning faoliyatini muvofiqlashtirish, zararli ma'lumotlarni tezkor aniqlash va olib tashlash, shuningdek, jamoatchilikni ongli va mas'uliyatli bo'lishga chaqirish kabi chora-tadbirlarni amalga oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Rossiya olimlari, jumladan Ajmuxamedov I.M., bugungi kunda ekstremizm namoyon bo'lishining oldini olishga qaratilgan beshta asosiy psixoprofilaktik yondashuv mavjud, shular biri bu ekstremizm va ekstremistik yo'nalishdagi tashkilotlarning zararli faoliyati haqida ma'lumot tarqatishga asoslangan yondashuv deb qaragan.

Bu yondashuv profilaktik strategiyalarning eng keng tarqalgan turi hisoblanadi. U ekstremistik tashkilotlar va ularning diniy, millatchilik, siyosiy g'oyalari xavfi to'g'risida ma'lumot berishga, shuningdek, bu tashkilotlar a'zolarining hayotiy qiyinchiliklari, vaziyatlari va sabablari haqidagi faktlarni keltirishga asoslanadi. Ijtimoiy xodimlar yoshlarni ekstremizm haqida xabarдор qilish maqsadida tadbirlar o'tkazadilar va loyihalar ishlab chiqadilar. Ekstremistik tashkilotlarning xavfi haqidagi ma'lumotlar imkon qadar batafsil berilishi va kengroq maqsadlarga ega bo'lgan boshqa dasturlar tarkibiga singdirilishi lozim [19] deb fikr bildirgan.

Ushbu fikr, albatta ekstremizmning oldini olishda axborot tarqatishga asoslangan psixoprofilaktika usuli haqidagi tahlil – dolzarb va amaliy ahamiyatga ega. Ammo ushbu yondashuvning ayrim jihatlariga quyidagicha munosabat bildirish mumkin, jumladan, bu yondashuv ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilmaydi, yoshlarning juda ko'p ma'lumot o'qishlaridan charchash xavfi mavjud, ba'zan yoshlarga juda ko'p "o'quv" axborot berish ularda qiziqishni yo'qolishiga olib kelishi va hatto aks ta'sir – qarshi kayfiyatni yuzaga keltirishi, shuningdek,



sensitiv materiallarni¹ noto'g'ri yetkazish ya'ni ekstremistik g'oyalar va guruhlar haqidagi ma'lumotlar noto'g'ri yetkazilsa, yoki sensatsion tarzda taqdim etilsa, yoshlarda bunga qiziqish uyg'otishi mumkin deb hisoblaymiz.

Shunday xulosaga kelish mumkinki, yoshlarning turli ekstremistik oqimlar va radikal g'oyalar ta'siriga tushib qolishining oldini olishda kompleks yondashuv muhim ahamiyatga ega. Jumladan, quyidagi ijtimoiy, iqtisodiy va ma'naviy muammolarni tizimli ravishda hal etish orqali bunday salbiy ta'sirlarga qarshi samarali profilaktika choralari amalga oshirish mumkin deb hisoblaymiz.

Demak, davlat tomonidan yoshlarni ekstremizm va terrorchilik faoliyatiga jalb etilishidan himoya qilish maqsadida kompleks chora-tadbirlar tizimini ishlab chiqish va amalga oshirish zarur. Bu tizim qonunchilik, profilaktika, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, diniy hamkorlik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini o'z ichiga olishi kerak ekan.

Yoshlarni ekstremizm va terrorchilik faoliyatiga jalb etilishidan himoya qilish uchun davlat tomonidan qonunchilik, ta'lim, ijtimoiy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash va jamoatchilik bilan hamkorlikni o'z ichiga olgan kompleks chora-tadbirlar tizimi yaratilishi kerak. Dunyo tajribasi bunday integrativ yondashuv samaradorligini ko'rsatmoqda. Shu birga quyidagi muammolarni hal qilish orqali yoshlarning ekstremistik guruhlarining ta'siri ostiga tushishini oldini olish bo'yicha kompleks yondashuv muhim ahamiyatga ega mumkin deb hisoblaymiz, bular:

- mahalla, ta'lim muassasalari, din idoralari bilan birgalikda xavf guruhiga kiruvchi shaxslarni mustazam nazorat qilish;
- shubhali faoliyat yuritayotgan fuqarolar bo'yicha reytd tadbirlarini qonuniy asosda tashkil etish;
- ishsizlik, nochorlik, adolatsizlik hissiga ega insonlarni ekstremizm ta'siridan himoya qilish;
- hududiy darajada ish bilan ta'minlash, yoshlar uchun loyihalar va grantlarni kengaytirish;
- ekstremistik ideologiya, internetdagi shubhali ma'lumotlar, dezinformatsiya haqida amaliy seminar-treninglar o'tkazish;
- xodimlar o'rtasida harbiy va psixologik tayyorgarlik kurslarini o'tkazish orqali tahlil va muomala qobiliyatini oshirish;
- "Hushyor fuqaro", "Jamoat nazorati" kabi tashabbuslarni qayta rivojlantirish zarur deb hisoblaymiz.

Aynan shu sohada diniy tashkilotlar bilan tizimli hamkorlikni ham yo'lga qo'yish samarali natijalari beradi. Ekstremizm va radikallashtirishga qarshi kurashda diniy tashkilotlar bilan hamkorlik muhim strategik yo'nalish hisoblanadi. Diniy rahbarlar va muassasalar jamoat orasida ishonchli va ta'sirli figuralar bo'lib, ular orqali radikal g'oyalarga qarshi targ'ibot ishlarini samarali olib borish mumkin.

Diniy tashkilotlar bilan tizimli hamkorlik ekstremizmga qarshi kurashishda juda muhimdir. Diniy rahbarlar jamoat orasida ishonchli va ta'sirli bo'lgani sababli, ular orqali radikallashtirishga qarshi ta'lim va targ'ibot ishlarini kengaytirish mumkin. Boshqa davlatlar tajribalarida diniy tashkilotlar bilan yaqin hamkorlik orqali ekstremizmga qarshi profilaktika tadbirlari samarali amalga oshirilmoqda.

Masjid va diniy o'quv muassasalari imomlari bilan

hamkorlikda ma'ruzalar, targ'ibot ishlarini tashkil etish shu bilan birga, ekstremizmga qarshi kurashda masjid va diniy o'quv muassasalari imomlari bilan hamkorlikda ma'ruzalar va targ'ibot ishlarini samarali tashkil etish uchun quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilishi kerak:

- imomlar va diniy idora xodimlari uchun ekstremizm va radikalizmning xavfli jihatlari, uni profilaktika qilish usullari bo'yicha maxsus trening va seminarlar o'tkazish;
- diniy ta'limotlar asosida ekstremizmga qarshi ma'ruzalar tayyorlash va ularni yoritish ko'nikmalarini shakllantirish;
- imomlar uchun ekstremizmga qarshi ma'ruzalar, ustozlik dasturlari, prezentatsiyalar va boshqa ma'lumotnoma materiallari tayyorlash. Mazkur materiallarning mazmunida diniy ta'limotlar bilan ekstremistik g'oyalar o'rtasidagi farq aniq va tushunarli ifoda etilishi lozim;
- masjidlarda juma namozlaridan so'ng yoki maxsus yig'inalarda ekstremizmning yot g'oyalariga qarshi kurashish bo'yicha ma'ruzalar o'tkazish;
- yoshlar, ayollar va keng jamoatchilik uchun alohida targ'ibot tadbirlari tashkil etish;
- imomlar va diniy faollar bilan birgalikda ekstremizmga qarshi profilaktik seminarlar va davra suhbatlari o'tkazish;
- ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy va axloqiy jihatdan yoshlarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan muloqotlar tashkil etish;
- masjidlarda ekstremizmga qarshi targ'ibot materiallari – bukletlar, plakatlar, audio- va videoyozuvlar tarqatish;
- diniy muassasalar veb-saytlari va ijtimoiy tarmoqlarda targ'ibot ishlarini olib borish.

Shuningdek, fikrimizcha, qonun va diniy ta'limot o'rtasidagi farqni tushuntiruvchi muloqotlar jamoatchilikda huquqiy madaniyatni oshirish, diniy ekstremizmga qarshi profilaktik ishlarini kuchaytirish va ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Ushbu tadbirlarni rejali va tizimli ravishda tashkil etish juda zarur.

Tadqiqot natijalariga asoslanib, shunday xulosa qilish mumkinki, zamonaviy geosiyosiy vaziyatda ekstremizmning jahon xavfsizligiga tahdidi va uning ijtimoiy, siyosiy hamda texnologiyaviy omillar bilan bog'liq. Ichki ishlar organlari, ayniqsa tezkor bo'linmalarining ekstremizmga qarshi kurashdagi o'rni muhim ekanligi, bu sohada umumiy choralardan tashqari kompleks, tizimli, profilaktik va axborot asosidagi yondashuv zarur.

Xorijiy tajribalar, jumladan AQSh, Yevropa Ittifoqi, Rossiya va boshqa davlatlarda huquqni muhofaza qilish organlari, ta'lim muassasalari, jamoatchilik va kiberqaholatni o'z ichiga olgan ko'p sohali hamkorlik modellari muvaffaqiyatli ekanligi aniqlangan. Onlayn ekstremizmga qarshi kibernetika va sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llash, yoshlarning radikallashtirishga qarshi maqsadli profilaktik choralari o'tkazish muhim hisoblanadi.

Yoshlarning ekstremizmdan himoyasida davlatning qonunchilik bazasini takomillashtirish, ijtimoiy faollikni oshirish, ta'lim va targ'ibot ishlarini kuchaytirish, shuningdek, tizimli monitoring va axborot almashinuvini rivojlantirish zarur deb hisoblaymiz. Shu bilan birga, tashqi va ichki tahdidlarga qarshi kurashda mustahkam hamda kompleks yondashuvni amalga oshirish — milliy va global xavfsizlikni ta'minlashda muhim omil sanaladi.

¹ "Sensitiv material" (inglizchadan: sensitive material) degani — bu aholi, ayniqsa yoshlar yoki himoyaga muhtoj guruhlar uchun salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan, ehtiyotkorlik bilan taqdim etilishi kerak bo'lgan ma'lumotlarni anglatadi



1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Samarqanddagi «Markaziy Osiyo - Yevropa Ittifoqi» birinchi sammiti oldidan «Euronews»ga bergan intervyusi . <https://president.uz/uz/lists/view/8009> (Murojaat qilingan sana: 20.05.2025).
2. Багмет Б.Е. Проблемы и тенденции экстремизма в XXI веке. — Москва: Издательство «Наука», 2020. — С. 45
3. Baal N. B. Politicheskiy ekstremizm rossiyskoy molodeji i texnologii yego preodoleniya.2012. diss. Kan. Yu.n. <https://www.dissercat.com/content/politicheskii-ekstremizm-rossiiskoi-molodezhi-i-tehnologii-ego-preodoleniya/read>. (Murojaat qilingan sana: 22.05.2025).
4. U.S. Department of Homeland Security. (2019). Fusion Centers and Counterterrorism Effectiveness Report: 2015–2019. Washington, D.C.: U.S. Government Publishing Office, pp. 12–16).
5. Europol. (2022). European Union Terrorism Situation and Trend Report — TE-SAT 2022. The Hague: Europol, <https://tpcoe.gov.pl/cpe/news/270/The-latest-analysis-of-the-terrorism-situation-in-the-EU-Europol-Report.html>. (Murojaat qilingan sana: 20.05.2025).
6. HM Government. (2017). Prevent Strategy: A Guide for Local Partners and Practitioners. London: Home Office,.
7. Public Safety Canada. (2020). 2019–2020 Departmental Results Report: Public Safety Canada. Ottawa: Government of Canada <https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrcls/pblctns/dprtmntl-rslts-rprt-2019-20/dprtmntl-rslts-rprt-2019-20-en.pdf>. (Murojaat qilingan sana: 18.05.2025).
8. Federal Bureau of Investigation (FBI). (2021). Annual Report 2021. Washington, D.C.: U.S. Department of Justice, pp. 22–25.
9. Europol. (2022). European Union Internet Referral Unit: Annual Report 2022. The Hague: European Union Agency for Law Enforcement Cooperation, <https://www.europol.europa.eu/about-europol/european-counter-terrorism-centre-ectc/eu-internet-referral-unit-eu-iru>. (Murojaat qilingan sana: 21.05.2025).
10. UK Home Office. (2020). Online Harms White Paper: Full Government Response to the Consultation. London: Her Majesty's Government, <https://www.gov.uk/government/consultations/online-harms-white-paper>.
11. Australian Government. (2021). Enhancing Australia's Online Safety Laws: New Legislation for Rapid Removal of Extremist Content. Canberra: Department of Home Affairs, <https://lawcouncil.au/publicassets/Act.pdf>. (Murojaat qilingan sana: 12.05.2025).
12. Umarov Sh.U., Diniy ekstremizm va terrorizm – jamiyat taraqqiyoti kushandasi. International scientific-online conference: Intellectual Education Technological Solutions And Innovative Digital Tools.2019. B.108. <https://interonconf.org/> (Murojaat qilingan sana: 12.05.2025).
13. Federal Ministry for Family Affairs, Senior Citizens, Women and Youth. Demokratie leben! Programme Report. Berlin: BMFSFJ, 2020. – 52 p. [p. 14]. (Murojaat qilingan sana: 12.05.2025).
14. Dutch Ministry of Justice and Security. Approach to Radicalisation and Safety Houses. The Hague: Government of the Netherlands, 2019. – 36 p. [p. 22].
15. United States Institute of Peace. Building Resilience Against Violent Extremism: Youth Engagement and Prevention Strategies. Washington, D.C.: USIP Press, 2021. – 28 p. [p. 15].
16. Халиуллин А.Ф. Профилактика молодежного экстремизма в Башкортостане . Теория права и межгосударственных отношений. 2021. Т. 2. № 3 (15). С. 127- 133. <https://www.elibrary.ru/contents.asp?id=46679218>. (Murojaat qilingan sana: 20.05.2025).
17. Zo'ravonlik ekstremizmiga qarshi kurashish" dasturi. [https://www.homeaffairs.gov.au/about-us/our-portfolios/national-security/countering-extremism-and-terrorism/countering-violent-extremism-\(cve\)](https://www.homeaffairs.gov.au/about-us/our-portfolios/national-security/countering-extremism-and-terrorism/countering-violent-extremism-(cve)). (Murojaat qilingan sana: 21.05.2025).
18. Берген, П. и др. (2016). Подробно: Терроризм в Америке после 11 сентября. Новая Америка.<https://www.newamerica.org/in-depth/terrorism-in-america/>. [https://www.homeaffairs.gov.au/about-us/our-portfolios/national-security/countering-extremism-and-terrorism/countering-violent-extremism-\(cve\)](https://www.homeaffairs.gov.au/about-us/our-portfolios/national-security/countering-extremism-and-terrorism/countering-violent-extremism-(cve)). (Murojaat qilingan sana: 16.05.2025).
19. Ажмухамедов И.М.,Таранов В.И., Агульжанова А.Р., Профилактика экстремизма в образовательных учреждениях. проблемы повышения эффективности научной работы в оборонно-промышленном комплексе России. Материалы 2-й Всероссийской научно-практической конференции. 2019. С.350.Издательство: Астраханский государственный университет, Издательский дом «Астраханский университет»<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38593183&selid=41102522>. (Murojaat qilingan sana: 20.05.2025).